

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**38-сон**  
**(1110)**  
**2023 йил**  
**сентябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

406. «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ–308-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

407. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 16 сентябрдаги 10-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921-4)

408. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 11 сентябрдаги 73/2023-к/қ-сон ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 7 сентябрдаги 35-сон «Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1990-1*)
409. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 5 августдаги 22-сон «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида юк ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3457*)
410. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2023 йил 4 сентябрдаги 91-сон «Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3458*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **406** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва давлат идоралари ўртасида рақамли мулоқотни таъминлаш, масъул идора ва ташкилотлар томонидан замонавий ечимлар ишлаб чиқишга кўмаклашиш учун илғор технологияларни жорий этиш, Ҳукумат фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджи ва инвестициявий жозибadorлигини яхшилаш мақсадида:

1. Белгилансинки, «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси (А. Арипов) (кейинги ўринларда — Комиссия) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботида (кейинги ўринларда — «Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботи) Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш йўналишидаги ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради.

Бунда, мамлакатимизни «Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботида 2030 йилга қадар Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси бўйича давлатлар рўйхатида биринчи 30 таликка киритиш Комиссиянинг асосий вазифаларидан бири этиб белгилансин.

2. Қуйидагилар:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботи индексларидаги кўрсаткичларни яхшилаш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага\*\* мувофиқ;

«Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботининг Онлайн хизмат кўрсатиш индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага\*\* мувофиқ;

«Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботининг Электрон иштирок этиш индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гуруҳ таркиби 3-иловага\*\* мувофиқ;

«Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботининг Телекоммуникация инфра-тузилмаси индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гуруҳ таркиби 4-иловага\*\* мувофиқ;

«Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботининг Инсон капитали индекси-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

\*\* 1 — 4-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

даги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гуруҳ таркиби 5-иловага\* мувофиқ;

«Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботининг Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гуруҳ таркиби 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўйидагилар «Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботида кўзда тутилган индекслар бўйича кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гуруҳларнинг вазифалари этиб белгилансин:

энг муҳим таркибий индикаторларни, уларни шакллантириш методологиясини, шунингдек, охирги ҳисоботларда Ўзбекистон Республикасига оид маълумотларни чуқур таҳлил қилиш, тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотлари функцияларини хатловдан ўтказиш, рақамлаштириладиган жараён ва хизматларнинг муддатлари ва тоифаларини кўрсатган ҳолда аниқ рўйхатини шакллантириш, шунингдек, рақамли хизматларни содда, шу жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун қулай шаклда жорий этиш юзасидан талабларни ишлаб чиқиш;

Интернет тармоғи ва мобиль алоқа фойдаланувчилари сонини ошириш мақсадида телекоммуникация хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, оператор ва провайдерлар учун тенг шароитларни таъминлаш, телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектлар учун жаҳон Интернет тармоғига уланиш жараёнларини соддалаштириш, хусусий провайдерларни «охирги миля» тамойили асосида қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

рақамли ҳукумат тизими ҳамда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларига сунъий интеллект, катта ҳажмдаги маълумотлар, буюмлар интернетини ҳамда блокчейн каби илғор технологияларни жорий этиш, мобиль иловалар орқали хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим билан ялпи қамров ва унинг давомийлик муддати бўйича халқаро баҳолаш мезонларини жорий этиш, улар асосида соҳани такомиллаштириш, аҳоли, шу жумладан нурунийлар, аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни рақамли технологиялар бўйича «ҳаёт давомида таълим олиш» тамойили асосида ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш;

давлат ахборот тизимлари ва ресурсларидан электрон маълумот олиш, уларда электрон қарор қабул қилиш, маҳаллий органларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан рақамли мулоқотини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2024 йил 1 июндан бошлаб янги рақамли хизматлар ва сервислар, қоида тариқасида, биринчи навбатда Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг (кейинги ўринларда — Ягона портал) мобиль иловасида жорий этилади;

б) 2024 йил якунига қадар:

\* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ягона порталда кўрсатилаётган хизматлар сони 700 тага, уларнинг автоматлашганлик даражаси 65 фоизга етказилади;

Ягона порталда жорий этилган рақамли хизматлар ва сервисларнинг камида 75 фоизи мобиль илова орқали кўрсатилиши йўлга қўйилади;

в) аҳоли учун рақамли хизматлардан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида:

2024 йил 1 январдан бошлаб рақамли ҳукумат тизими ҳамда унинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тақдим этадиган имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берувчи махсус портал;

2024 йил 1 июндан бошлаб республика ҳудудидаги яшил ҳудуд, боғ ва жамоат парклари ҳамда 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида жамоат транспорти ҳаракати ҳақида ахборот берувчи махсус порталлар ишга туширилади.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов):

бир ой муддатда шошилиш тезкор хизматлар бўйича аҳолининг чақирувларини қабул қилиш ва уларни тезкор равишда қайта ишлаш бўйича «112» ягона марказлашган диспетчерлик хизмати фаолиятини республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2023 йил 1 ноябрдан бошлаб «охирги миля» тамойили асосида тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда аҳоли хонадонларига кенг полосоли Интернет тармоқларини олиб боришга қаратилган ҳамкорлик дастурини амалга оширсин;

2024 йил якунига қадар магистраль телекоммуникация тармоғи ва аҳоли яшаш масканларида қўшимча 50 минг километр оптик толали алоқа линиялари қурилишини таъминласин.

6. Комиссия ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган «Рақамли ҳукумат лойиҳа офиси» ташкил этилсин.

7. Белгилансинки:

а) Комиссия раисининг ўринбосари (Ш. Шерматов):

«Рақамли ҳукумат лойиҳа офиси»га малакали мутахассисларни жалб этади ҳамда унинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

рақамли ҳукумат тизимини ривожлантириш юзасидан амалдаги ҳолат бўйича таҳлиллар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифларни мунтазам равишда Комиссияга киритиб боради;

б) «Рақамли ҳукумат лойиҳа офиси» фаолияти халқаро ташкилотлар ва молия институтларидан, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан жалб қилинадиган маблағлар ва грантлар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Қудратов) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Электрон ҳукумат тадқиқоти» ҳисоботи индексларидаги кўрсаткичларни яхшилаш бўйича «йўл харитаси»га мувофиқ амалга ошириладиган тадбирлар ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия ташкилотларининг техник кўмаги, грантлари ва кредитларини жалб этиш юзасидан зарур ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашсин.

9. Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) 2024 йил 1 январга қадар рақамли ҳукумат тизимини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаментига тақдимот қилсин ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини асослаш бўйича мунтазам равишда музокаралар ўтказсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 14 сентябрь,  
ПҚ–308-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ****407 «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ху-  
дудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгарти-  
ришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921-4*

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 9 августдаги ЎРҚ–862-сон «Ад-  
вокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига  
ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 мартдаги  
69-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ху-  
дудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тас-  
диқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1921, 2009 йил 14 март) (Ўзбе-  
кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 12-сон, 134-мод-  
да) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

**Вазир****А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 16 сентябрь,  
10-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2023 йил 16 сентябрдаги  
10-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий  
бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ буюраман:».
2. Низомда:  
муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари (бундан кейинги ўринларда малака комиссиялари деб юритилади) ваколатларини ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.»;  
22-банднинг тўртинчи хатбошисидан «юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлмаса, шу жумладан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**408** «Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1990-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 июлдаги 290-сон «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланилиши тақиқланган оғир ишларнинг ҳамда зарарли ёки хавфли меҳнат шароитларидаги ишларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 26 июндаги 33Қ/Б ва 13-сон билан тасдиқланган «Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 355-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Камбағалликни  
қисқартириш ва бандлик вазири**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 11 сентябрь,  
73/2023-к/қ-сон

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 7 сентябрь,  
35-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 21 сентябрда эълон қилинган.

*Келишилди:*

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси*

**К. РАФИКОВ**

*2023 йил 23 август*

*Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**Д. ВАХАБОВ**

*2023 йил 24 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**409** Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида юк  
ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3457*

Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 октябрдаги 232-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Темир йўллари уставига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида юк ташиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилди.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Вазир****И. МАХКАМОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 5 август,  
22-сон

*Келишилди:*

**Инвестициялар ва ташқи  
савдо вазири****Л. КУДРАТОВ**

*2023 йил 1 август*

**Иқтисодиёт ва молия вазири****Ш. КУДБИЕВ**

*2023 йил 12 июль*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

*Ташқи ишлар вазири*

**Б. САИДОВ**

*2023 йил 26 июль*

*Мудофаа вазири*

**Б. КУРБАНОВ**

*2023 йил 7 июль*

*Ички ишлар вазири*

**П. БОБОЖОНОВ**

*2023 йил 13 июль*

*Фавқулодда вазиятлар вазири*

**А. КУЛДАШЕВ**

*2023 йил 17 июль*

*Рақамли технологиялар  
вазирининг биринчи ўринбосари*

**О. ПЕКОО**

*2023 йил 19 июль*

*Энергетика вазири*

**Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ**

*2023 йил 31 июль*

*Қишлоқ хўжалиги вазири*

**А. ВОИТОВ**

*2023 йил 19 июль*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**А. ИНОЯТОВ**

*2023 йил 11 июль*

*Экология, атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш ва иқлим  
ўзгариши вазири*

**А. АБДУХАКИМОВ**

*2023 йил 3 август*

*Тоғ-кон саноати  
ва геология вазири*

**Б. ИСЛАМОВ**

*2023 йил 14 июль*

*Рақобатни ривожлантириш  
ва истеъмолчилар ҳуқуқларини  
ҳимоя қилиш қўмитаси раиси*

**Ш. ШАРАХМЕТОВ**

*2023 йил 4 август*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**Д. ВАХАБОВ**

*2023 йил 13 июль*

Ўзбекистон Республикаси  
транспорт вазирининг 2023 йил 5 августдаги  
22-сон буйруғига  
ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида юк ташиш ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий фойдаланишдаги темир йўлларда юкларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳаракат хавфсизлигини, юклар ва ҳаракатдаги темир йўл таркибининг бутлигини ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида темир йўл транспортида юк ташувларини ташкил этиш тартиби ва шартларини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**темир йўл транспорти** — умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ўз таркибига олган, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш эҳтиёжларини таъминловчи ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборатдир;

**ташувчи** — мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосларда темир йўл транспортига эга бўлган, юкларни ташиш бўйича тижорат асосида хизматлар кўрсатадиган, шунингдек ташиш учун тегишли лицензияси мавжуд бўлган юридик шахс;

**юк жўнатувчи (жўнатувчи)** — ўз номидан ёхуд юк эгаси номидан иш кўрувчи ва ташиш ҳужжатларида қайд этилган юридик ёки жисмоний шахс;

**юкни олувчи (олувчи)** — юкни олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**экспедитор** — транспорт экспедицияси шартномасига мувофиқ темир йўл транспортида юк ташувлар бўйича ишлар бажарилишини ташкил этиш билан шуғулланувчи юридик шахс;

**умумий фойдаланишдаги темир йўллар** — темир йўлнинг поездларни қабул қилиш ва жўнатиш, юкларни қабул қилиш ҳамда топшириш ва хизмат кўрсатиш, маневр ишларини амалга ошириш бўйича тегишли операцияларни бажариш учун очиқ бўлган темир йўл бекатлари (станциялари) жойлашган тармоғи;

**темир йўл инфратузилмаси** — темир йўл ва темир йўл иншоотлари, темир йўл станциялари, электр таъминоти қурилмалари, алоқа тармоқлари, сигнализация, марказлаштириш ва блоклаш тизимлари, ахборот мажмуалари, ҳаракатни бошқариш тизими ва ушбу мажмуанинг фаолиятини таъминловчи бинолар, қурилмалар, мослама ва ускуналарни ўз ичига оладиган технологик мажмуа;

**умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси эгаси** (бундан буён матнда инфратузилма эгаси деб юритилади) — хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида темир йўл инфратузилмаси тегишли бўлган темир йўл транспорти ва унинг бўлинмалари;

**темир йўл станцияси** — поездлар ва бошқа транспорт воситалари билан технологик операцияларни (қабул қилиш, жўнатиш, маневр ишлари ва бошқалар), шунингдек, юкни қабул қилиш ва топшириш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича операцияларни амалга оширувчи умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти бўлинмаси;

**умумий фойдаланишдаги жойлар** — темир йўл станцияси ҳудудидаги юкларни ортиш, тушириш, саралаш ва сақлаш операцияларини бажариш учун махсус ажратилган темир йўл участкалари, шу жумладан усти ёпик омборлар;

**умумий фойдаланишда бўлмаган жойлар** — темир йўл станцияси ҳудудида махсус ажратилган ҳамда юк жўнатувчилар ва юкни олувчиларга юкларни ортиш, тушириш, сақлаш операцияларини бажариш учун вақтинча фойдаланишга топширилган усти ёпик омборлар, майдончалар ва бошқа иншоотлар, шунингдек темир йўл станцияси ҳудудининг ташқарисида жойлашган темир йўл транспортига тегишли бўлмаган объектлар;

**умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти** — ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ўз таркибига олган, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш эҳтиёжларини таъминловчи ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуи;

**темир йўл шохобча йўллари** — алоҳида корхоналар, ташкилотлар, маълум бир юк жўнатувчилар ва юкни олувчиларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, темир йўл умумий тармоғига узлуксиз рельс излари билан боғланган темир йўллар;

**темир йўл шохобча йўли эгаси** (бундан буён матнда шохобча эгаси деб юритилади) — темир йўл шохобча йўлларига эгалик қилувчи ташкилот (бундан инфратузилма эгаси мустасно);

**контрагент** — темир йўл шохобча йўли эгасининг ҳудудида ўзининг омборига ёки темир йўл шохобча йўлига туташган ўзининг темир йўлига эга бўлган юк жўнатувчи ёки юкни олувчи;

**ҳаракатдаги темир йўл таркиби** (бундан буён матнда ҳаракатдаги таркиб деб юритилади) — локомотивлар, юк ва йўловчи ташувчи вагонлар, мотор-вагонли ва махсус ўзиюлар машиналар;

**универсал вагонлар** — турли хусусиятларга эга юкларни ташишга мўлжалланган асосий турдаги вагонлар (ёпиқ вагонлар, ярим очик вагонлар ва платформалар);

**ихтисослаштирилган вагонлар** — махсус конструкцияга эга бўлган ва бир ёки бир нечта юк гуруҳларини (цистерналар, хопперлар, минерал ўғит ташувчи вагонлар, бункерли ярим очик вагонлар, изотермик, рефрижератор вагонлари ҳамда бошқа ихтисослаштирилган вагонлар) ташишга мўлжалланган турли хилдаги вагонлар;

**хусусий вагонлар** — темир йўл корхоналарига тегишли бўлмаган, бироқ муайян шартлар асосида умумий фойдаланишдаги темир йўлларда ташувлар учун фойдаланиладиган вагонлар;

**контейнер** — битта ёки бир нечта транспорт турида, бутлигини сақлаган ҳолда юкларнинг ташилишини таъминлайдиган, кўп марта фойдаланиш учун мўлжалланган транспорт ускунаси;

**универсал контейнерлар** — қадоқланган донали юкларни ташишда қўлланиладиган, юк кўтариш қобилияти бўйича ўрта тоннажли ва йирик тоннажли турларга бўлинадиган контейнерлар;

**ўртатоннажли контейнер** — рухсат этилган максимал брутто оғирлиги 3 — 5 тонна ҳамда 5 ва 11 m<sup>3</sup> сифимга эга бўлган контейнер;

**йирик тоннажли контейнер** — маркировка кодига эга бўлган, брутто оғирлиги 10 t ва ундан ортиқ бўлган, узунлиги 10 фут ва ундан катта ўлчамни ташкил этган контейнер;

**ихтисослаштирилган контейнерлар** — универсал контейнерлардан муайян мақсадда қўлланилиши ва махсус конструкцияси билан фарқ қиладиган ҳамда юкларни алоҳида шароитларда ташиш учун мўлжалланган контейнерлар;

**ташиш жараёни** — юкларни ташишга тайёргарлик кўриш, уни амалга ошириш ва тугаллаш чоғида темир йўл транспорти (ташувчи) бажарадиган ташкилий ва технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ ҳаракатлар ва операциялар мажмуи;

**ташиш ҳужжатлари** — юклар ва ҳаракатдаги таркибни ташишда расмийлаштириладиган ҳужжатлар (темир йўл транспорти юкхати, йўл қайдномаси, жўнатиш юкхати, жўнатиш қайдномаси);

**темир йўл транспорти юкхати (юкхат)** — темир йўл транспортининг асосий ташиш ҳужжати. Юкхат юк жўнатувчи ва темир йўл транспорти (ташувчи) ўртасида учинчи томон — юкни олувчи манфаатини кўзлаб, юк ташиш учун тузиладиган мажбурий шаклдаги шартнома бўлиб, юкни темир йўл транспортида ҳаракатланиши давомида кузатиб боради;

**юк** — ташиш учун темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган, ўз вақтида элтиб берилиши ва сақланиши учун темир йўл (ташувчи) жавобгар бўлган темир йўл ташиш объекти;

**жўнатма** — битта жўнатиш станциясидан битта юк жўнатувчидан битта

юкни олувчи номига, битта станция манзилига битта юкхати билан ташиш учун қабул қилинган юк;

**маршрут** — темир йўл шохобча йўлида ёки темир йўл станциясида юк жўнатувчи томонидан шакллантирилган белгиланган оғирлик ёки узунликдаги поезд таркиби;

**тариф** — ташиш тўловлари миқдорини белгиловчи нарх ставкалари тизими ва йўл ҳақини ҳисоблаш қоидалари;

**Тариф қўлланмаси** — умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида юкларни ташиш учун ўрнатилган тартибда тасдиқланган тарифлар, ставкалар ҳамда қўшимча иш ва хизматлар учун мажбурий тўловлар, уларни ҳисоблаш ва қўллаш тартиби, шунингдек темир йўл станциялари рўйхати ва уларда бажариладиган юк операциялари эълон қилинадиган тизимлаштирилган нашр;

**хавфли юклар** — муайян омиллар мавжуд бўлганда ўз хоссалари ва хусусиятларига кўра ташиш жараёнида, ортиш-тушириш ишларини бажариш ва сақлаш чоғида портлаш, ёнғин чиқишига ёки ташилаётган юклар, техника воситалари, қурилмалар, бинолар ва иншоотлар, бошқа объектларнинг шикастланишига, шунингдек одамлар ҳаёти ёки соғлиғига зиён етишига, ҳайвонларнинг нобуд бўлишига, атроф табиий муҳитнинг зарарланишига сабаб бўлиши эҳтимоли бор моддалар, материаллар, буюмлар, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият чиқиндилари.

2. Ўзбекистон Республикаси орқали халқаро қатновларда темир йўл транспортида юк ташувлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Қоидалар ва халқаро келишувлар (шартномалар) асосида амалга оширилади.

3. Юк ташувларини амалга ошириш учун темир йўл транспорти (ташувчи) ва юк жўнатувчи ўртасида ташиш шартномаси тузилади ҳамда унга асосан темир йўл транспорти (ташувчи) унга ишониб топширилган юкни бут ҳолда ва ўз вақтида жўнатиш пунктдан белгиланган пунктгача етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади, юк жўнатувчи (юкни олувчи) эса ташиш ҳақини тўлаш ва юкни қабул қилишни таъминлаш мажбуриятини зиммасига олади.

Юкларни ташиш шартномаси мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига\* мувофиқ шаклдаги темир йўл транспорти юкхати ҳамда 2-иловасига\* мувофиқ шаклдаги маршрут ёки вагонлар гуруҳи юкхатини тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Календарь штемпели қўйилган юкхати ва унинг асосида темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юк жўнатувчига юк қабул қилинганлиги тўғрисида берилган квитанция (халқаро қатновларда юкхат дубликати) ташиш шартномаси тузилганлигини тасдиқлайди.

Юкни олувчи йўл қайдномасини имзолаб юкхатини олгандан сўнг ташиш шартномаси бажарилган ҳисобланади.

Темир йўлда юк ташиш хизматларини кўрсатиш, шу жумладан темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш, вагонларни узатиш ва қайтиб олиш,

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



вагонларни ижарага бериш, юкларни ташишда қўшимча ишлар ва хизматлар кўрсатиш бўйича темир йўл транспорти (инфратузилма эгаси, ташувчиси) томонидан ишлаб чиқилган оммавий шартномалар Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Транспорт вазирлиги билан келишилганидан сўнг истеъмолчилар билан тузилади.

4. Ташишлар бўйича ҳисоб-китоблар тартиби ва ташиш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 октябрдаги 232-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Темир йўл уставига (бундан буён матнда Темир йўл устави деб юритилади) мувофиқ белгиланади.

Темир йўл транспорти (ташувчилар) томонидан юк ташиш хизматларининг тарифлари уларнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

5. Ташиш жараёнини марказлашган ҳолда бошқариш ва ташкиллаштириш ҳамда юк ташувчиларга умумий фойдаланишдаги темир йўл траспортида хизматларни кўрсатиш темир йўл транспорти (ташувчилар) томонидан амалга оширилади.

6. Темир йўл транспортидаги юк ташувлари билан боғлиқ ҳужжатлар, шу жумладан темир йўл юкхати, юкларни ташиш буюртмалари ва бошқа ҳужжатлар электрон шаклда расмийлаштирилиши мумкин.

## **2-боб. Юкларни ташиш учун буюртмаларни қабул қилиш ва юк ташувларини прогноз қилиш**

7. Умумий фойдаланишдаги темир йўлларда юк ташиш темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юк жўнатувчидан қабул қилинган буюртманома асосида амалга оширилади.

Буюртмалар юк жўнатувчилар томонидан мазкур Қоидаларнинг 3 ва 4-иловаларига\* мувофиқ юк ташишга буюртманома ҳамда декадалик буюртманома шаклида темир йўл транспорти (ташувчи) ёки уларнинг минтақавий бўлинмаларига тақдим этилади.

8. Юк жўнатувчилар юкларни ташиш амалга оширилиши мўлжалланаётган ой (бундан буён матнда прогноз оyi деб юритилади) бошланишидан камида 14 кун олдин темир йўл транспортига (ташувчига) буюртмаларни электрон шаклда тақдим этади.

Буюртмалар юкларни турлари ва номенклатура гуруҳига ажратган ҳолда ҳар бир жўнатиш темир йўл станцияси бўйича, шу жумладан бўш хусусий ва ижарага олинган вагонлар ҳамда хусусий контейнерларнинг юкни жўнатиш ва етказиш манзилидаги темир йўл станциялари кўрсатилган ҳолда тақдим этилади.

Буюртманинг тақдим қилинган санаси унинг келиб тушган санаси ҳисобланади.

9. Юк жўнатувчи буюртмани электрон шаклда тақдим этиш имкони бўлмаганда, буюртма қоғоз шаклда шахсан, почта алоқаси, шунингдек факс ва телетайп орқали кейинчалик буюртманинг асл нусхасини тақдим этиш

\* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шарти билан уларнинг олинганлиги ҳақида тасдиқнома олган ҳолда тақдим этилиши мумкин.

Қоғоз шаклидаги буюртмалар уч нусхада юк жўнатувчи ташкилот раҳбари ёки жисмоний шахснинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда тақдим этилади.

Электрон ҳужжат шаклидаги буюртмалар юк жўнатувчи ташкилот раҳбарининг ёки жисмоний шахснинг электрон рақамли имзоси (ЭРИ) билан тасдиқланган ҳолда тақдим этилади.

10. Темир йўл транспорти (ташувчи) юкни жўнатувчилардан қабул қилинган буюртмаларни беш иш куни ичида кўриб чиқади.

11. Темир йўл транспорти (ташувчи) юк ташиш учун буюртмаларни қуйидаги ҳолларда рад этиш ҳуқуқига эга:

Темир йўл уставига мувофиқ муайян йўналишларда юк ортишга истисно тариқасида таъқиқ жорий этилганда;

юк жўнатувчи томонидан буюртмалар мазкур Қоидаларнинг 3 ва 4-иловаларига мувофиқ шаклда тақдим этилмаганда ёки маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаганда;

бошқа давлатлар ташувчилари темир йўл транспортига (ташувчига) буюртма келишилишини рад этганда;

буюртмада кўрсатилган юклар, ҳаракатдаги темир йўл таркиби ҳамда контейнерлар Темир йўл устави, мазкур Қоидалар ва темир йўл транспортида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар (техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, техник эксплуатация норма ва қоидалари) талабларига мувофиқ бўлмаганда;

юкларни «алоҳида шартларда» ташишда тегишли темир йўл маъмуриятлари билан юкларни ташиш шартлари келишилмаганда;

буюртмада кўзда тутилган юклар ҳажми ва ташишнинг бошқа кўрсаткичлари темир йўл участкасининг поездларни ўтказиш қобилияти ва (ёки) йўналиш бўйича темир йўл станцияларининг юкка ишлов бериш қобилиятларидан ортиқ бўлганда;

темир йўл транспортида (ташувчида) ташишларни амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли ҳаракатдаги темир йўл таркиби ёки контейнерлар мавжуд бўлмаган ҳолларда.

Юкларни ташиш учун буюртма рад этилган тақдирда, темир йўл транспорти (ташувчи) юк жўнатувчини бу ҳақда уч кун ичида хабардор қилади.

12. Юк жўнатувчи буюртма рад этилганлиги ҳақида хабардор этилган вақтдан бошлаб уч сутка ичида рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда такроран буюртма бериши мумкин. Такроран тақдим этилган буюртмалар икки кун ичида кўриб чиқилади.

13. Юк жўнатувчиларнинг буюртмалари асосида темир йўл транспорти (ташувчи) келгуси ой учун ҳаракатдаги темир йўл таркибининг керакли миқдорини аниқлайди ҳамда юк ташувларининг асосий ойлик буюртмалар режасини (бундан буён матнда асосий ойлик буюртма деб юритилади) тонна ва вагонларда шакллантиради.

14. Темир йўл транспорти (ташувчи) юк ташишга бериладиган асосий ойлик буюртмаларга мувофиқ қуйидагиларни шакллантиради:

прогноз оғи бошланишидан камида 12 кун аввал — ўртача бир суткада вагонлар ва тонналарда юклар турлари бўйича прогноз оғи учун ташишларнинг аниқлаштирилган ҳажми;

прогноз оғи бошланишидан камида 10 кун аввал — етказиш манзили темир йўллар ва вагонлар тури бўйича ташишларнинг умумий ҳажми ҳамда етказиш манзилидаги темир йўллар бўйича нефть ва нефть маҳсулотлари, оч рангли нефть маҳсулотлари, спирт, кимёвий маҳсулотлар, шинни, ўсимлик мойи ва аммиакли сувни ташиш учун мўлжалланган герметизацияланган махсус цистерналарга қўйилган ҳолда барча маҳсулотларнинг ташиш ҳажми.

Темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан прогноз оғи учун ташишларнинг тасдиқланган ҳажми ўз минтақавий бўлинмаларига ва темир йўл станцияларига етказилади.

15. Юк ташувларини прогноз қилишда темир йўл транспорти (ташувчи) юкларни ташишнинг ойлик прогнозини эълон қилиш билан бир вақтда ўз минтақавий бўлинмаларига ўртача бир сутка давомида вагонларда ташиладиган юкларнинг асосий турлари бўйича юк ташиш маршрутлари прогнозини белгилайди.

16. Юк ташувларининг маршрутлар ва юк турлари бўйича прогнози темир йўл транспорти (ташувчи) раҳбари томонидан тасдиқланади ҳамда юк ташиш асосий ойлик буюртмалари билан биргаликда ўз минтақавий бўлинмалари ва темир йўл станциялари раҳбарларига прогноз оғи бошланишидан камида уч кун илгари эълон қилинади.

17. Темир йўл транспортида юк ташувларини юк турлари бўйича прогнозлаш мазкур Қоидаларнинг 5-иловасида\* кўрсатилган юклар номенклатураси асосида амалга оширилади.

18. Темир йўл транспортининг (ташувчининг) минтақавий бўлинмалари раҳбарлари ёки темир йўл станцияси бошлиғи темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан белгиланган юк ташувларининг маршрутлар бўйича прогнозига мувофиқ юкларни маршрутларда ташиш бўйича календарь прогнозини оғининг саналари бўйича прогноз оғи бошланишидан камида беш кун илгари ишлаб чиқади ҳамда юк жўнатувчи билан прогноз оғи бошланишидан камида уч кун илгари келишади.

Маршрутларда ташиш бўйича календарь прогнозига темир йўл транспортининг (ташувчининг) минтақавий бўлинмалари томонидан юк жўнатувчилар билан келишилган ҳолда прогноз оғининг ҳар бир декадаси бошланишидан уч кун аввал келгуси декадалар бўйича тузатиш киритилади.

Юк жўнатувчиларнинг буюртмаларига асосан темир йўл транспортининг (ташувчининг) минтақавий бўлинмаси раҳбари юк ортиш кунига қадар юк ташувлари прогнози доирасида маршрутнинг етказиш манзили станциясини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

19. Юк ташиш ойлик прогнозини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномалар юк жўнатувчилар томонидан прогноз қилинган ой тугашидан камида ўн саккиз кун илгари темир йўл транспортига (ташувчига) асосланган ҳолда тақдим этилади.

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Юк жўнатувчиларнинг илтимосномаларига мувофиқ темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан прогноз қилинган ой тугашидан камида ўн беш кун илгари ойлик прогнозларга ўзгартиришлар киритилади.

20. Юкларни прогноздан ортиқ ортиш (бўш хусусий (шахсий), ижарадаги вагон, контейнерларни жўнатиш) учун юк жўнатувчи темир йўл транспорти (ташувчи) раҳбари, унинг минтақавий бўлинмаси раҳбари ёки темир йўл станцияси бошлиғига ортиш кунига қадар камида 5 кун илгари буюртма тақдим этади.

21. Режадан ортиқ юк ортиш имкони бўлмаган тақдирда, темир йўл транспорти (ташувчи) раҳбари ёки унинг минтақавий бўлинмаси раҳбари уч кун ичида буюртма берувчини бу ҳақда хабардор этиши шарт.

### **3-боб. Ташувлар прогнози бажарилиши ҳисобини юритиш карточкасини тўлдириш тартиби**

22. Юкларни ташиш буюртмаси бажарилишининг ҳисоби темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ташиш режаси бажарилишини ҳисобга олиш карточкасида юритилади.

23. Ҳисобга олиш карточкаси темир йўл станциясининг ваколатли ходими томонидан бир ёки юк жўнатувчи талабига кўра икки нусхада тузилади. Ҳисобга олиш карточкаси икки нусхада тузилганда, унинг биттаси темир йўл станциясида қолади, иккинчи нусхаси эса юк жўнатувчига берилади.

Ҳисобга олиш карточкаси ҳар бир юк жўнатувчи ва мазкур Қоидаларнинг 5-иловасида кўрсатилган юклар номенклатурасига мувофиқ ҳар бир юк бўйича алоҳида юритилади.

Ҳисобга олиш карточкаси юк жўнатувчи ва темир йўл станцияси бошлиғи томонидан ҳар бир ҳисобот суткасининг ёки юкларни ортиш учун белгиланган сутканинг сўнгида имзоланади.

24. Юк жўнатувчи ҳисобга олиш карточкасидаги маълумотлардан норози бўлса, у ҳисобга олиш карточкасини «эътирозлар билан» деган сўзларни ёзган ҳолда имзолайди.

Бунда, юк жўнатувчи темир йўл станциясининг ваколатли ходимига кейинги кундан кечикмаган ҳолда ҳисобга олиш карточкасидаги маълумотлардан норозилиги сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда ариза тақдим этиши керак. Ариза тақдим этилмаса, ҳисобга олиш карточкаси норозиликсиз имзоланган деб ҳисобланади.

Юк жўнатувчи ҳисобга олиш карточкаси имзоламаса ёки норозилик сабаблари юзасидан ариза тақдим этмаса, бу ҳақда темир йўл станциясининг ваколатли ходими томонидан умумий шаклдаги далолатнома тузилади ва ҳисобга олиш карточкасига бириктирилади.

Юк жўнатувчи вакили ҳисобга олиш карточкасини имзолаш учун келмаганда, умумий шаклдаги далолатнома навбатдаги кундан кечиктирилмаган ҳолда тузилиши зарур.

\* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

25. Ҳисобга олиш карточкасини юритиш темир йўл станциясининг ваколатли ходими томонидан қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1) ҳисобга олиш карточкасининг 1, 2 ва 3-устунлари декадалик буюртманомасида асосида тўлдирилади.

Юк жўнатувчи томонидан декадалик буюртманомасида тақдим этилмаган тақдирда, ҳисобга олиш карточкасида вагонлар (контейнерлар) сони темир йўл станцияси ваколатли ходими томонидан режалаштирилаётган давр кунлари бўйича бир маромда (ўртача суткалик) юк ортишдан келиб чиққан ҳолда тақсимланади.

Юк жўнатувчи томонидан декадалик буюртманомасида тақдим этилмаганда ёки муддатлари бузилиб тақдим этилганда ва бунинг натижасида темир йўл станцияси томонидан вагонлар (контейнерлар) юк ортиш учун қўйиб берилмаган ҳолларда юк жўнатувчи юк ортишдан бош тортган деб ҳисобланади.

Юк жўнатувчи томонидан декадалик буюртманомасида тақдим этилмагани ёки муддатлари бузилиб тақдим этилгани тўғрисидаги маълумотлар темир йўл станцияси ваколатли ходими томонидан ҳисобга олиш карточкасининг 7-устунида қайд этилади.

Юклар контейнерларда ташилганда, ҳисобга олиш карточкасининг 3-устуни тўлдирилмайди;

2) ҳисобга олиш карточкасининг 4-устунида ортиш учун техник ва тижорат жиҳатдан яроқли бўлган, декадалик буюртманомасида ҳисобот суткасида юк жўнатувчига қўйиб берилган вагонлар (контейнерлар) миқдори кўрсатилади. Бунда, қўйидаги вагонлар (контейнерлар) қўйиб берилган деб ҳисобланади:

юк ортиш учун ҳисобот суткаси давомида тўлиқ бўлган муддат билан қўйиб берилган бўш вагонлар (контейнерлар);

аввалги суткаларда юкланмай қолган вагонлар (контейнерлар);

юкларни тушириш ва кейин ортиш мақсадида қўш операциялар бажарилиши учун қўйиб берилган юкли вагонлар (контейнерлар);

юк ортиш учун тўлиқ бўлмаган муддат билан қўйиб берилган, бироқ юк жўнатувчи томонидан ҳисобот суткаси якунига қадар юкланган вагонлар (контейнерлар);

3) ҳисобга олиш карточкасининг 5-устунида ҳисобот суткасида ортилган вагонлар (контейнерлар) миқдори кўрсатилади. Бўш хусусий контейнерларни ташиш прогноз қилинган бўлса, ҳисобга олиш карточкасининг 5-устунида бўш хусусий контейнерларнинг миқдори кўрсатилади;

4) ҳисобга олиш карточкасининг 6-устунида вагонлар ва тонналарда ташишлар прогнози бажарилиши ҳисобини юритиш учун юкланган юкларнинг тоннаси бўйича миқдори кўрсатилади, юклар контейнерларда ташилганда 6-устун тўлдирилмайди;

5) ҳисобга олиш карточкасининг 2, 4 ва 5-устунларида ташувлар прогнозида назарда тутилган, қўйиб берилган ва амалда юкланган жўнатувчи маршрутлар миқдори маҳраж кўринишида кўрсатилади;

6) ҳисобга олиш карточкасининг 7-устунида ташишлар прогнози бажарилмаганлиги сабаблари кўрсатилади.

Юк жўнатувчи томонидан юк ортишни ёзма равишда рад этилганда, ҳисобга олиш карточкасининг 7-устунида «вагонга юк ортиш рад этилди» деган сўзлар ёзиб қўйилади ва рад этиш санаси кўрсатилади. Юк ортишни рад этиш тўғрисидаги аризада юк жўнатувчи рад этаётган вагонлар, тонналар миқдори ҳамда ортиш рад этилишига тааллуқли бўлган давр кўрсатилиши лозим. Юк жўнатувчининг ортишни рад этиш тўғрисидаги аризаси ҳисобга олиш карточкасига илова қилинади.

Ҳисобга олиш карточкасининг 7-устунида юкланмаган вагонлар сабабларидан ташқари темир йўл транспорти (ташувчи) ёки юк жўнатувчи айби билан юкланмаган вагонлар сони ҳам кўрсатилади;

7) ҳисобга олиш карточкасининг 8 ва 9-устунларида мос равишда темир йўл станциясининг ваколатли ходими ва юк жўнатувчи ёки унинг вакилининг имзолари қўйилади;

8) ҳисобга олиш карточкасининг 10 — 24-устунлари халқаро ташишларда тўлдирилади ва етказиш темир йўллари (мамлакатлари) кўрсатилади.

26. Темир йўл транспорти (ташувчи) айби билан юкланмаган вагонлар (контейнерлар) миқдори ҳисобга олиш карточкасининг 2-устунидан 4-устунини айириш орқали аниқланади.

27. Юк жўнатувчи айби билан юкланмаган вагонлар (контейнерлар) сони ҳисобга олиш карточкасининг 4-устунидан 5-устунини айириш йўли билан аниқланади.

Юк жўнатувчи айби билан вагон ва тонналарда прогноз қилинадиган юклар бўйича юкланмаган тонналар миқдори ҳисобга олиш карточкасининг 4-устунидан 6-устунини айириш орқали аниқланади.

Декада давомида темир йўл транспорти (ташувчи) ва юк жўнатувчи айби билан юкланмаган вагонлар (контейнерлар) ва тонналар миқдори ҳисобга олиш карточкасининг 7-устунида кўрсатилади, бунда юкланмаган маршрутлар сони махражда кўрсатилади.

28. Темир йўл транспорти (ташувчи) юк жўнатувчининг илтимосномасига биноан юк жўнатувчи билан келишилгандан ортиқ вагонлар (контейнерлар) қўйиб берса, қўйиб берилган барча вагонлар (контейнерлар) сони ҳисобга олиш карточкасининг 4-устунига киритилади.

29. Юк жўнатувчи томонидан декадалик буюртманома тақдим этилмаганда ёки Темир йўл уставида белгиланган муддатдан кеч тақдим этилганда, мазкур декада учун юк жўнатувчи айби билан юкланмаганлик прогноз бўйича юк ортишнинг ўртача суткалик меъеридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

30. Юк жўнатувчи томонидан вагонга юкни ортиш бўйича техник меъерларнинг статик юкламаси бажарилмаган тақдирда, ташувлар прогнози бўйича юкланмаган тонналар миқдори юк жўнатувчи айби билан юзага келган деб ҳисобланади.

Юк жўнатувчи ташилиши тонна ва вагонларда прогнозлаштирилган ва ҳисобга олинган юкларни ортишда тоннада прогноз қилинган барча юкни ортиб бўлганда, вагонларга юкни зичроқ жойлаштириш ёки сифими каттароқ ҳажмдаги вагонларни қўйиб бериш оқибатида буюртмада кўрсатилганидан камроқ вагондан фойдаланган бўлса, ташиш прогнози бажарилган деб ҳисобланади.

Бунда, бўш қолган вагонлар сони ортилган юкнинг тонналардаги умумий миқдорини битта вагоннинг статик юкланиши миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади ҳамда юк жўнатувчига боғлиқ сабабларга кўра юкланмаган вагонлар у томондан бўш қолдирилади вагонлар сонига қисқартирилади.

Юк жўнатувчи тонна ва вагонларда прогнозлаштирилган ва ҳисобга олинган юкларни ортишда буюртманомга берилган вагонларнинг барчасидан фойдаланганда, юкланмай қолган тонналар миқдори статистик юкланишдан кам бўлса буюртманомга бажарилган деб ҳисобланади.

Вагон ва тонналарда прогноз қилинадиган ва ҳисобланадиган юклар бўйича юкларни кам ортилганлиги учун кейинги ҳисоблар қиймати тоннада, манзили бўйича юкланмаган вагонларнинг юклама миқдорини етказиш сонига кўпайтириш билан аниқланади.

31. Юк жўнатувчининг корхонасида юз берган авария туфайли ишлаб чиқариш жараёни камида уч суткага тўхтатилгани сабабли ташишлар прогнози бажарилмаганда, юк жўнатувчи томонидан авария тўғрисида тасдиқланган далолатнома нусхаси темир йўл станцияси бошлиғига тақдим этилиши лозим.

Табийй офатлар сабабли темир йўл шохобча йўлида ҳаракат тўхтаб қолганда, амалдаги қоидаларга мувофиқ юк ортиш-тушириш ишларини бажариш тақиқланган ва ташишлар прогнозининг бажарилмай қолишига сабаб бўлган табиий офатлар темир йўл станцияси ҳамда юк жўнатувчи ташкилот раҳбари томонидан имзоланадиган далолатномада қайд этилиши лозим. Ушбу далолатнома ҳисобга олиш карточкасига илова қилинади.

Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар юзага келганда, ҳисобга олиш карточкасининг 7-графасида бу ҳақида қайд этилади.

32. Ҳисобот оyi натижаларига кўра юк жўнатувчи томонидан юкланган вагонларнинг умумий миқдори мос келса, ортилган юк оғирлиги эса ойлик буюртмада кўрсатилгандан кўп бўлса, бунда юк ташувлари прогнози бажарилган ҳисобланади.

33. Темир йўл станцияси юк жўнатувчига ташувлар прогнози бажарилгани тўғрисидаги якуний натижаларни ҳисобга олиш карточкасида ортиш учун кўзда тутилган охириги сутка ўтгандан кейин 5 кун мобайнида маълум қилади.

34. Юкларни ортишда прогноз қилинган вагонлардан тўлиқ фойдаланилган ва вагонларни ортиш бўйича техник меъёрлар бажарилган, ташилиши тонна ва вагонларда прогноз қилинадиган ва ҳисобланадиган юкларнинг тонналарда ойлик прогнози юк жўнатувчи томонидан бажарилмаганда, темир йўл транспорти (ташувчи) юк жўнатувчининг талабига асосан тонналарда буюртмани бажариш учун зарур бўлган миқдорда қўшимча вагонларни қўйиб беради ва берилган вагонлар учун тўлов ундиради.

35. Темир йўл транспорти (ташувчи) айби билан вагонлар (контейнерлар) ташувлар прогнозини бажариш учун қўйиб берилмаганда, темир йўл транспорти юк жўнатувчининг талабига асосан юкланмай қолган вагонлар ҳажмини тўлдириш учун уларни кейинги ой давомида ажратишга мажбур.

Бунда, темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан ички темир йўл қатновларида ташилиши прогноз қилинган юклар бўйича юк жўнатувчи билан, халқаро темир йўл қатновларида прогноз қилинган юклар бўйича эса юк жўнатувчи, ташишда қатнашаётган давлатлар темир йўл маъмуриятлари ва бошқа транспорт турлари ташкилотлари билан келишилган ҳолда вагонлар (контейнерлар) ажратилади.

36. Қўшимча буюртманомаларга асосан жўнатилаётган юклар, жумладан бўш хусусий (ижарага олинган) вагон ва контейнерлар учун алоҳида ҳисобга олиш карточкиси тузилади.

#### **4-боб. Юк ташиш учун ташиш ҳужжатларини тўлдириш**

##### **1-§. Юкхатини расмийлаштиришга доир умумий қоидалар**

37. Ички қатновда юк ташиш учун юк жўнатувчи томонидан мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ шаклдаги темир йўл транспорти юкхати ҳамда маршрут ёки вагонлар гуруҳи юкхати расмийлаштирилади.

Юклар халқаро қатновларда, шунингдек чегарадош давлатлар темир йўлларининг транзит участкаларини кесиб ўтувчи ички қатновларда ташилганда, Халқаро темир йўлларда юк ташиш қатновлари тўғрисидаги битим (бундан буён матнда СМГС деб юритилади) талабларига мувофиқ юкхати расмийлаштирилади.

38. Юкхати асосий ташиш ҳужжати ва темир йўлда юк ташиш шартномаси ҳисобланади.

Юкхати юклар вагонга ортилганидан сўнг расмийлаштирилади.

Юкхати йўл қайдномаси билан биргаликда етказиш манзилидаги станциягача юк билан бирга юборилади ва юкни олувчига топширилади.

Божхона назорати остидаги юкларнинг ташиш ҳужжатлари етказиш манзилидаги темир йўл станциясида божхона органи ва темир йўл транспорти (ташувчи) ўртасидаги келишувлар асосида божхона органи мансабдор шахсларига топширилади.

39. Юк жўнатувчи ва темир йўл станцияси томонидан юкхатининг тегишли графаларига барча маълумотлар тўлиқ киритилиши керак. Юк жўнатувчи томонидан юкхати ва ташиш ҳужжатларидаги маълумотларни ўчириш, ўзгартириш ва бўйаш тақиқланади.

Агар юк жўнатувчи томонидан юкхатини тўлдириш жараёнида ҳужжатдаги маълумотларни ўчириш ёки доғ тушириш ҳолатига йўл қўйилган бўлса, янги юкхати тўлдирилиши лозим.

Темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юкхати ва ташиш ҳужжатлари тўпламига ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритилиши мумкин ҳамда мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар темир йўл станцияси штемпели билан тасдиқланиши керак.

40. Битта юкхати билан қўйидаги ташувларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди:

1) тез бузилувчан юкларни бошқа юклар билан бирга ташиш, бундан кузатувчилар ҳамроҳлигида ташиладиган юклар мустасно;



2) ўз хусусиятларига кўра бошқа юклар билан бир вагонда ташилишига йўл қўйилмайдиган юклар;

3) алоҳида эҳтиёт чоралари талаб қилинадиган юкларни бундай чораларни талаб қилмайдиган юклар билан бирга ташишда;

4) экологик хавфсизлик нормалари, санитария, фитосанитария ва ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига риоя қилишни талаб қиладиган юкларни ушбу норма ва қоидаларга риоя қилишни талаб қилмайдиган юклар билан бирга ташиш;

5) турли сақлаш муддатларига эга бўлган юклар, бундан юклар умумий фойдаланишда бўлмаган жойларга тушириш учун жўнатилаётган ҳоллар мустасно;

6) божхона назорати остидаги юклар билан божхона назорати остида бўлмаган юкларни битта темир йўл вагонда (контейнерда) ташиш.

41. Битта юкхатида юк жўнатувчи (юкни олувчи) сифатида фақат битта юридик ёки жисмоний шахс кўрсатилиши шарт.

## **2-§. Юк жўнатувчи томонидан юкхатини тўлдириш**

42. Юк жўнатувчи томонидан юкхатининг графалари қўидаги тартибда тўлдирилиши лозим:

1) «Тезлик» графасида юкнинг юкли ёки катта тезлик билан ташилиши кўрсатилади;

2) «Вагон тури», «Вагон рақами», «Юк кўтариш қобилияти», «Ўқлар сони», «Цистерна тури», «Вагонга ортишнинг техник меъёри» графалари юк жўнатувчининг кучи ва техник воситалари (вагон, контейнер, ортиш мосламалари) ёрдамида юк ортилганда тўлдирилади;

3) «Юк кўтариш қобилияти» графасида вагондаги ёзувлар ва белгиларда (трафаретда) кўрсатилган маълумотларга мувофиқ каср кўринишида: суратда — вагоннинг юк кўтариш қобилияти, махражда — ярим очиқ ёки ёпиқ вагон кузовининг ҳажми, платформалар учун эса — рама узунлиги кўрсатилади;

4) «Вагонга ортишнинг техник меъёри» графасида вагонга юк ортиш бўйича халқаро ёки ички техник меъёр кўрсатилади. Техник меъёрлар белгиланмаган юклар учун ушбу графада «меъёр белгиланмаган» деган сўзлар кўрсатилади;

5) «Вагон рақами» графасида гуруҳли рефрижераторли ҳаракатдаги темир йўл таркибига юкхати тўлдирилганда каср кўринишида: суратда — рефрижераторли поезд ёки секция рақами, махражда — вагон рақамини кўрсатилади;

6) «Етказиш станцияси» графасида Тариф қўлланмасига мувофиқ юкни етказиш манзилидаги темир йўл станцияси номи кўрсатилади. Юк темир йўл шохобча йўлига жўнатилаётганда, етказиш станцияси номи билан «\_\_\_\_\_ шохобча йўлига қўйиб бериш» деган сўзлар ёзилади (етказиб бериш мўлжалланган темир йўл шохобча йўлининг ташкилоти номи кўрсатилади);

7) «Юк жўнатувчи» графасида юк жўнатувчи ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилади. Юк жисмоний шахслар томонидан жўнатилаётган бўлса, юкни жўнатаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади;

8) «Почта манзили» графасида юк жўнатувчининг почта манзили кўрсатилиб, шаҳар ёки бошқа аҳоли пункти, туманлар, кўча ва уй рақами қайд этилади;

9) «Юкни олувчи» ва «Почта манзили» графалари мазкур банднинг 7 ва 8-кичик бандларида белгиланган тартибда тўлдирилади. Ушбу графаларда юкни олувчининг телефон рақамлари ва электрон почта манзили кўрсатилиши керак;

10) «Юк жўнатувчининг белги ва маркаси» графасида юк жўнатувчи томонидан юк жойларининг фарқловчи белгилари ёки тартиб рақамлари кўрсатилади;

11) «Жойлар сони» графасида юк ва ўрамнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юк жойларининг сони ҳамда жойларнинг умумий сони кўрсатилади.

Юклар пакетлаштирилган ҳолда поддонларда ташилганда, графада каср кўринишида суратда — поддонларда шаклантирилган пакетлар сони, махражда — жойларнинг умумий сони ифодаланади. Юклар тўкилган, уюлган ёки қўйилган ҳолда ташишга тақдим этилганда, жойлар сони кўрсатилмайди, «тўкилган», «уюлган» ёки «қўйилган» деган сўзлар киритилади;

12) «Қадоқлаш» графасида юклар қадоқларининг тури ёзилади. Қадоқланмаган юклар ташишга тақдим этилганда, ушбу графада «Қадоқланмаган» ёки «н/у» қисқартма белгиси қўйилади;

13) «Юкнинг номи» графасида қуйидагилар кўрсатилади:

Тариф қўлланмасига мувофиқ юкнинг тўлиқ номи;

Юкларнинг ягона тариф-статистика номенклатураси (ЕТСНГ) ва Юкларнинг уйғунлашган номенклатураси (ГНГ) бўйича кодлари;

тахта-ёғоч ва ўтин юкларини тўкилган ҳолда ташишда — юкларни ташишга қабул қилиш мазкур Қоидаларнинг 5-бобида белгиланган тартибда юкланган штабеллар (тахламлар) миқдори ва баландлиги;

ёғоч-тахта материаллари металл сим боғламаларни (строп, стяжка) қўллаган ҳолда ташилганда, ушбу мосламаларнинг сони;

юк жўнатувчи пломбалар билан юк жўнатишганда, «Юк жўнатувчи пломбалари» деган сўзлар;

юк жўнатувчи ёки юкни олувчининг кузатувчилари ҳамроҳлигида жўнатишганда, «Юк жўнатувчи (ёки юкни олувчи) кузатувчиси» белгиси, кузатувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, хизмат сафари гувоҳномаси рақами (мавжуд бўлса);

сабзавотлар ва полиз экинлари тўкилган ҳолда ташилганда, сабзавот ва полиз экинларининг бир-биридан ажратиш учун вагонга ўрнатилган тўсиқлар сони;

хайвонлар ёпиқ вагонларда ташилганда, эшик тўсиқлари сони;

юклар иситилган ҳолда ташилганда, темир йўл транспортига (ташувчига) тегишли вагон иситиш мосламалари сони.

Юкларнинг номини киритиш учун юкхатида жой етарли бўлмаса, юк жўнатувчи томонидан юкхатига қўшимча равишда юкхати форматидан ортик бўлмаган ҳажмда рўйхат тузилиб, унда ташилаётган барча юкларнинг белгилари, маркалари, жойлар сони, қадоқланган ўрамлари, номи ва оғирлиги

кўрсатилади. Ушбу рўйхат тўрт нусхада юк жўнатувчи штемпелига эга бланкаларда тузилади ва юк жўнатувчи томонидан имзоланади.

Бунда, «Юкнинг номи» графасида «Терма жўнатма, юклар рўйхати илова қилинади» деган сўзлар ёзилади.

Рўйхатнинг барча нусхаларида юкхатининг рақами ва темир йўл станциянинг календарь штемпели қўйилган бўлиши лозим.

Рўйхат нусхалари юкхати, йўл қайдномаси ва йўл қайдномасининг қорешогига бириктирилади. Рўйхатнинг бир нусхаси юк ташишга қабул қилиш қвитанциясига билан бирга юк жўнатувчига топширилади;

14) «Юкнинг оғирлиги, килограммда аниқланган/юк жўнатувчи» графасида юкнинг оғирлиги юк жўнатувчи томонидан ёки темир йўл станциясининг ваколатли ходими билан биргаликда юк жўнатувчи томонидан аниқланганда тўлдирилади.

Юкнинг оғирлиги вагон тарозисида аниқланганда, тегишли графаларда брутто, вагон тараси ва нетто оғирликлари кўрсатилади. Бунда, «Тара текш./брусдан» графасида вагон тарасининг оғирлиги текширилган ёки вагон брусдан олинганлигидан келиб чиқиб, керак бўлмаган белги ўчирилади.

Битта юкхати бўйича тарага жойлаштирилган ва донали бўлган турли хилдаги ва ҳар хил қадоқдаги юклар ташишга тақдим этилганда, қадоқнинг ҳар бир тури бўйича ҳар бир юкнинг алоҳида оғирлиги, шунингдек мазкур юкхати бўйича тақдим этилаётган юкларнинг умумий оғирлиги кўрсатилади;

15) «Жами жойлар» графасида жойларнинг умумий миқдори сўз билан ёзилади;

16) «Жами оғирлиги» графасида юк жўнатувчи томонидан ёки юк жўнатувчи темир йўл станциясининг ваколатли ходими билан биргаликда юкнинг умумий оғирлиги аниқланганда, юкнинг умумий оғирлиги сўз билан ёзилади;

17) «Оғирликни аниқлаш усули» графасида юкнинг оғирлиги қандай усул билан аниқлангани кўрсатилади.

Юкнинг вазни статик вазн ўлчаш мақсадида вагон тарозисида, товар ёки бошқа турдаги тарозида ўлчанганда, тарози тури ва бўлиниш бирлиги кўрсатилади.

Юк оғирлиги стандарт бўйича аниқланган бўлса, ушбу графада битта юк жойининг брутто ва нетто стандарт оғирлиги кўрсатилади;

18) «Юк жўнатувчи (имзо)» графасида ташувларни расмийлаштириш учун юк жўнатувчининг ишончномасига эга бўлган юк жўнатувчининг вакили юкхатида у томонидан кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлаб, имзо чекади;

19) «Техник шартлар китобининг \_\_\_\_ боби \_\_\_\_ параграфига мувофиқ тўғри жойлаштирилган ва маҳкамланган» графасида юкларни очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташишда уларнинг тўғри ортилганлиги ва маҳкамланганлиги учун жавобгар бўлган юк жўнатувчи ёки унинг вакили имзо чекади.

Юкни очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташишда уни тўғри ортиш ва маҳкамлаш СМГСнинг техник шартларида кўзда тутилмаган бўлса, ушбу

графада «Юк \_\_\_\_ йил \_\_\_\_даги \_\_\_\_-сон маҳаллий техник шартларга мувофиқ тўғри жойлаштирилган ва маҳкамланган» деган ёзув қайд этилади;

20) «Юк жўнатувчининг аризаси ва белгилари» графасида:

юкнинг эълон қилинган қиймати (нархи);

очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташиш рухсат этилган юклар рўйхатида кўрсатилмаган юк ташиш учун тақдим этилганда, уни очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташиш учун розилик берилганлиги;

юк жўнатувчи томонидан вагонда ўрнатилган, етказиш манзилидаги темир йўл станциясида юкни олувчига топширилиши керак бўлган мосламалар;

юкларни ечиб олинадиган усқуналар ва совуқ ўтказмаган ҳолда ташишда усқуналар ва иситиш материаллари оғирлиги;

юк жўнатувчи томонидан юкни музлаб қолишдан сақлаш мақсадида амалга оширилган профилактика чоралари;

қадоқланмаган юкнинг кўзга кўринадиган шикастланишлари (масалан, «станокнинг \_\_\_\_ детали синган», «машинанинг ёритиш чироқлари синган» ва бошқалар);

юкхатига илова қилинган ҳужжатларнинг номлари ва рақамлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Юк жўнатувчилар ушбу графада бошқа маълумотларни ҳам киритиш ҳуқуқига эга;

21) Алоҳида қоидалар асосида ташиладиган ёки ташиш ва сақлашда алоҳида эҳтиёт чораларига риоя қилиш талаб қилинадиган юклар бўйича юкхатининг юқори қисмида («Алоҳида белгилар ва штемпеллар жойи» графасида) штемпель ёки юкнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги ёзув қайд этилади, ҳаракатдаги темир йўл таркибида тез бузилувчан юклар ташилганда эса «Тез бузилувчан юк» штемпели қўйилади.

43. Темир йўл транспорти (ташувчи) юк жўнатувчи томонидан юкхатига илова қилинган кузатув ҳужжатларининг тўғрилиги ва етарлилигини текширишга мажбур эмас.

Юк жўнатувчилар юкларни темир йўлларда халқаро ва ички қатновларда ташишда юкларни хусусиятларидан келиб чиқиб божхона расмийлаштирувини амалга ошириш ҳамда ташиш учун қонунчиликда тақдим этилиши белгиланган ҳужжатларни (рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва бошқалар) темир йўл транспортига (ташувчига) юкхатига илова қилиши лозим.

Юк жўнатувчи кузатув ҳужжатлар йўқлиги, етарли эмаслиги ёки нотўғрилиги натижасида келиб чиқадиган оқибатлар учун темир йўл транспорти (ташувчи) олдида жавобгардир.

Илова қилинган ҳужжатлар юкхатига бириктирилиши шарт.

### **3-§. Жўнатиш темир йўл станцияси томонидан юкхатини тўлдириш**

44. Жўнатиш темир йўл станцияси юкхатининг графаларини куйидаги тартибда тўлдиради:

1) «Прогноз бўйича рақами» графасида ташувлар прогнозининг ёки юк жўнатувчи буюртмасининг рўйхат рақами кўрсатилади;

2) «Юк олиб киришга рухсат берилган \_\_\_\_\_ кун \_\_\_\_\_ ой» графасида вагон жўнатмалар учун юклар тақдим этилганда, темир йўл станцияси бошлиғи томонидан юкни олиб киришга рухсат берилган кун ва ой кўрсатилади;

3) «Ортиш тайинланган \_\_\_\_\_ кун \_\_\_\_\_ ой» графасида темир йўл станцияси бошлиғи томонидан юк ортиш белгиланган кун ва ой кўрсатилади. Мазкур графанинг пастки қисмида юк ортилган кунда темир йўл станцияси бошлиғининг имзоси ва санаси қўйилади;

4) «Алоҳида белгилар ва штемпеллар учун жой» графасида:

ташишнинг маълум бир йўналишида ҳаракатдаги темир йўл таркибининг оғирлиги ва тури;

юк ортиш габарити бўйича чекловлар (бу ҳақида юкхатини имзолаш жараёнида белги қўйилади);

Мазкур Қоидаларнинг 4-бобида назарда тутилган ҳолатларда, «Тепаликдан туширилмасин» деган сўзлар;

ногабаритли юклар ташилганда, ногабаритликнинг 5 хонали индекси бўйича «\_\_\_\_\_ даражали ногабаритли юк» деган сўзлар;

юклар жўнатиловчи маршрутлар орқали ташилганда, «\_\_\_\_\_ -сон тўғридан-тўғри жўнатиловчи маршрут» ёки «Темир йўлнинг \_\_\_\_\_ станциясида тарқатиладиган \_\_\_\_\_ -сон жўнатиловчи маршрут» деган сўзлар;

юклар поғонасимон маршрутларда ташилганда, маршрутни охири шакллантирувчи станциянинг «\_\_\_\_\_ -сон поғонасимон тўғридан-тўғри маршрут» ёки «Темир йўлнинг \_\_\_\_\_ станциясида тарқатиладиган \_\_\_\_\_ -сон поғонасимон маршрут» штемпели қўйилади;

5) «\_\_\_\_\_ -сон юкхати» графасида йўл қайдномаси рақами кўрсатилади;

6) «Жўнатиш станцияси» графасида жўнатиш темир йўл станциясининг номи ҳамда Тариф қўлланмасига мувофиқ ушбу темир йўл станциянинг коди штемпелда кўрсатилади;

7) «Вагон тури», «Вагон рақами», Юк кўтариш қобиляти», «Ўқлар сони», «Вагонни ортиш техник меъёри» графалари темир йўл транспортининг (ташувчининг) кучи ва техник воситалари (вагон, контейнер, ортиш мосламалари) ёрдамида юк ортилганда мазкур Қоидаларнинг 42-банди 2 — 5-кичик бандларида белгиланган тартибда тўлдирилади;

8) «Юкнинг оғирлиги, килограммда аниқланган/Темир йўл транспорти (ташувчи)» графасида темир йўл транспортининг (ташувчининг) кучи ва техник воситалари (вагон, контейнер, ортиш мосламалари) ёрдамида юклар ортилганда, мазкур Қоидаларнинг 42-банди 14-кичик бандида белгиланган тартибда темир йўл станцияси томонидан тўлдирилади;

9) «Жами оғирлиги» графасида юкнинг оғирлиги темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан аниқланганда, юкнинг умумий оғирлиги сўз билан ёзиб кўрсатилади;

10) «Оғирликни аниқлаш усули» графаси юкнинг оғирлиги қандай усул билан аниқланганлиги мазкур Қоидаларнинг 42-банди 17-кичик бандида белгиланган тартибда тўлдирилади;

11) «Темир йўл транспорти (ташувчи) юк қабул қилиб топширувчиси» графаси темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан ёки юк жўнатувчи ва

темир йўл станциясининг ваколатли ходими билан биргаликда юкнинг оғирлиги аниқланганда, темир йўл станциянинг ваколатли ходими томонидан имзоланади;

12) «Темир йўл (ташувчи) маркаси» графасида юклар майда жўнатмалар билан ташилганда, жўнатиладиган юкларни қабул қилиш китобига кўра тартиб рақами кўрсатилади;

13) «Тариф белгилари» графасида Тариф қўлланмасига мувофиқ тегишли тариф ва хизматларни қўллаш учун зарур бўлган маълумотлар кўрсатилади;

14) «\_\_\_ километрга тўловлар ҳисоби» графасида ташиш масофаси, юк ташиш ҳақи, қўшилган қиймат солиғи ва бошқа тўловлар кўрсатилади;

15) «Жўнатишда ундирилди» графасида юк жўнатувчига ҳисобланган сумма ёзма равишда кўрсатилади. Ҳисобланган сумма темир йўл станциясининг ваколатли ходимининг имзоси билан тасдиқланади;

16) «Юкни қисмлар билан олиб кириш» графасида темир йўл станциясининг ваколатли ходими ҳар бир алоҳида олиб кирилган юк қисми бўйича сана, жойлар сони ва юк вазнини кўрсатади.

Юк жўнатувчиларга қабул қилиш маркаларини топшириш кўзда тутилмаган темир йўл станцияларида ушбу графага темир йўл станциясининг ваколатли ходими томонидан темир йўл станцияси ёки ташувчи ҳудудига бир вақтда олиб кирилган юкларнинг тўлиқ партияси тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Мазкур маълумотлар темир йўл станциясининг ваколатли ходими имзоси билан тасдиқланади;

17) «Ташиш шартномаси тузилган сана» графасида жўнатиш темир йўл станциясининг календарь штемпели қўйилиб, унда юк ташишга қабул қилинган сана кўрсатилади;

18) «Юк жўнатувчи» ва «Юкни олувчи» графаларида юк жўнатувчи ва юкни олувчилар жисмоний шахс бўлса, шартли «1000» рақамли код қўйилади.

#### **4-§. Йўл давомида юкхатини тўлдириш**

45. Темир йўл станциялари томонидан йўл давомида ташилаётган юклар бўйича далолатномалар тузилганда, юкхатининг «Темир йўл (ташувчи) белгилари» графасига тузилган далолатноманинг рақами, тузилган санаси ва мазмуни (масалан, «\_\_\_ та жой етмаганлиги тўғрисида», «\_\_\_килограмм оғирлик етмаганлиги тўғрисида» ва тижорат носозликлари) киритилади.

46. Юк ташиш шартномасини ўзгартириш бўйича йўл давомида юкхатига ўзгартириш киритиш мазкур Қоидаларнинг 9-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, юкхатида етказиш манзилидаги дастлабки темир йўл станцияси номи ва унинг коди, юкни олувчининг номи (юкни олувчининг номи ўзгарганда) ўчирилади (ўқиш имконияти сақланган ҳолда), юкхатини ўзгартириш (манзилни ўзгартириш) тўғрисидаги фармойишга мувофиқ янги маълумотлар ва уларнинг кодлари кўрсатилади.

Юкхатига ўзгартиришлар киритилганда, юкхатининг тепа қисмига «Юк 20\_\_\_ йил \_\_\_ \_\_\_\_\_даги \_\_\_-сон фармойишга асосан темир йўлнинг \_\_\_\_\_ станцияси манзили ўзгартирилди» деган сўзлар ёзилади.

Айрим ҳолларда янги юкхати тузилганда, юкхатининг тепа қисмида «Юк 20\_\_\_ йил \_\_\_ \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сон фармойишга асосан манзилига ўзгартирилди. Дастлабки юкхати рақами \_\_\_\_\_, темир йўлнинг \_\_\_\_\_ жўнатиш станцияси, темир йўлнинг \_\_\_\_\_ етказиш манзилидаги станцияси» деган сўзлар қайд этилади.

Юқоридаги ўзгартиришлар темир йўл станцияси ваколатли ходимининг имзоси ва темир йўл станциясининг штемпели билан тасдиқланади.

47. Йўл давомида юк бошқа вагонга қайта юкланганда, юкхатида вагон рақами ва юк ҳақидаги маълумотлар уларни ўқиш имкони сақлаб қолинган ҳолда ўчирилади ҳамда юклар қайта юкланган вагон тўғрисидаги янги маълумотлар киритилади.

### **5-§. Етказиш манзилидаги темир йўл станциясида юкхатини тўлдириш**

48. Етказиш манзилидаги темир йўл станцияси юкхатининг қўйидаги графаларини тўлдиради:

1) «Топширишда ундирилди» графасида якуний ҳисоб-китоблар бўйича ундирилган тўлов суммаси кўрсатилади. Ундирилган сумма темир йўл станцияси ваколатли ходимининг имзоси билан тасдиқланади ва юкхатига юк топширилганини расмийлаштириш вақти тўғрисида темир йўл станциясининг календарь штемпели қўйилади;

2) «Темир йўл транспорти (ташувчи) воситаларида юк тушириш» графасида юк туширилган вақт тўғрисида етказиш манзилидаги темир йўл станциясининг календарь штемпели қўйилади;

3) «Юкни олиб кетиш» графасида темир йўл станциясининг ваколатли ходими томонидан юкни умумий фойдаланиш жойларидан олиб кетиш тўғрисида белги қўйилади. Юк қисмларга бўлиб олиб кетилса, ҳар бир олиб кетиётган юк миқдори тўғрисидаги маълумотлар алоҳида кўрсатилади;

4) «Темир йўл (ташувчи) белгилари» графасида келган юк бошқа манзилга ўзгартирилганда, мазкур Қоидаларнинг 46-бандида назарда тутилган белгилар қўйилади.

5) «Юк топширилгани тўғрисида белги» графасида мазкур Қоидаларнинг 8-бобида белгиланган тартибда юкларни юкни олувчига топшириш ҳақида белгилар қўйилади.

49. Юкни олувчи томонидан якуний ҳисоб-китоблар бўйича тўловлар амалга оширилиб, йўл қайдномасига юкни олганлиги тўғрисида имзо қўйилганидан сўнг юкхати юкни олувчига топширилади.

### **6-§. Ташиш ҳужжатлари тўпламини тўлдириш**

50. Ташиш ҳужжатлари тўплами юкхати, йўл қайдномаси, йўл қайдномасининг корешоги ҳамда юк ташиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги квитанциядан иборат.

Темир йўл транспорти (ташувчи) юк жўнатувчига ташиш ҳужжатларининг бланкаларини тақдим этиши шарт.

Йўл қайдномаси, йўл қайдномасининг корешоги ҳамда юк ташиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қвитанция юкхати асосида темир йўл станциясининг ваколатли ходими томонидан расмийлаштирилади.

51. Юкхати ва йўл қайдномаси юкни етказиш манзилидаги темир йўл станциясигача юк билан бирга жўнатилади ва ўша ерда юкни олувчига юк билан бирга топширилади. Бунда, йўл қайдномаси юкни олувчига юк топширилгандан сўнг темир йўл станциясида қолдирилади.

Юкни қабул қилиш қвитанцияси ташиш хужжатлари расмийлаштирилгандан сўнг жўнатиш темир йўл станциясида юк жўнатувчига топширилади.

Йўл қайдномаси корешоги юк ортилиб, ташишга қабул қилингандан сўнг жўнатиш темир йўл станциясида қолади.

52. Жўнатиш темир йўл станциясининг ваколатли ходими йўл қайдномаси, йўл қайдномасининг корешоги ҳамда юк ташиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қвитанцияни мазкур бобнинг 3-параграфида белгиланган тартибда тўлдиради.

53. Йўл қайдномаси, йўл қайдномасининг корешоги ҳамда юк ташиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қвитанциянинг «Етказиб бериш муддатининг тугаши» графаларида етказиб бериш муддати кўрсатилади.

54. Йўл давомида йўл қайдномасини тўлдириш мазкур бобнинг 4-параграфида белгиланган тартибда амалга оширилади.

55. Йўл қайдномасининг «Тижорат далолатномаси» графасида тижорат далолатномаси рақами, тузилган санаси, темир йўл станциясининг номи кўрсатилади ва далолатнома тузган темир йўл станциясининг календарь штемпели қўйилади.

Йўл қайдномасининг «Етказиб бериш муддатини узайтириш» графасида юк ушланиб қолган темир йўл станцияси номи, ушланиб қолиш давомийлиги ва сабаби кўрсатилади ҳамда темир йўл станциясининг календарь штемпели қўйилади.

Йўл қайдномасида етказиш манзилидаги темир йўл станцияси ўзгармаган ҳолда юкни олувчи номи ўзгартирилса, юкни олувчи номи ўчирилади (ўқиш имкони сақланган ҳолда) ҳамда юк жўнатувчининг аризасига мувофиқ янги юкни олувчининг номи кўрсатилади.

56. Етказиш манзилидаги темир йўл станциясида йўл қайдномасини тўлдириш мазкур бобнинг 5-параграфида белгиланган тартибда амалга оширилади ҳамда юкни олувчи томонидан йўл қайдномасининг қуйидаги графалари тўлдирилади:

1) «Нақд пулсиз, нақд пул билан 20\_\_ й. «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ юкни қабул қилдим» графасида юк қабул қилинган сана кўрсатилади;

2) «20\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон ишончнома билан» графасида юкни қабул қилиш учун берилган ишончнома рақами ва унинг санаси кўрсатилади;

3) «Юкни олувчининг ҳисоб рақами \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ банки \_\_\_\_\_ ш. бўлими» графасида юкни олувчининг номи ва унинг ҳисоб рақами, шунингдек унга хизмат кўрсатадиган банк муассасасининг номи кўрсатилади;



4) «Паспорт (ID-карта) серияси \_\_\_\_\_, рақами \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ туман (шаҳар), \_\_\_\_\_ кўчаси \_\_\_\_\_-уй, \_\_\_\_\_-хонадонда рўйхатга олинган» графасида юкни олувчининг паспорт (ID-карта) серияси ва рақами ҳамда паспорт (ID-карта) бўйича доимий рўйхатга олинган манзили кўрсатилади;

5) «Юкни олувчининг ёзма тасдиғи \_\_\_\_\_» графасида йўл қайдномасига киритилган маълумотлар юкни олувчининг имзоси билан тасдиқланади.

57. Етказиш манзилидаги темир йўл станцияси йўл қайдномасининг қўйидаги графаларини тўлдиради:

1) Йўл қайдномасининг тегишли графаларида қўшимча иш ва хизматлар ҳақини ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар кўрсатилади;

2) «Якуний ҳисобни тўлади \_\_\_\_\_» графасида юкни олувчи томонидан тўланган тўловлар миқдори кўрсатилади;

3) «Юкни темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан тушириш ёки юкни олувчининг кучи ва техник воситалари ёрдамида тушириш учун қўйиб бериш санаси» графасида етказиш манзилидаги темир йўл станциясининг юкни темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан тушириш ёки юкни олувчининг кучи ва техник воситалари ёрдамида тушириш учун қўйиб бериш вақти тўғрисидаги календарь штемпели қўйилади.

58. Юкни олувчи томонидан йўл қайдномасига имзо қўйилиб, якуний ҳисоб-китоблар бўйича тегишли тўловлар амалга оширилганидан сўнг унга юкхати берилади.

59. Юклар хусусий ёки ижарага олинган вагонларда етказилганда, юкни олувчи мазкур вагонлардан юкни туширгандан сўнг ташиш тўловларини амалга оширган ҳолда уларни қайтариш учун ташиш ҳужжатларини расмийлаштириши лозим.

60. Юкларни контейнерларда ташиш учун йўл қайдномасини расмийлаштириш мазкур параграфга мувофиқ қўйидаги хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади:

1) «Юкнинг номи» графасида ҳарфли префикс ва контейнер рақами кўрсатилади. Контейнер бошқа ташкилотларга тегишли бўлганда (хусусий контейнер), ҳарфли префикс ва контейнер рақамидан олдин «Р» ҳарфи қўйилади;

2) «Юк оғирлиги, кг.да аниқланган/Юк жўнатувчи» графасида ҳар бир турдаги юкнинг қадоғи билан биргаликдаги оғирлиги кўрсатилади;

3) «Юкнинг жами оғирлиги» графасида барча турдаги юкнинг қадоғи билан биргаликдаги умумий оғирлиги сўз билан ёзилади;

4) «Нетто» графасида ҳар бир турдаги юкнинг қадоғи билан биргаликдаги умумий оғирлиги кўрсатилади;

5) «Тара» графасида бўш контейнернинг трафаретда кўрсатилган оғирлиги ёзилади;

6) «Брутто» графасида «Нетто» ва «Тара» графаларида кўрсатилган оғирликлари қўшилган миқдори қайд этилади.

### **5-боб. Юкларни ташиш учун қабул қилиш**

61. Юк жўнатувчилар умумий фойдаланишда бўлган ва умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда юкларни ташиш учун тақдим этиши мумкин.

62. Юкларни ташиш вагонли, контейнерли, майда, гуруҳли ёки маршрут-ли жўнатмалар билан амалга оширилади.

Ташиш учун алоҳида вагон берилишини талаб этадиган, битта юкхати бўйича тақдим этиладиган юк партияси вагонли жўнатма ҳисобланади.

Ташиш учун алоҳида вагон берилишини талаб этмайдиган, оғирлиги ва ҳажми бўйича чекланган, битта юкхати бўйича тақдим этиладиган юк партияси майда жўнатма ҳисобланади.

Ташиш учун алоҳида контейнер тақдим этилишини талаб этадиган, битта юкхати бўйича бериладиган юклар контейнерли жўнатма ҳисобланади.

Ташиш учун битта вагондан ортиқ, аммо маршрутдан кам вагон берилишини талаб этадиган, битта юкхати бўйича тақдим этиладиган юк партияси гуруҳли жўнатма ҳисобланади.

Битта юкхати бўйича тақдим этиладиган, маршрутлар учун белгиланган оғирлик меъёрига мос бўлган миқдордаги юк партияси маршрутли жўнатма ҳисобланади.

63. Ташиш чоғида йўқолиш, камомад чиқиш, бузилиш ва шикастланиш ҳолатларини олдини олиш учун тарага жойлаштирилиши лозим бўлган юклар, мос равишда ташишга яроқли тарада, тараси ва қадоқланишига стандартлар белгиланмаган юклар эса, юклар бутлигини таъминлайдиган яроқли тарада тақдим этилиши керак.

Ташишга тақдим этиладиган юкнинг ўрами ҳаракатдаги темир йўл таркиби, темир йўл ва атроф муҳитнинг ифлосланиши, чиқинди йиғилишини олдини олиши лозим.

64. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш чоғида юкнинг бутунлигини таъминлайдиган ностандарт тарада ташишга қабул қилиниши мумкин.

Ташишга тақдим этилган юкнинг тараси ёки қадоғи ташқи кўриқдан ўтказилганда юкнинг йўқолиши, бузилиши ёки шикастланиши хавфини келтириб чиқарадиган камчиликлар аниқланса, юк жўнатувчи темир йўл станцияси талабига кўра тара ёки ўрамни Темир йўл уставига мувофиқлаштириши шарт.

Юк жўнатувчи темир йўл станцияси талабига кўра юкланаётган маҳсулот, шунингдек юк ўралган ҳолларда тара учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни (техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар) тақдим этиши шарт.

65. Юк жўнатувчи юкни ташишга тақдим этишдан олдин юкнинг ташиш учун қулайлиги ва йўл давомида бутлиги таъминладиган ҳолда уни тайёрлаши шарт. Майда донали юкларни ортишда юк жўнатувчи уларни бир тўпламга боғлаш ёки тегишли тарага қадоқлаш орқали майда жойларни йирикроқларга бирлаштириши керак.

66. Юкнинг умумий оғирлиги тарозида ўлчаш ёхуд юк жойларида трафарет ёки стандарт бўйича оғирликни ҳисоблаш орқали аниқланади. Айрим юкларнинг оғирлиги ҳисоб-китоб йўли билан, ўлчаш орқали ёки шартли равишда аниқланади. Тарага жойлаштирилган ёки донали юклар оғирлиги ташишга тақдим этилишидан олдин ҳар бир юк жойида брутто ва нетто оғирлиги кўрсатилган ҳолда аниқланади.

Стандарт оғирликка эга юк жойлари тақдим этилаётган бўлса, ҳар бир юк жойида унинг оғирлиги кўрсатилиши шарт эмас, бундан стандартларга асосан стандарт жойларда брутто ва нетто оғирлиги кўрсатилиши мажбурийлиги белгиланган бўлган ҳолатлар мустасно. Бунда, юкхатида «Оғирликни аниқлаш усули» графасида битта юк жойининг брутто ва нетто стандарт оғирлиги ҳам кўрсатилади. Юк жўнатувчи юк оғирлигини аниқлаш усулини юкхатида кўрсатиши шарт.

67. Юклар оғирлиги қуйидагича аниқланади:

темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан — умумий фойдаланишдаги жойларда ўз кучи ва техник воситалари ёрдамида ортишда;

юк жўнатувчилар томонидан — умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда ортишда, шунингдек умумий фойдаланишдаги жойларда юк жўнатувчининг кучи ва техник воситалари ёрдамида ортишда.

68. Уюлган ҳолда ташиладиган дон маҳсулотлари, мойли ва дуккакли ўсимликлар уруғлари, кепаклар ва омукта емлар, тўкилган ҳолда ташиладиган картошка, сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари оғирлигини юк жўнатувчи тарозида аниқлаб, юкхатида ўзининг имзоси билан тасдиқлайди.

Юк жўнатувчида вагон ёки элеватор тарозиси бўлмаган ҳолларда, юкларнинг оғирлиги жўнатиш темир йўл станциясининг вагон тарозисида темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколоти ходими томонидан юк жўнатувчи билан биргаликда аниқланиб, юкхатига имзо қўйилиб тасдиқланади.

69. Контейнерлардаги юклар темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юк жўнатувчи аниқлаган оғирлик билан ташишга қабул қилинади.

70. Цистерналарда қуйилган ҳолда ташиладиган юкларнинг оғирлигини аниқлаш тарози ёрдамида ёки юк жўнатувчи томонидан суюқлик қуйилган баландликни ўлчаш орқали ва махсус калибровкалаш жадвалларини қўлланган ҳолда қуйилган юк ҳажмини аниқлаш йўли билан ёки бошқа усуллар билан амалга оширилади.

Озиқ-овқат юкларининг оғирлиги фақат вагон тарозиларида, улар бўлмаганда товар тарозиларида аниқланади.

Оғирлик цистернанинг баландлигини ўлчаш йўли билан аниқланганда, юк жўнатувчи юкхатида суюқлик қуйилган баландликни, цистернадаги юк ҳарорати ва маҳсулот зичлигини кўрсатиши шарт.

Этил (вино) спиртини ташиш учун қабул қилиш ва унинг оғирлигини аниқлаш МДҲга аъзо давлатлар темир йўл тармоқларида Суюқ юкларни вагон-цистерналарда ва нефть-битум ташиш учун мўлжалланган бункер туридаги вагонларда қуйилган ҳолда ташиш қоидаларида (бундан буён матнда Суюқ юкларни қуйилган ҳолда ташиш қоидалари деб юритилади) белгиланган тартибда амалга оширилади.

71. Бункерли очиқ вагонларда ташиладиган юкларнинг оғирлиги юк жўнатувчи томонидан ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади.

72. Ўрмончилик юклари ва тахта-ёғочни юк жўнатувчилар томонидан ташишга тақдим этиш ва темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан қабул қилишда юкхатида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

1) контейнер, панжара қути ёки пакетларда ташишда — контейнерлар, панжара қутиси ёки пакетлар сони;

2) юк ортиш чизигининг юқори торайган қисмидан фойдаланиб ташишда — асосий штабеллар сони ва баландлиги ҳамда юк ортиш чизигининг юқори торайган қисмида (шапкасида) тахланган штабеллар сони;

3) ўрмончилик юклари ва тахта-ёғочни ёпиқ вагонларда ташишда — штабеллар сони, бунда вагонлар юк жўнатувчи пломбалари билан пломбаланади;

4) ўрмончилик юklarини платформалар ёки усти очик вагонларга икки штабелдан ортиқ бўлмаган ҳолда ортишда — ўрмончилик юklarининг сони (юк жўнатувчи ихтиёрига кўра), агар бу миқдор битта штабелда 100 тадан ва икки штабелда 200 тадан ошмаса;

5) қолган ҳолатларда — штабеллар сони ва уларнинг баландлиги.

73. Штабеллар баландлиги қуйидаги тартибда ўлчанади:

битта штабелни ортишда — штабелнинг ҳар иккала учидан;

бир неча штабелни учма-уч ортишда — юкхатида штабелларнинг сонини ва четдаги штабелларнинг ён томони бўйлаб баландлиги кўрсатилган ҳолда четдаги штабелларнинг ташқи ён томонларидан;

юкни кесиб бўлакларга ажратилган ҳолда ортишда — усти очик вагон бортининг юқори сатҳидан кесиб бўлакларга ажратилган юкнинг баландлиги бўйича;

юкни икки ва ундан ортиқ қирқилган юқори қисмлари билан ортишда — усти очик вагон бортининг юқори даражасидан юкхатида кўрсатиб ўтиш билан қирқилган юқори қисмлари сонини ва сўнгги ички қирқилган юқори қисми баландлигини кўрсатган ҳолда.

Ўрмончилик юклари ва тахта-ёғочларнинг оғирлиги юк жўнатувчи томонидан шартли равишда аниқланади.

Ўрмончилик юklarини ортишда кўп мартаба ишлатилувчи ярим қаттиқ строплар, шунингдек металл стяжкалар юк жўнатувчи томонидан таъминланади.

74. Вагон тарозиларида юklarнинг вазнини ўлчаш вагонлар тўхтатилган ва ажратилган ҳолда ёки вагонлар ажратилмасдан тўхтатилган ҳолда амалга оширилади.

Юklarнинг вазнини ҳаракатланиш вақтида ўлчаш фақат ушбу услубда ўлчашга мўлжалланган вагон тарозиларда амалга оширилади.

75. Қуйидаги юklarнинг вазнини ўлчаш вагонлар тўхтатилган ва ажратилган ҳолда амалга оширилади:

уюлган ҳолда ташиладиган дон ва буғдой маҳсулотлари, мойли ва дук-какли ўсимликлар уруғлари, омухта емлар ва кепаклар;

цистерналарга қуйилган ҳолда ташиладиган суюк озиқ-овқат юклари;

тўкилган ҳолда ташиладиган картошка, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, кунжара, ош тузи, рангли металллар ва рангли металлларнинг пакетланмаган чиқиндилари.

Картошка, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, кунжара, ош тузи вазнини ўлчашда вагонлар тарасининг оғирлиги текширилмайди.

Дон ва буғдой маҳсулотлари, мойли ва дуккакли ўсимликлар уруғлари, омухта ем ва кепаклар, ўсимлик мойи ва қиём вазнини ўлчашда вагонлар тарасининг оғирлиги юк ортишдан олдин ва юк туширишдан кейин текширилади.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа юкларнинг вазнини ўлчашда вагонлар тарасининг оғирлиги бир марта — юк ортишдан олдин ёки юк туширишдан кейин текширилади.

76. Қолган юклар вазнини вагон тарозисида ўлчаш вагонлар ажратилмасдан тўхтатилган ҳолда ёки ҳаракатланиш вақтида ушбу услубда ўлчашга мўлжалланган вагон тарозиларда амалга оширилади. Бунда, вагонлар тарасининг оғирлиги вагондаги трафаретга мувофиқ қабул қилинади.

77. Юкларнинг вазни вагон тарозиларида ўлчанганда, юк жўнатувчи юкларни буюртманомада кўрсатилган оғирликка мувофиқлаштириши (дозалаштириш) шарт. Бунинг учун юк жўнатувчи вагон тарозиси олдида махсус майдончани ташкил этиши, уни инвентарь билан таъминлаши, катта миқдордаги юкларни жўнатишда эса дозалаштиришни вазн ўлчаш жараёнида амалга ошириш мақсадида механизмлар билан таъминлаши шарт.

78. Юкларни вагонда ташишга мўлжалланган ечиладиган ускуна (шу жумладан, сабзавот тўсиқлари) ва иситиш мосламалари билан юкларни ташишда юкхатининг «Юк жўнатувчининг аризаси ва белгилари» графасида ускуналар ва иситиш мосламаларининг оғирлиги кўрсатилади.

79. Ташишга тақдим этилаётган юк жойлари сони юк жўнатувчи томонидан белгиланади.

Темир йўл транспорти (ташувчи) умумий фойдаланишдаги жойларда юкларни ташиш учун тақдим этишда юк жўнатувчи томонидан юкхатида кўрсатилган жойлар сонини текширган ҳолда уларни қабул қилади, бундан ортилиши юк жўнатувчи зиммасига юклатилган юклар мустасно.

80. Тара-қадоқли ва донали юкларга юк жўнатувчи транспорт маркировкаси ҳамда мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига\* мувофиқ шаклдаги манипуляция белгиларини (юк билан ишлаш усулларини кўрсатадиган тасвирлар) акс эттириши шарт.

Транспорт маркировкаси асосий, қўшимча ва ахборот ёзувларидан иборат бўлиши керак.

Манипуляция белгиларини акс эттириш зарурати маҳсулотнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда юк жўнатувчи томонидан белгиланади.

81. Асосий ёзувлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1) юкни олувчининг тўлиқ номи;

2) етказиш манзилидаги темир йўл станциясининг тўлиқ номи ва етказиш манзилидаги темир йўлнинг қисқа номи;

3) жўнатмадаги юк жойлари сони ва жойнинг тартиб рақами (каср сон билан кўрсатилади: суратда — жўнатмадаги юк жойининг тартиб рақами; махражда — жўнатмадаги юк жойлари сони).

82. Жўнатмадаги юк жойларининг сони ва жойнинг тартиб рақами қуйидаги ҳолатларда кўрсатилади:

\* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

1) бир хил тарада хилма-хил ва турли навли юклар (масалан, тойларда пахтанинг турли навлари) ташилганда;

2) турли хил тарада бир турдаги юклар ташилганда;

3) бир турдаги юкларни жўнатишда навларни аралаштиришга рухсат этилмаганда;

4) ускуналар тўплами ташилганда;

5) йўл давомида қайта ортиш билан ташилганда;

6) юклар битта вагонда майда жўнатмалар билан ташилганда.

83. Юклар транспорт пакетларида ташилганда, уларнинг ҳар бирида асосий, қўшимча ва ахборот ёзувлари акс эттирилиши шарт. Бунда, жўнатмадаги юк жойларининг тартиб рақами ва сони ўрнига суратда жўнатмадаги пакетларнинг умумий сони; махражда пакетдаги юк жойлари сони, қавс ичида пакетнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Асосий, қўшимча ва ахборот ёзувлари (брутто ва нетто оғирлигидан ташқари) пакет шакллантирилган алоҳида юк жойларида акс эттирилмайди.

Қадоқланмасдан ташилаётган юклардан шакллантирилган пакетларда жўнатмадаги пакетларнинг умумий сонини, пакетдаги юк жойларининг сонини ва пакетнинг тартиб рақамини акс эттириш зарурати юкнинг туридан келиб чиқиб юк жўнатувчи томонидан белгиланади.

84. Қўшимча ёзувлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1) юк жўнатувчининг тўлиқ номи;

2) жўнатиш темир йўл станцияси номини кўрсатган ҳолда жўнатиш пунктининг номи ва жўнатиш темир йўлининг қисқа номи;

3) темир йўл маркировкаси.

85. Темир йўл маркировкаси майда жўнатмалар билан ташилаётган юкнинг ҳар бир жойида каср сон кўринишида бўлиб, суратда юкларни жўнатишга қабул қилиш китоби бўйича тартиб рақам ва чизиқча билан юк жойлари сони, махражда Тариф қўлланмасига мувофиқ жўнатиш темир йўл станциясининг коди акс эттирилади.

Темир йўл маркировкаси:

1) жўнатиш темир йўл станцияси томонидан — умумий фойдаланишдаги жойларда юкларни майда жўнатмалар тарзида ташишга қабул қилишда;

2) юк жўнатувчи томонидан (юкни ташишга тақдим этишдан аввал) — юкларни умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда майда жўнатмалар тарзида ортишда акс эттирилади.

Темир йўл транспорти (ташувчи) юк жўнатувчилар билан келишилган ҳолда юк жўнатувчилар томонидан темир йўл маркировкасини акс эттириш тартибини белгилайди.

86. Ахборот ёзувлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1) юк жойининг килограммлардаги брутто ва нетто оғирлиги;

2) юк жойининг сантиметрлардаги габарит ўлчамлари (узунлиги, кенглиги, баландлиги ёки диаметри ва баландлиги);

3) юк жойининг куб метрлардаги ҳажми.

Габарит ўлчамларидан бирортаси бир метрдан ошмаса, юк жойининг ҳажми ва габарит ўлчамлари кўрсатилмайди.

87. Вагон ичидаги бир хил турдаги барча юк жойларига асосий, қўшимча ва ахборот ёзувлари (брутто ва нетто оғирлигидан ташқари) акс эттирилмаслиги мумкин. Бунда, юк жойларининг камида тўрттасида жойларига асосий, қўшимча ва ахборот ёзувлари туширилиши шарт. Бу ҳолда маркировкаланган жойлар:

1) ёпиқ вагонларда — транспорт маркировкасини ташқарига қаратган ҳолда ҳар бир эшик олдида иккита жойда;

2) очик ҳаракатдаги темир йўл таркибида — транспорт маркировкасини ташқарига қаратган ҳолда платформа ёки ярим очик вагоннинг ҳар бир бўйлама борти ёнида, ортилган юкнинг юқори қаватида иккита жойда жойлаштирилади. Ортилган юк бортлар билан тенг поғонада ёки бортдан пастроқ юкланган бўлса, маркировкаланган юк жойлари маркировкаси тепага қаратилган ҳолда жойлаштирилиши шарт.

88. Юкларни универсал контейнерларда ташишда асосий, қўшимча ва ахборот ёзувларини (брутто ва нетто оғирлигидан ташқари) тушириш мажбурий эмас, бундан юклар майда жўнатмалар тарзида ташиладиган терма контейнерлар мустасно. Юкларни уюлган ва қуйилган ҳолда ташишда транспорт маркировкаси туширилмайди.

89. Манипуляция белгилари ва транспорт маркировкасини тушириш жойи, усуллари ҳамда маркировка ёрлиқлари мазкур Қоидаларнинг 7 ва 8-иловаларида\* белгиланган шаклларда акс эттирилади.

Транспорт тарасини тавсифловчи маркировканинг таркиби, уни тушириш усули ва тартиби мазкур Қоидаларнинг 9-иловасига\* мувофиқ амалга оширилади.

Маркировка аниқ кўринадиган ва тушунарли бўлиши шарт. Маркировка учун ишлатиладиган лак-бўёқ материаллари сувга чидамли, тез қурийдиган, ёруғликка ва паст ҳарорат таъсирига бардошли ҳамда сифатли бўлиши шарт. Қадокланган юк сифатига салбий таъсир кўрсатадиган материаллар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

90. Темир йўл яқинида ортиш учун тайёрлаб қўйилган юклар баландлиги 1200 мм гача бўлган юклар чекка рельсининг ташқи чегарасидан камида 2 м. масофада, баландлиги бундан юқори бўлган тақдирда эса камида 2,5 м. масофада маҳкамланган ва жойлаштирилган бўлиши шарт.

91. Юк жўнатувчининг кучи ва техник воситалари билан юк ортиш учун вагонларни қўйиб бериш олдиндан берилган хабарномалар бўйича ёки вагонларни қўйиб бериш ўртасидаги белгиланган вақт интервалларидан кейин амалга оширилади.

Олдиндан берилган хабарномалар бўйича ортиш учун вагонларни қўйиб беришда темир йўл станцияси бошлиғи юк жўнатувчини вагонлар қўйиб берилишидан камида 2 соат аввал хабардор қилиши шарт.

Темир йўл шохобча йўлларига вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш мазкур Қоидаларнинг 30-бобига мувофиқ амалга оширилади. Юк туширилиши учун қўйиб берилган вагонлар бўшатиладиган сўнг ортилиши учун мўлжалланган тақдирда, ортиш учун вагонларни тақдим этиш вақти тўғрисида хабардор қилиш талаб этилмайди.

\* 8-9-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

92. Юк жўнатувчининг кучи ва техник воситалари билан ортиш учун вагонларни қўйиб бериш вақти тўғрисида хабар бериш тартиби темир йўл станцияси бошлиғи томонидан белгиланиб, бунда у биринчи навбатда телефон алоқасидан фойдаланишни кўзда тутиши лозим. Юк жўнатувчи хабар беришнинг бошқа усулини ҳам танлаши мумкин бўлиб, бу тўғрисида у темир йўл станцияси бошлиғига маълум қилади.

Телефон орқали хабар бериш тартиби белгиланганда, юк жўнатувчилар хабарларни қабул қилиш учун масъул шахсларни тайинлаши ҳамда уларнинг фамилияси ва телефон рақамлари ҳақидаги маълумотни темир йўл станцияси бошлиғига бериши шарт.

Вагонларни ортиш учун қўйиб бериш вақти тўғрисидаги хабарларни қайд этиш учун темир йўл станциясида белгиланган шаклдаги китоб юритилиб, унда ҳаракатдаги темир йўл таркиби (контейнерлар) сони ва тури ҳамда китобда кўзда тутилган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

93. Вагонларни ортиш учун қўйиб бериш хабарномада кўрсатилган муддатдан кейин 2 соатдан ортиқ вақтга кечиктирилганда, темир йўл станцияси вагонларни қўйиб бериш кўзда тутилаётган вақт тўғрисида юк жўнатувчига қўшимча равишда хабар бериши шарт.

94. Вагонларни қўйиб бериш муддатларига риоя қилинмасдан ёки хабар берилмасдан ортиш учун қўйиб берилган вагонлар қуйидаги ҳолларда вагонлар қўйиб берилган деб ҳисобланади:

белгиланган муддатдан аввал тақдим этилганда — ушбу муддат келган вақтдан бошлаб;

белгиланган муддатдан кечиктирилиб тақдим этилганда, шунингдек хабар берилмасдан тақдим этилганда — вагонлар ҳақиқатда тақдим этилган вақтдан 2 соат ўтгандан сўнг.

95. Юкларни ёпиқ вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш СМГСнинг техник шартлари ва ушбу Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Юкларни ёпиқ вагонларга ортиш юк ортиш-тушириш ишлари ва ҳаракат хавфсизлигини, вагоннинг юк кўтариш қобилияти ёки сифидан тўлиқ фойдаланишни ва юкнинг бутлигини таъминлаган ҳолда амалга оширилиши керак.

Юклар вагонда бир маромда ва зич жойлаштирилган бўлиши, ташиш чоғида силжimasлиги, тушиб кетмаслиги, эшик олдида тўпланиб қолмаслиги ҳамда ишқаланмаслигини, шунингдек юк ортиш-тушириш жараёнида ва йўл давомида вагоннинг бутлигини таъминлаш учун ишончли маҳкамланган бўлиши керак.

Узун ўлчамли (уч метрдан узун бўлган) юкларни умумий фойдаланишдаги жойларга кетаётган ёпиқ вагонларга ортиш тақиқланади.

Узун ўлчамли (уч метрдан узун бўлган) юкларни умумий фойдаланишда бўлмаган жойларга кетаётган ёпиқ вагонларга ортишга юкни олувчининг бундай ташишга розилиги мавжуд бўлган ҳолдагина рухсат этилади. Бунда, юк жўнатувчи юкхатининг «Юк жўнатувчининг аризаси ва белгилари» графасида «ёпиқ вагонда ташишга розиман, юкни олувчи билан келишилган» деган ёзувни киритиши лозим.



Тара-қадокли ва донали юкларни эшик оралиғида жойлаштириш эшикдан 25 см чекинган ҳолда амалга оширилади.

Ўз хусусиятларига кўра ёнидаги юкларга зарар ёки шикаст етказиши мумкин бўлган юкларни битта вагонга ортиш тақиқланади.

96. Хавфли юкларни ташишга қабул қилиш ва ортиш МДХ аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Темир йўлларда хавфли юкларни ташиш қоидаларига (бундан буён матнда Темир йўлларда хавфли юкларни ташиш қоидалари деб юритилади) мувофиқ амалга оширилади.

Ортишда Темир йўлларда хавфли юкларни ташиш қоидаларига риоя этишни талаб этадиган ёнғин чиқиш хавфи бор юклар рўйхати ҳамда бундай юкларни ташиш учун вагонлар ва контейнерларни танлаш ва ёнғинга қарши тайёрлаш мазкур Қоидаларнинг 10-иловасида\* белгиланган тартибда амалга оширилади.

97. Юк жўнатувчи тара ёки қадок йўқлиги ва уларнинг қониқарсиз ҳолатидан келиб чиқувчи барча оқибатлар учун Темир йўл уставида белгиланган тартибда жавобгар бўлади ҳамда етказилган зарарни темир йўл транспортига (ташувчига) қоплайди.

Тара ёки қадоксиз, сифатсиз тара ёки қадокда ва юклар хусусиятларига мос келмайдиган, қайта юкланишини таъминламайдиган тара ёки қадокларда ташишга тақдим этилганда, ташқи кўриқдан ўтказиш йўли билан тара ёки қадокнинг юклар хавфсиз ташилишини таъминламаслигини ёки носозлигини аниқлаш мумкин бўлса, темир йўл транспорти (ташувчи) бундай юкларни қабул қилишни рад этиши мумкин.

98. Юкларни ортиш темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан амалга оширилган тақдирда, у юкларнинг тара ёки қадокларини ташқи кўриқдан ўтказиши лозим.

Темир йўл транспорти (ташувчи) юк қабул қилишни рад этса, юк жўнатувчининг талабига биноан бу ҳақда далолатнома тузиб, унинг бир нусхасини юк жўнатувчига тақдим этиши лозим.

99. Юк жўнатувчи ҳақиқий бўлмаган ёпиштирилган ёрлиқларни олиб ташлаши ва ҳақиқий бўлмаган ёзувларни ўқиб бўлмайдиган ҳолга келтириши шарт.

Юк жўнатувчи:

юк жойларида акс этирилган ёки уларга бириктирилган ёзувлар ҳамда у томонидан вагонга ўрнатилган ёпиштира қоғозларнинг тўғрилиги;

ёзувлар, ёпиштира қоғозлар ёки ёрлиқларда у томонидан кўрсатилган нотўғри, тўлиқсиз ёки ноаниқ маълумотлардан келиб чиққан барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

### **6-боб. Катта миқдордаги юкларни маршрут ва вагон гуруҳлари бўйича битта юкхати билан ташиш**

100. Мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги битта юкхати қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда жўнатувчи маршрутларда юклар ташишга қабул қилинади:

\* 10-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

- 1) юкларнинг тури бир хил бўлиши;
- 2) юкларни ортиш ва тушириш умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда амалга оширилиши;
- 3) юклар битта жўнатиш темир йўл станциясида битта юк жўнатувчидан ташишга қабул қилиниши;
- 4) юклар етказиш манзилидаги битта темир йўл станциясига битта юкни олувчи номига юборилиши;
- 5) йўл давомида маршрут оғирлиги ва узунлиги камайтирилмаслиги.

101. Битта етказиш темир йўл станциясига бораётган маршрут ядроси (йўл давомида оғирлиги ўзгарган тақдирда ҳам қайта тузишсиз манзил темир йўл станциясига ҳаракатланадиган ва ўрнатилган оғирликдаги маршрутнинг асосий қисми) вагонларига битта юкхати ҳамда маршрутга уланувчи гуруҳнинг ҳар бир вағони учун эса алоҳида юкхати расмийлаштирилади.

Битта юкхати билан расмийлаштириладиган маршрут ёки маршрут ядросининг оғирлиги ҳамда узунлиги мазкур Қоидаларнинг 227 ва 229-бандларига мувофиқ аниқланади.

Ички қатновларда битта юкхати билан вагонлар гуруҳлари ҳам ташишга қабул қилиниши мумкин. Бунда, ташиш ҳужжатларида «маршрут ёки» деган сўзлар ўчирилади. Ҳайвонларни ташишда битта кузатувчи томонидан кузатиб бориладиган вагонлар гуруҳига битта юкхати расмийлаштирилиши мумкин.

102. Юк жойларининг сони ва юк оғирлиги, шунингдек йўл ҳақи ҳар бир вагон бўйича юкхатининг тегишли графаларида кўрсатилади, маршрутда (маршрут ядросида) ёки вагонлар гуруҳида жойларнинг умумий сони ва юк оғирлиги ҳамда йўл ҳақининг умумий суммаси эса юкхатининг олд тарафига киритилади.

103. Юкларни битта юкхати бўйича ташишда бутун маршрут (маршрут ядроси) ёки вагонларнинг бутун гуруҳи учун ташиш ҳужжатлари тузилади.

104. Битта юкхати бўйича ташишга қабул қилинган юк учун юк жўнатувчига юк қабул қилинганлиги тўғрисидаги квитанция берилиб, унинг орқа томонида маршрут (маршрут ядроси) ёки гуруҳ вагонларининг рақамлари кўрсатилади.

Юк қабул қилинганлиги тўғрисидаги квитанция темир йўл станциясининг календарь штемпели билан тасдиқланади.

105. Йўл давомида техник ёки тижорат носозлиги оқибатида вагон узилган ҳолларда темир йўл станцияси телеграф ёки бошқа электрон алоқа шакли орқали жўнатиш ва етказиш манзилидаги темир йўл станциясига узилиш сабабларини маълум қилган ҳолда хабар бериши ҳамда уч нусхада мазкур Қоидаларнинг 13-иловасидаги\* умумий шаклдаги далолатнома ва қўшимча тарзда жўнатиш йўл қайдномасини тузиши шарт. Мазкур қайднома бўйича вагон носозлик бартараф этилганидан сўнг юкни олувчига мазкур Қоидаларнинг 8-бобида белгиланган тартибда топшириш учун етказиш манзилидаги темир йўл станцияси бошлиғи номига жўнатилади.

\* 13-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Маршрутга тегишли бўлган юкхати ва йўл қайдномасига далолатнома рақамини кўрсатган холда вагон узилганлиги тўғрисида белги киритилади.

Далолатноманинг бир нусхаси юкхати ва йўл қайдномасига илова қилинади ва етказиш манзилидаги темир йўл станциясигача юборилади. Далолатноманинг иккинчи нусхаси қўшимча тарзда жўнатиш йўл қайдномаси билан бирга юборилади, учинчи нусхаси эса вагон узилган темир йўл станцияси йиғмажилдларида қолади.

Қўшимча тарзда жўнатиш йўл қайдномасида «Вагон қўшимча тарзда \_\_\_\_-сон (асосий юкхатининг рақами кўрсатилади) \_\_\_\_\_ юкни олувчи (асосий юкхати бўйича юкни олувчининг номи кўрсатилади) учун жўнатилмоқда» деган ёзувлар қайд этилади.

Узилган вагон тўғрисидаги маълумотлар умумий вагон варақасидан ўчирилади. Вагон узилиши сабаби тўғрисидаги ёзув темир йўл станциясининг ваколатли ходими имзоси ва темир йўл станциянинг календарь штемпели билан тасдиқланади.

Узилган вагонга янги вагон варақаси тузилади.

106. Етказиш манзилидаги темир йўл станцияси маршрут (гурух) билан етказилган юкни топширишда йўл давомида узилган вагонга умумий шаклдаги далолатномани тузади ва унда узилиш сабабини ва йўлда тузилган умумий шаклдаги далолатнома рақамини кўрсатади. Етказиш манзилидаги темир йўл станцияси томонидан тузилган далолатноманинг бир нусхаси юкни олувчига тақдим этилади.

Қўшимча тарзда жўнатиш йўл қайдномаси бўйича етказилган юкни топшириш етказиш манзилидаги темир йўл станцияси тақдимномаси бўйича асосий юкхатидаги юкни олувчи томонидан умумий шаклдаги далолатнома билан амалга оширилади.

Қўшимча тарзда жўнатиш йўл қайдномаси бўйича етказилган вагонни юк тушириш учун қўйиб бериш вақти тўғрисида асосий юкхатида темир йўл станциясининг календарь штемпели билан тасдиқландиган белги қўйилади.

107. Маршрут (маршрут ядроси таркибида) ёки гурух билан етказилган юкни топширишда етказиш манзилидаги темир йўл станцияси маршрут (маршрут ядроси таркибида) ёки гурух билан, шунингдек қўшимча тарзда жўнатиш йўл қайдномаси билан етказилган вагонлар учун ташиш ҳақининг якуний ҳисоб-китобларини асосий юкхати бўйича амалга оширади.

108. Маршрут (маршрут ядроси) ёки гурухнинг битта юкхати бўйича ҳаракатланаётган вагонларини йўл давомида бошқа манзилга ўзгартириш тақиқланади.

### **7-боб. Вагон ва контейнерларни пломбалаш**

109. Вагон ва контейнерларни пломбалаш учун қўрғошинли пломбалар, шунингдек қулфлаш-пломбалаш мосламалари ишлатилади.

Қўрғошинли пломбалар камерали ёхуд иккита параллель тешикли бўлиши мумкин. Қўрғошинли пломбаларни осиш учун қўлланиладиган, термик ишлов берилган (куйдирилган) 0,6 — 0,7 mm диаметри сим дастлаб

узунлигининг 1 см га тўртта ўрам тўғри келадиган тарзда икки ипли қилиб буралади.

110. Вагон ва контейнерларга осиладиган пломбалар, қулфлаш-пломбалаш мосламалари ўз конструкциясига кўра бутлиги бузилмаган ҳолда вагондан (контейнердан) ечилишига йўл қўймаслиги шарт.

111. Юкланган усти ёпик вагонлар (шу жумладан изотермик вагонлар) ва цистерналар:

1) юк темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан ортилганда — темир йўл транспортининг (ташувчининг) пломбалари билан;

2) юк жўнатувчи томонидан юк ортилганда — юк жўнатувчининг пломбалари (қулфлаш-пломбалаш мосламалари) билан пломбаланган бўлиши керак.

112. Мазкур Қоидаларнинг 14-иловасида\* кўрсатилган юклар пломбасиз, лекин симли бурамалар ўрнатилган ҳолда ташилиши мумкин, бундан божхона назорати остида ташиладиган товарлар мустасно.

Экспорт қилинаётган ёки ташишда иштирок этаётган давлатлар темир йўл участкаларини кесиб ўтадиган юкларни вагонларда пломбасиз ташиш тақиқланади, бундан темир йўл вагон ва контейнерларнинг юк бўлимларига пломба қўйилмайдиган ҳоллар мустасно.

113. Қулфлаш-пломбалаш мосламаларига қуйидаги аниқ белгилар туширилади:

юк жўнатиш темир йўлининг қисқача номланиши;

олти ва ундан ортиқ белгидан иборат назорат белгиси;

ишлаб чиқарувчи корхонанинг тамғаси;

қулфлаш-пломбалаш мосламасининг ишлаб чиқарилган (тайёрланган) йили.

Қулфлаш-пломбалаш мосламаларига темир йўл станцияси ва юк жўнатувчининг қисқача номи ҳам ёзилиши мумкин.

Вагон ва контейнерни бир неча мослама билан пломбалаш вақтида қулфлаш-пломбалаш мосламалари турли хил назорат белгиларига эга бўлишлари шарт.

Қулфлаш-пломбалаш мосламалари темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан белгиланган тартибда қатъий ҳисобга олинади.

Вагонларни (контейнерларни) пломбалаш учун темир йўл транспорти (ташувчи) билан келишилган қулфлаш-пломбалаш мосламалари ишлатилади, бундан божхона назорати остида ташиладиган юклар (товарлар) ортилган вагонларга ва контейнерларга божхона органлари томонидан қўлланиладиган идентификациялаш воситалари мустасно.

114. Юк ортилган контейнерлар юк жўнатувчининг пломбалари билан пломбалади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган уй буюмлари ортилган контейнерлар юк жўнатувчи иштирокида унинг пломбалари, транспорт-экспедиторлик ташкилоти ёки темир йўл транспорти (ташувчи) пломбалари билан пломбалади.

Божхона назорати остида ташилаётган юклар (товарлар) ортилган вагон

\* 14-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва контейнерларни пломбалаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

115. Айрим турдаги юкларни ташишда улар туширилгандан сўнг бўш вагонлар (контейнерлар) ҳам пломбаланади.

116. Вагон қўрғошинли пломбалар билан пломбаланганда, ҳар иккала эшик қўйилмаси узунлиги 250 — 260 мм гача, диаметри 6 мм бўлган куйдирилган симдан ясалган бурамалар билан маҳкамланади.

117. Контейнерларни (шу жумладан брутто оғирлиги 10 т ва ундан ортиқ бўлган контейнерларни) қўрғошинли пломба билан пломбалашдан олдин скоба ичига жойланган тутқич (шпингалет туридаги тўсқич қурилмали контейнерларда) ёки илгак билан беркитилган (муштча турдаги тўсқич қурилмали контейнерларда), диаметри камида 4 мм, узунлиги 240 — 250 мм бўлган куйдирилган симдан буриш орқали мустаҳкамланади.

Брутто оғирлиги 3 ва 5т бўлган, шпингалет туридаги тўсқич қурилмали контейнерларда сим скобанинг горизонтал жойлашган тирқишлари орқали тутқич устидан ўтказилиб, юқори томонга охиригача бураб маҳкамланади.

Брутто оғирлиги 3 ва 5т бўлган, муштча туридаги тўсқич қурилмали контейнерларда сим тутқичнинг ўнг қисмидаги икки тирқиш ва сургичнинг ўнг тирқиши (ёпиқ ҳолатида) орқали ўтказилиб, юқори томонга тугагунича бураб маҳкамланади.

118. Эшик қўйилмаларини симли бурамалар билан маҳкамлаш юк орган темир йўл транспорти (ташувчи) ёки юк жўнатувчи томонидан амалга оширилади.

119. Пломбалар:

1) ёпиқ вагонларда — вагоннинг ҳар тарафидаги эшикларга биттадан. Эшиклари юқори қисмида қўшимча тўсқич-пломбалаш мосламалари билан жиҳозланган ёпиқ вагонларда, юқори қурилма қулоғининг юқори тирқишида ва эшикнинг ўрта қисмидаги қўйилманинг тирқишида биттадан пломба ўрнатилади.

Вагонни қулфлаш-пломбалаш мосламаларини қўллаш билан пломбалашда, у вагон эшиги ўрта қисми илгагининг тирқишига қулфлаш-пломбалаш мосламалари ўрнатилади;

2) изотермик вагонларда — вагоннинг ҳар тарафидаги эшикларига биттадан пломба ўрнатилади. Эшиклари пломбалаш учун қўшимча қулфлаш-пломбалаш мосламалари билан жиҳозланган рефрижератор вагонларда эшикнинг юқори қисмида юқори қурилманинг ўнг қулоғига ва эшикнинг пастки қисмига биттадан пломба ўрнатилади.

Қулфлаш-пломбалаш мосламалари вагон эшигининг пастки қисмининг ўнг қулоғига ўрнатилади;

3) цистерналарда — люкнинг томида биттадан пломба ўрнатилади, бундан Суюқ юкларни қўйилган ҳолда ташиш қоидаларида пломбалашнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган ҳоллар мустасно;

4) контейнерларда:

брутто оғирлиги 3 ва 5 т, шпингалет турдаги пломбалаш мосламалари билан жиҳозланган, скоба ичига ўрнатилган тутқичга биттадан пломба;

брутто оғирлиги 3 t, муштча турдаги пломбалаш мосламалари билан жиҳозланган, илгич билан беркитиладиган тутқичга биттадан пломба;

брутто оғирлиги 5 t, муштча турдаги пломбалаш мосламалари билан жиҳозланган, охирги бўлиб беркитиладиган, эшикнинг ўнг тавақаси илгичи билан беркитиладиган тутқичга биттадан пломба;

брутто оғирлиги 10 t ва ундан ортиқ бўлган контейнерлар охирги бўлиб беркитиладиган, эшикнинг ўнг тавақасининг чап томонида жойлашган, илгич билан беркитилган тутқичга биттадан пломба ўрнатилади.

120. Қўрғошинли пломбани контейнерга илишда сим икки марта буралиб, тутқичдаги ва шпингалет типидagi қулф қурилмаси скобасидаги тирқишлардан ҳамда муштча типидagi қулф қурилмаси илгичидаги (ёпиқ ҳолатда) тирқишлар орқали ўтказилади.

121. Вагонларга иккита параллел тирқишли қўрғошинли пломбаларни илиш қуйидаги тартибда амалга оширилиши шарт:

хар бир пломбага пломбалаш симининг бир учи кийдирилади;

симнинг бўш узун учи вагон эшиги қўйилмасининг қулоқлари орқали иккита айлантирилиб, сўнг пломбанинг биринчи ва иккинчи тирқишидан ўтказилади ва пломба қисқичи билан сиқиб қўйилади.

122. Камерали қўрғошинли пломбаларни ўрнатишда симнинг учлари пломбанинг кириш тирқишлари орқали ўтказилиб, 2-3 маротаба ўралади, ўрамлар пломба камераси ичига тортилади ва пломба қисқичи билан сиқиб қўйилади.

123. Вагонни пломбалашда вагон эшик қўйилмаси қулоқлари ва қўрғошинли пломба орасида ҳосил бўладиган сим ҳалқа 45 mm дан, цистерна қопқоғи тиқинини пломбалашда эса 25 mm дан ортиқ бўлмаслиги шарт.

Контейнерларга қўрғошинли пломбаларни ўрнатишда пломбадан шпингалет типидagi қулфли қурилма скобасининг қуйи қисми ёки муштча турдаги қулфли қурилма тутқичининг қуйи қисми 25 mm дан ошмаслиги лозим.

Ўрнатилган пломбалар симларининг учлари 10 — 15 mm дан ошмаслиги шарт.

124. Пломбалар қисқич билан хар икки тарафдаги белгилар аниқ ва равшан кўринадиган ҳамда симни пломбадан чиқариб ололмайдиган қилиб сиқилиши керак. Пломба қисқичи билан сиқилган хар бир пломба синчиклаб кўздан кечирилиб, нуқсонлар аниқланган ҳолда бошқаси билан алмаштирилиши шарт.

125. Вагонга (контейнерга) ўрнатиладиган қўрғошинли пломбалар қуйидаги белгиларга эга бўлиши лозим:

1) темир йўл транспортининг (ташувчининг) пломбалаш қисқичлари билан пломбалашда:

темир йўл станциясининг тўлиқ ёки қисқартирилган номи;

назорат белгилари ва қисқич рақами;

2) юк жўнатувчининг пломбалаш қисқичлари билан пломбалашда:

юк жўнатувчининг тўлиқ ёки қисқартирилган номи;

темир йўл станциясининг тўлиқ ёки қисқартирилган номи.

126. Юк жўнатувчи пломбаларга ўз назорат белгиларини тушириши мумкин.

Қўрғошинли пломбаларнинг назорат белгилари, ҳарfli ва рақамли белгиларга эга бўлиши шарт ҳамда улар кетма-кетлиги 001 дан 999 гача рақамлаб чиқилади.

Вагонга (контейнерга) ўрнатиладиган қўрғошинли пломбалар бир хил назорат белгиларига эга бўлиши шарт. Турли вагонларни (контейнерларни) бир хил назорат белгиларига эга бўлган қўрғошинли пломбалар билан пломбалашга йўл қўйилмайди.

Юк жўнатувчининг пломбалаш қисқичларида назорат белгилари мавжуд бўлган ҳолларда вагонлар (контейнерлар) назорат белгиларини ўзгартирмаган ҳолда пломбаланиши ҳам мумкин.

127. Жўнатиш темир йўл станциясидан пломбадаги белгилар ноаниқ изли, шунингдек пломбалар нотўғри ўрнатиш вагон ва контейнерларни жўнатиш тақиқланади. Бунда, жўнатиш станцияси юкни ташиш учун қабул қилишни рад этишга ҳақли.

128. Юк жўнатувчилар учун пломбалаш қисқичларини тайёрлаш темир йўл транспорти (ташувчи) ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан юк жўнатувчи ҳисобидан амалга оширилади.

### **8-боб. Юкларни топшириш**

129. Темир йўл транспорти (ташувчи) Темир йўл уставида белгиланган муддатларда юкнинг номи ва миқдори, шунингдек ҳаракатдаги темир йўл таркиби (контейнерлар) тури ва сонини кўрсатган ҳолда етказиш манзилидаги темир йўл станциясига юк етказилганлиги тўғрисида юкни олувчини хабардор қилиши шарт.

Темир йўл станциясининг ваколатли ходими телефон, телеграф ёки электрон алоқадан фойдаланган ҳолда юк етказилганлиги тўғрисида юкни олувчига хабар беради.

Юкни олувчи юк етказилганлиги тўғрисида хабар беришнинг усуллари билан бирини танлаши мумкин ва бу ҳақда темир йўл станциясига маълум қилиши керак.

130. Юкни олувчининг қучи ва техник воситалари ёрдамида юк тушириш учун вагонларни қўйиб бериш олдиндан берилган хабарномалар бўйича ёки Мазкур Қоидаларнинг 30-бобида белгиланган тартибда шохобча йўллари билан фойдаланиш ва вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаларига мувофиқ вагонларни олиб кириш орасидаги белгиланган вақтда амалга оширилади.

Темир йўл шохобча йўлига эга бўлмаган юкни олувчи учун темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб киришда шохобча йўли эгаси ва темир йўл транспорти (ташувчи) ўртасида тузилган шартномада белгиланган тартибда юкни олувчига хабар берилади.

Вагонларни қўйиб беришда темир йўл станциясининг ваколатли ходими мазкур Қоидаларнинг 133-бандида назарда тутилган тартибда вагонларни қўйиб беришдан камида икки соат олдин юкни олувчига хабар бериши шарт.

Темир йўл транспорти (ташувчи) юк келган кундан бошлаб кейинги кун

соат 12-00 дан кечикмаган ҳолда юкни олувчига келган юк тўғрисида хабар бериши лозим.

Юкларни туширишга вагонларни қўйиб бериш вақти тўғрисидаги хабарномаларни қайд этиш учун темир йўл транспорти (ташувчи) раҳбари томонидан белгиланган шаклдаги хабарномалар китоби юритилади.

Вагонларни темир йўл шохобча йўлларида қўйиб бериш ва олиб чиқиш мазкур Қоидаларнинг 30-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

131. Юкни олувчи темир йўл станцияси ҳудудида бўлмаганда ёки унинг телефон рақами ва бошқа реквизитлари бўлмаганда, темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходими юк келганлиги тўғрисидаги ахборотни телеграф орқали юкни олувчига етказди.

Телеграммада юкхатида кўрсатилган маълумотлар бўйича юкни олувчининг номи ва почта манзили кўрсатилади.

Телеграмма жўнатилганидан сўнг темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходими хабарномалар китобида телеграмма рақами, санаси ва етказилган вақти, телеграммани қабул қилган ходимнинг фамилияси, реестр бўйича алоқа бўлимини қайд этиб, темир йўл транспортининг (ташувчининг) раҳбари томонидан белгиланган шаклдаги юк қабул қилиб топширувчи эслатмасини расмийлаштиради.

Юкни олувчи телеграмма берилганидан сўнг 24 соат ичида келмаса, темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходими юк келганлиги тўғрисидаги ахборотни телеграф орқали қайта йўллади ҳамда хабарномалар китобида телеграмма рақами, санаси ва жўнатилган вақтини, реестр бўйича алоқа бўлими, телеграммани қабул қилган ходим фамилиясини такроран қайд этиб, юк жўнатувчи орқали юкни олувчига хабар бериш чораларини кўриш учун жўнатиш темир йўл станциясига хабарнома юборади.

Етказиш манзилидаги темир йўл станцияси ҳудудида бўлмаган юкни олувчи номига юк юборилганда, юк жўнатувчи темир йўл транспорти (ташувчи) олдида жавобгар бўлади.

Етказиш манзилидаги темир йўл станцияси ҳудудида мавжуд бўлган бошқа юкни олувчига юкни бериш тўғрисидаги ёзма кўрсатма юк жўнатувчидан олинганда, ташиш билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан қўшимча тўлов ва жарималар янги юкни олувчига тақдим этилиши керак.

132. Темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юклар, юклар келиб тушадиган божхона органи жойлашган ерларга ёки жўнатувчи божхона органи томонидан белгиланган бошқа жойларга етказиб берилганидан кейин ўттиз дақиқадан кечиктирмай, юклар (товарлар) юк (товар) келиб тушадиган божхона органининг иш вақтидан ташқари пайтида етказиб берилган тақдирда эса божхона органининг иш вақти бошланганидан кейин ўттиз дақиқадан кечиктирмай божхона органларини товар етказиб берилганлиги тўғрисида қуйидагиларни тақдим қилиш орқали хабардор қилади:

товарни етказиб беришнинг назорат ҳужжатини;

товарнинг кузатув ҳужжатларини;

етказиб берилган товарларни.

133. Юк етказиб берилганлиги тўғрисидаги юкни олувчига телефон



орқали хабар бериш тартиби ўрнатилганда, юкни олувчилар хабарномаларни қабул қилиш учун масъул шахсларни тайинлаши ва темир йўл станцияси бошлиғига уларнинг фамилияси ва телефон рақамларини маълум қилиши шарт.

134. Хабарномада кўрсатилган муддатдан икки соатдан ортиқ вақтга вагонларни юк тушириш учун қўйиб берилиши кечиктирилса, темир йўл станцияси вагонларни қўйиб беришининг кейинги вақти ҳақида юкни олувчини такроран хабардор этиши шарт.

135. Олиб кириш муддатлари бузилган ҳолда ёки хабар берилмасдан юк тушириш учун қўйиб берилган вагонлар қуйидаги ҳолларда вагонлар қўйиб берилган деб ҳисобланади:

белгиланган муддатдан аввал қўйиб берилганда — ушбу муддат келган вақтдан;

белгиланган муддатдан кечиктирилиб қўйиб берилганда, шунингдек хабар берилмасдан қўйиб берилганда — вагонлар ҳақиқатда қўйиб берилган вақтдан 2 соат ўтгандан кейин.

136. Юкни олувчи юридик шахс номига юборилган юкларни олишда унинг вакили темир йўл станциясига юкни олиш ҳуқуқини берувчи бир марталик ёки муддатли ишончномани тақдим этиши лозим.

Бир марталик ишончнома муайян юкхати бўйича юк олиш учун берилди ва темир йўл станцияси томонидан юк топширилишини расмийлаштириш вақтида йўл қайдномасига илова қилинади.

Муддатли ишончнома муайян муддатга берилди ва темир йўл станциясида сақланади, ушбу ишончнома бўйича юкни оладиган шахсда эса ишончноманинг асл нусхасини қабул қилган станциянинг ваколатли ходими имзоси қўйилган, темир йўл станциясининг календарь штемпели билан тасдиқланган ишончноманинг нусхаси бўлиши керак.

Юкни олувчи ёки унинг вакили темир йўл станцияси талабига кўра ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши шарт.

137. Ташиш учун ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг юкни олувчи юкни олиш санаси, ишончнома рақами ва санаси, шунингдек юкни олувчининг банк реквизитларини кўрсатган ҳолда йўл қайдномасини имзолаб, юкни қабул қилиб олади. Темир йўл станцияси юкхатининг «Юк келган ва топширилган сана» графасига календарь штемпелини қўйган ҳолда юкнинг топширилганлигини тасдиқлайди ва юкхатини юкни олувчига топширади.

138. Жисмоний шахслар номига йўлланган юклар ушбу шахсларга уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилганидан сўнг юкни олиш санаси, шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами ва серияси, яшаш жойи кўрсатилган ҳолда йўл қайдномасига имзо қўйдирилиб топширилади.

Юкни олиш бошқа жисмоний шахсга ишониб топширилиши мумкин. Бунда, юкни олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидан ташқари юк олишга нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома ҳам тақдим этилади. Ишончнома юкни беришда темир йўл станцияси томонидан йўл қайдномасига илова қилинади.

139. Юкни олувчининг воситалари билан юк тушириш учун вагонларни

темир йўл станцияси йўлларига қўйиб бериш ва юкларни топшириш тушириш жойида бир вақтда амалга оширилади ҳамда юк қабул қилиб топширувчисининг эслатмасида унинг ва юкни олувчининг имзоси билан тасдиқланади.

140. Вагонлар ва контейнерларни топширишда юкни олувчи ҳамда юк қабул қилиб топширувчи (бундан буён матнда томонлар деб юритилади) уларнинг ташқи кўринишини кўздан кечириш йўли билан вагон (контейнер) кузови созлигига, пломбалар мавжудлигига ва уларда акс этирилган белгилар юкхатида кўрсатилган маълумотларга мос келишига ишонч ҳосил қилиши шарт.

Юкларни очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташишда томонлар юк камомади аломатлари йўқлигига ишонч ҳосил қилиши шарт.

Очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ва пломбасиз ёпиқ вагонларда тижорат ёки техник носозлик, юкнинг камомади, бузилиши ёхуд шикастланиши ҳамда пломбалар йўқлиги аломатлари аниқланганда, шунингдек вагон варақасида пломбалар осилганлиги ёки носоз пломбалар ҳақида белги мавжуд бўлганда, темир йўл станцияси томонидан юклар текширилади ҳамда тижорат далолатномаси ва умумий шаклдаги далолатнома тузилади.

Бунда, вагонлар юк текширилгунига қадар умумий шаклдаги далолатнома тузилиб, темир йўл станцияси пломбалари билан пломбаланади ҳамда юкни олувчи томонидан вагон қабул қилинган вақтдан темир йўл станциясининг ваколатли ходими текшириш учун етиб келгунига қадар бўлган вақт вагоннинг юк тушириш учун турган умумий вақтига қўшиб ҳисобланмайди.

141. Темир йўл транспорти (ташувчи) етказиш манзилидаги темир йўл станциясида юкнинг оғирлиги, юк жойлари сони ва юк ҳолатини қўйидаги ҳолатларда текшириши лозим:

1) юк носоз вагонда, шунингдек пломбалари шикастланган вагонда ёки ҳаракатланиш йўналишидаги темир йўл станциялари пломбалари билан келганда;

2) юк камомад, бузилиш ёки шикастланиш аломатлари билан очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва ёпиқ вагонларда пломбаларсиз келганда;

3) тез бузилувчан юклар уларни етказиб бериш муддати ёки машина ёрдамида совутиладиган ва электр токи билан иситиладиган вагонларга хизмат кўрсатиш режими бузилган ҳолда етказилганда;

4) юклар темир йўл транспортининг (ташувчининг) кучи ва техник воситалари билан ортилганда;

5) темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан туширилган юклар умумий фойдаланишдаги жойларда топширилганда.

Тарали ва донали юкларни топширишда темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан фақат шикастланган юк жойларининг юк оғирлиги ва ҳолати текширилади.

Юк жўнатувчининг кучи ва техник воситалари билан ортилган ва юк жўнатувчининг шикастланмаган пломбалари билан соз вагонларда (контейнерларда) етказилган ҳамда камомад, бузилиш ёки шикастланиш аломатларисиз очиқ ҳаракатдаги таркиб ва ёпиқ вагонларда пломбаларсиз (пломбасиз ташиш ушбу Қоидаларда назарда тутилган тақдирда) келган юкларни топ-

шириш юк жойлари сони, ҳолати ва юк оғирлигини текширмасдан амалга оширилади.

Юкни олувчининг талабига кўра темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юкнинг вазни текширилиши мумкин ҳамда бу ҳолатда шартномавий тарифда белгиланган миқдорда тўлов ундирилади.

Эшиклари қўшимча қулфлаш-пломбалаш мосламалари билан жиҳозланган, ҳар бир эшигида ҳеч бўлмаганда битта соз пломба мавжуд бўлган шикастланмаган ёпиқ вагонларда келган юкларни топшириш темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан текширилмасдан амалга оширилади.

Кузатувчилар билан ташиладиган юклар, шунингдек оғирлиги ўлчаш йўли билан ёки шартли равишда аниқланган юклар жойлар миқдори, юк ҳолати ва оғирлиги текширилмаган ҳолда топширилади.

Вагон тарозисида юкларнинг вазнини ўлчаш мазкур Қоидаларнинг 74-75-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ечиладиган ускуналар ва иситувчи материаллар билан ташиладиган юкларнинг оғирлигини ўлчаган ҳолда топшириш вақтида юкнинг нетто оғирлиги, брутто оғирлиги ва вагон тараси ечиладиган ускуналар ва иситувчи материаллар оғирлигининг суммаси ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади. Иситувчи материаллар, сабзавот, нон маҳсулотлари учун тўсиқлар ва бошқа ечиладиган ускуналар оғирлиги юкхатида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ қабул қилинади.

Қўшимча қулфлаш-пломбалаш мосламаси билан жиҳозланган, ҳар бир юк эшигида ҳеч бўлмаганда битта шикастланмаган пломбага эга бўлган соз рефрижераторли юк вагонларида юкни етказиш муддати ва хизмат кўрсатиш режими бузилмаган ҳолда етказиладиган тез бузилувчан юкларни топшириш темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юк миқдори ва сифати текширилмасдан амалга оширилади.

142. Юк жўнатувчининг шикастланмаган пломбалари мавжуд бўлган, зарар етказилмаган контейнерларда келган юклар юкни олувчига темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан уларнинг оғирлиги, ҳолати ва жойлар сони текширилмасдан топширилади.

143. Юк жўнатувчининг шикастланмаган пломбаларига эга бўлган соз цистерналарда ҳамда пломбаларсиз (пломбасиз ташиш ушбу Қоидаларда назарда тутилган тақдирда) келган, соз бункерли ярим очик вагонларда келган юкларни топшириш темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан оғирлик текширилмасдан амалга оширилади.

Қуйилган ҳолда ташиладиган юкларнинг оғирлиги темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан текширилиши лозим бўлганда, жўнатишда юкнинг оғирлиги қандай усул билан аниқланган бўлса, юкни топширишда ўша усул билан текширилади. Этил (вино) спиртини топшириш Суюк юкларни қуйилган ҳолда ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

144. Шикастланмаган пломбаларга эга бўлган ёпиқ вагонларда ёки маркировкаси бузилмаган ҳолда, очик ҳаракатдаги темир йўл таркибида ўрмончилик юкларини юк ортиш чизгисининг юқорига қараб торайган қисмидан фойдаланиш йўли билан ортилган ва юқоридаги пакетларнинг маҳкамланган

жойлари бузилмаган ҳолда келган ўрмончилик юклари ҳамда тахта-ёғочлар темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юкни олувчига текширилмасдан топширилади.

Ўрмончилик юклари ва тахта-ёғочлар баландлигининг ташиш жараёнида чўкиш ва зичлашиш оқибатида пасайиши, штабель баландлигининг ҳар бир метрига уч сантиметрдан ошмаса, нормал ҳолат ҳисобланади.

Темир йўл станциясига келган ўрмончилик юклари ва тахта-ёғочларни топшириш юкхатида кўрсатилган маълумотлар асосида амалга оширилади.

145. Юк жўнатувчининг шикастланмаган пломбалари билан соз вагонларда келган хавфли юкларни топшириш темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юк жойлари сони, юк вазни ва ҳолати текширилмаган ҳолда амалга оширилади.

Хавфли юкларни умумий фойдаланиш жойларида топшириш темир йўл транспорти (ташувчи) ваколатли ходими ва юкни олувчининг бевосита назорати остида тўғридан-тўғри (вагон-юк автотранспорт воситалари) юк ортиш усули бўйича амалга оширилади.

Хавфли юклар носоз вагонларда, пломбасиз вагонларда ёки пломбаси шикастланган вагонларда келганда жойлар сони, юк оғирлиги ва ҳолати темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходими иштирокида юкни олувчи томонидан Темир йўлларда хавфли юкларни ташиш қоидалари талаблари асосида текширилади.

146. Контейнерларда келган уй-рўзғор буюмларини топшириш мазкур Қоидаларнинг 18-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

147. Етказиш темир йўл станциясида юклар оғирлиги жўнатиш темир йўл станциясида қандай тарози ва усулда ўлчанган бўлса, худди шундай турдаги тарози ва усулда ўлчаниши ва топширилиши шарт.

148. Тара-донали ва қадоқланган юкларни умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда текширишда темир йўл транспорти (ташувчи) иштирок этаётганда, юкни олувчи тушириляётган юкни зарурат бўлганда қайта текшириш имкониятини таъминлаш учун аввал туширилган юкдан алоҳида жойлаштириши шарт.

149. Жўнатиш темир йўл станциясида аниқланган юкнинг оғирлиги билан йўл давомида ёки етказиш манзилидаги темир йўл станциясида ўтказилган текширув вақтида аниқланган юкнинг оғирлиги:

кам чиқса, бироқ муайян юк оғирлигининг табиий камайиши меъёридан ва тарози кўрсаткичларидаги тафовут меъёрларидан ошмаса;

ортиқ чиқса, бироқ тарозилар кўрсаткичларидаги тафовут меъёрларидан ошмаса, юк оғирлиги тўғри деб ҳисобланади.

Юклар оғирлигининг табиий камайиши меъёрлари қуйидагича ҳисобланади:

юкнинг брутто оғирлигидан — тара ва қадоқларда ташиладиган юклар бўйича;

юкнинг нетто оғирлигидан — тара ва қадоқсиз ташиладиган юклар бўйича.

Жўнатиш ва етказиш темир йўл станцияларида юкларни ўлчашда тарози

кўрсаткичлари тафовутининг меъёрлари мазкур Қоидаларнинг 15-иловасига\* мувофиқ аниқланади.

150. Юк туширишни амалга ошираётган ташкилот ёки юкни олувчи юкни вагондан (контейнердан) тўлиқ тушириб олиши, фойдаланилган маҳкамлаш воситаларидан вагонни (контейнерни) бўшатиши, унинг ичини юк қолдиқлари ва чиқиндилардан тозалаши, ташқи томонини бўрли белгилардан тозалаши, Темир йўл уставида белгиланган ҳолларда эса ювиши ва дезинфекциялаши; эшиклар, бортлар, юкни ортиш ҳамда тушириш мосламаларининг қопқоқларини беркитиши ва маҳкамлаши шарт.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган талаблар юкни олувчи ёки юк тушираётган ташкилот томонидан бажарилмаганлиги натижасида темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан қабул қилинмаган вагонларнинг туриб қолиши учун жавобгарлик юкни олувчи ёки юк тушираётган ташкилотлар зиммасига юкланади.

Вагондан туширилган юклар баландлиги 1200 мм гача бўлган юклар чекка рельснинг ташқи чегарасидан камида 2 м масофада, баландлиги бундан юқори бўлган тақдирда эса камида 2,5 м масофада маҳкамланган ва жойлаштирилган бўлиши шарт.

151. Юкнинг камомади, бузилиши ёки шикастланиши бўйича уни топширишдан олдин (йўл давомида) тижорат далолатномаси тузилган бўлса, етказиш манзилидаги темир йўл станцияси юкни ҳақиқий камомад, бузилиш ёки шикастланиш ҳажмини аниқлаган ҳолда юкни олувчига топширади.

152. Юкнинг камомади, бузилиши, шикастланишининг ҳажми ёки сабабини ҳамда унинг нархи қанчага пасайганлигини суммасини аниқлаш учун экспертиза ўтказиш зарурати юзага келса, темир йўл транспорти (ташувчи) ўз ташаббусига кўра ёки юкни олувчи талабига биноан экспертлар ёки тегишли мутахассисларни таклиф этади.

Экспертиза темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходими иштирокида ўтказилади.

Темир йўл транспорти (ташувчи) вакиллари иштирокисиз юкни олувчи томонидан ўтказилган экспертиза ҳақиқий ҳисобланмайди.

Эксперт чақириш билан бир вақтда темир йўл станцияси юкни олувчини бу ҳақда хабардор қилади. Юкни олувчи ўз номига келган юкнинг экспертизасида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Тез бузилувчан юклар экспертизаси вагон очилган вақтдан бошлаб 24 соатдан кечикмаган ҳолда ўтказилиши керак.

Экспертиза натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади. Экспертиза далолатномаси эксперт ва экспертизада қатнашган барча шахслар томонидан имзоланиши лозим.

Экспертиза хулосалари далиллар билан тасдиқланган бўлиши керак ҳамда юклар камомади, бузилиши ёки шикастланиши сабаблари тўғрисидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас.

Экспертиза харажатларининг тўлови эксперт кимнинг ташаббусига кўра

\* 15-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чақирилганидан келиб чиқиб темир йўл транспорти (ташувчи) ёки юкни олувчи томонидан амалга оширилади.

Кейинчалик экспертиза харажатлари юкнинг камомади, бузилиши ёки шикастланишида айбдор бўлган томон зиммасига юклатилади.

Экспертиза ўтказиш харажатлари юкнинг камомади, бузилиши ёки шикастланиши оқибатида етказилган зарардан ортиқ бўлганда, экспертиза ўтказишга йўл қўйилмайди.

Бунда, юкнинг камомади, бузилиши ёки шикастланиши хажми, унинг сабаби ва зарар миқдори темир йўл станцияси бошлиғи ва юкни олувчи томонидан аниқланади ҳамда тижорат далолатномасида кўрсатилади.

153. Темир йўл станцияси юкни олувчининг талабига асосан юкхатининг «Юк топширилганлиги тўғрисида белги» графасида юк топширилганлиги тўғрисида:

1) юк оғирлигида унинг табиий камайиши бўйича тафовут меъёридан ортиқ бўлмаган миқдорда камомад, шунингдек юкнинг нетто оғирлиги бўйича тафовут меъёридан кўп бўлмаган миқдорда ортиқча юк аниқланганда ҳамда ўғирлик аломатлари бўлмаганда, «Юк оғирлиги 20\_\_\_ й. «\_\_\_»\_\_\_\_\_да текширилганда \_\_\_\_\_ килограмм (рақамлар ва сўз билан) чиқди» деган сўзлар;

2) юкни текшириш натижалари тижорат далолатномаси билан расмийлаштирилганда, «\_\_\_\_\_ (далолатноманинг мазмуни) 20\_\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон тижорат далолатномаси тузилди» деган сўзлар;

3) юк текширилмасдан топширилганда:

ёпиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида (контейнерда) юк жўнатувчи пломбалари билан келган юклар бўйича «Мазкур юкхати бўйича юк \_\_\_\_\_-сон соз вагон/контейнерда (керак бўлмагани ўчирилсин) юк жўнатувчининг соз пломбалари билан етказилди ва 20\_\_ й. «\_\_\_»\_\_\_\_\_да Темир йўл уставига мувофиқ текширилмасдан топширилди» деган сўзлар;

пломбасиз вагонларда, шунингдек очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташиладиган юклар бўйича «Юк мазкур юкхати бўйича \_\_\_\_\_-сон соз вагонда йўқолиш аломатларисиз етказилди ва 20\_\_ й. «\_\_\_»\_\_\_\_\_да Темир йўл уставига мувофиқ текширилмасдан топширилди» деган сўзлар;

очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташиладиган ўрмончилик юклари ва тахта-ёғоч бўйича «Юк мазкур юкхати бўйича \_\_\_\_\_-сон соз ярим очиқ вагон/платформада (керак бўлмагани ўчирилсин) маркировкаси бутун ҳолда, юк ортиш чизгисининг юқорига қараб торайган қисмидан фойдаланиб, маҳкамланиши бузилмаган ҳолда (керак бўлмагани ўчирилсин) етказилди ва 20\_\_ й. «\_\_\_»\_\_\_\_\_да текширилмасдан топширилди» деган сўзлар;

юк жўнатувчининг (юкни олувчи) кузатувчиси назорати остида ташиладиган юклар ёки юк жўнатувчи (юкни олувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ бошқа ваколатли шахс томонидан қўриқланган юклар бўйича «Юк мазкур юкхати бўйича юк жўнатувчи (юкни олувчи) кузатувчиси назорати остида ёки юк жўнатувчи (юкни олувчи) томонидан тузилган шартномага

мувофиқ бошқа ваколатли шахс томонидан қўриқланган ҳолда етиб келди ва юкни олувчига бевосита кузатувчи (бошқа ваколатли шахс) томонидан топширилди» деган сўзлар қайд этилади.

Ушбу бандда кўзда тутилган ёзувлар темир йўл транспорти (ташувчи) ваколатли ходимининг лавозимини кўрсатган ҳолда имзоси билан тасдиқланади.

Юкни олувчи юкоридаги ёзувларни киритиш учун юк топширилган вақтдан эътиборан уч кун ичида юкхатини тақдим этиши шарт.

Ортиқча оғирлик ва жойлар аниқланган тақдирда, мазкур банднинг 1 ва 2-кичик бандларида кўзда тутилган ёзувлар темир йўл станцияси томонидан мажбурий тартибда юкни олувчининг талабидан қатъи назар киритилади.

154. Юкнинг ҳақиқатда топширилган санаси:

темир йўл транспортининг (ташувчининг) кучи ва техник воситалари ёрдамида юкни туширишда юкнинг темир йўл станцияси юк ҳовлисида олиб чиқиш санаси;

юкни олувчининг кучи ва техник воситалари ёрдамида юкни туширишда вагонни қўйиб бериш санаси ҳисобланади.

155. Темир йўл уставига темир йўл транспорти (ташувчи) зиммасига юкни текшириш мажбурияти юклатилган тақдирда, вагон (контейнер) темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ишчиси иштирокида очилади, бундан божхона назорати остидаги юклар (товарлар) мустасно.

156. Қўшимча тарзда жўнатиш йўл қайдномаси бўйича ташилаётган юклар қўйидагича топширилади:

1) юкнинг асосий ташиш ҳужжатлари билан бирга келган қисми — юкхати ва тижорат далолатномаси берилиб, йўл қайдномасига имзо қўйдирилган ҳолда;

2) Қўшимча тарзда жўнатиш йўл қайдномаси бўйича келган қисми — юкни олувчи томонидан асосий юкхати ва тижорат далолатномаси тақдим этилганидан сўнг қўшимча йўл қайдномасига имзо қўйдирилган ҳолда. Бунда, тижорат далолатномаси юкни олувчидан олиб қўйилади.

157. Ташишга доир барча ҳисоб-китоблар асосий юкхати бўйича амалга оширилади. Қўшимча тарзда жўнатиш йўл қайдномаси бўйича етиб келган юк топширилганлиги тўғрисида темир йўл станцияси томонидан асосий юкхатига ёзув киритилади.

Қўшимча тарзда жўнатиш йўл қайдномаси бўйича етказилаётган юк асосий ҳужжатлар билан келаётган юкка нисбатан аввалроқ етиб келганда, юкнинг етиб келган қисмини топшириш юкни олувчига қўшимча йўл қайдномасига имзо қўйгандан кейин амалга оширилади. Юкни олувчи юкнинг олган қисмини асосий жўнатмага қўшиб ҳисоблаши ҳақидаги мажбуриятномани темир йўл станциясига тақдим этади. Ушбу мажбуриятнома темир йўл станциясининг йиғмажилдларида сақланади.

Юкни қабул қилиш тўғрисидаги квитанцияга мувофиқ юк тўлиқ ҳолда қўшимча йўл қайдномаси билан етиб келганда, темир йўл транспорти йўқотилган юкхати ва йўл қайдномаси ўрнига уларнинг нусхаларини тузади

ҳамда юкни топширишни расмийлаштириш мазкур Қоидаларнинг 8-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

158. Темир йўл станцияси юкнинг белгиланган етказиб бериш муддатида келмаганлигини юкни олувчи томонидан тақдим этилган қвитанцияда «Юк етиб келмади» ёзуви ва етказиш манзилидаги темир йўл станциясининг календарь штемпели билан тасдиқлаши шарт.

Белгиланган етказиб бериш муддатида келмаган юкни қидириш ишлари юкни олувчининг талабига асосан етказиш манзилидаги темир йўл станцияси томонидан амалга оширилади.

Юкни қидириш талабини асослантириш учун юкни олувчи темир йўл станцияси бошлиғига қвитанцияни, қвитанция бўлмаганда эса қуйидаги ҳужжатлардан бирини тақдим этиши шарт:

етказиб берувчининг ҳисоб-фактураси (асл нусхаси ёки нусхалари);

етказиб берувчининг (юк жўнатувчининг) ҳисоб-фактураси ўрнини босувчи бошқа ҳужжат;

юк ортилган темир йўл станциясининг юк жўнатишнинг тўғрисидаги маълумотномаси;

юк тури, ортилган санаси, жўнатиш ва етказиш манзилидаги темир йўл станциялари, юк ташишга топширилган юкхати рақами ва вагон рақами (вагонларда жўнатишда) маълумотлари кўрсатилган бошқа ҳужжатлар.

159. Юклар ижарага олинган ёки хусусий вагонларда келганда, юкни олувчи юклар туширилганидан сўнг Тариф қўлланмасига мувофиқ ташиш ҳақи тўловларини амалга оширган ҳолда ушбу вагонларни эгаси ёки ижарачига қайтариш тўғрисида ташиш ҳужжатини расмийлаштириши шарт.

Ижарага олинган ёки хусусий вагонлар бўш ҳолда етиб келганлиги тўғрисида темир йўл станцияси вагон эгаси ёки ижарачини Темир йўл уставида белгиланган тартибда хабардор этиши шарт.

### **9-боб. Юк ташиш шартномасини ўзгартириш**

160. Юк жўнатувчи ва юкни олувчи ташиш шартномасини ўзгартириш ҳуқуқига эгадир.

Юк жўнатувчи етказиш манзилидаги темир йўл станцияси ва юкни олувчини ўзгартириш, шунингдек юкни олувчига юк ҳали топширилмаган бўлса, юкни жўнатиш темир йўл станциясига қайтариш ҳуқуқига эга.

Юкни олувчини ўзгартириш ҳақидаги ариза юкни қабул қилиш қвитанциясининг асл нусхаси илова қилинган ҳолда юк жўнатувчи томонидан темир йўл станцияси бошлиғига берилади. Юкни олувчига юк ҳали топширилмаган бўлса, темир йўл транспорти (ташувчи) юк жўнатувчининг кўрсатмасини бажаради.

Ҳаракат йўналишидаги темир йўл станцияларининг пломбалари билан келган вагонлар ёки тижорат камчиликлари мавжуд бўлган вагонларни бошқа манзилга ўзгартириш қатъиян тақиқланади.

161. Темир йўл транспорти (ташувчи) юк жўнатувчи ва юкни олувчининг аризаси асосида етказиш манзилидаги темир йўл станцияси ва (ёки) юкни



олувчини ўзгартирган ҳолда ташилаётган юкларни манзилини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Манзилни ўзгартириш тўғрисидаги ариза темир йўл транспортига (ташувчига) ёки унинг минтақавий бўлинмасига берилади.

Темир йўл транспорти (ташувчи) ёки минтақавий бўлинмасининг юкни манзилини ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаси юкнинг манзилини ўзгартиришни расмийлаштираётган темир йўл станцияси бошлиғига, нусхаси эса дастлабки етказиш манзилидаги темир йўл станцияси бошлиғига юборилади. Манзилни ўзгартиришни расмийлаштираётган темир йўл станцияси дастлабки етказиш манзилидаги темир йўл станциясига юкнинг манзилини ўзгартирилганлиги тўғрисида телеграф ёки бошқа электрон воситалари орқали хабар бериши лозим.

Ҳарбий эшелонлар ва ҳарбий транспортни манзилини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий бўлинмалари тармоқ органларининг юк манзилини ўзгартириш тўғрисидаги аризаси ёки юк жўнатувчи ва (ёки) юкни олувчининг ҳарбий бўлинмалар органлари билан келишилган ҳолда тақдим этган аризаси асосида амалга оширилади.

162. Манзилни ўзгартириш тўғрисидаги аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим:

вагон (контейнер) рақами ва юкхати рақами;

юк жўнатувчининг номи;

жўнатиш темир йўл станцияси;

юк номи;

дастлабки етказиш темир йўл станцияси;

дастлабки юкни олувчининг номи;

янги етказиш темир йўл станцияси;

янги юкни олувчининг номи;

манзилни ўзгартириш сабаблари;

манзили ўзгариши лозим бўлган юкнинг ташиш ҳужжатларини етказиш темир йўл станциясида расмийлаштириш вазифаси ишониб топширилган ташкилотнинг номи, жисмоний шахс фамилияси, исми ва отасининг исми.

163. Юкни олувчи ўзгарганда, ариза нусхаси дастлабки юкни олувчига ҳам юборилиши керак.

164. Юкнинг манзили ўзгартирилганда, ташиш ҳужжатлари янгидан тузилади ёки дастлабки ташиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган ҳолда ташишлар амалга оширилади.

Юкларнинг манзилини ўзгартириш учун ташиш ҳужжатларига ёзувлар киритиш мазкур Қоидаларнинг 4-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

165. Юкни олувчи импорт юкларининг манзилини юк темир йўл транспортининг (ташувчининг) кириш чегара темир йўл станциясини кесиб ўтган пайдан бошлаб ўзгартириш ҳуқуқига эга.

166. Тўлиқ тўпланда ташилаётган контейнерлардаги юкларни, шунингдек битта юкхати бўйича ҳаракатланаётган маршрутлар ёки вагонлар гуруҳи манзилини ўзгартириш умумий асосларда амалга оширилади.

Якка контейнерлардаги юкларни ва битта юкхати бўйича ҳаракатланаётган маршрут ёки гуруҳнинг алоҳида вагонларининг манзилини ўзгартиришга йўл қўйилмайди, бундан уй-рўзғор буюмлари мустасно. Маршрут ёки гуруҳ жўнатмаси таркибида ҳаракатланаётган вагонларнинг манзилини ўзгартириш етказиш манзилидаги темир йўл станцияларида амалга оширилади.

167. Дастлабки ҳужжатлар бўйича манзилни ўзгартиришни расмийлаштириш вақтида темир йўл станцияси томонидан ташиш ҳужжатларининг барча нусхаларида манзилни ўзгартириш тўғрисидаги буйруқнинг рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ёзув киритилади ҳамда темир йўл станциясининг календарь штемпели ва темир йўл станцияси ваколоти ходимининг имзоси билан тасдиқланади.

168. Халқаро қатновда ташилаётган юклар манзилини ўзгартириш ишлари СМГСда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

169. Тез бузилувчан юклар манзилини ўзгартиришга тегишли сертификатда (мазкур маҳсулот Ўзбекистон Республикасида сертификатланиши лозимлиги шarti билан) ёки товар маркировкасида кўрсатилган муддат тугагунга қадар юкни янги манзилга етказиб бериш шarti билан рухсат берилади.

170. Уй-рўзғор буюмларининг манзилини ўзгартириш ҳақидаги ариза юкни олувчи томонидан дастлабки етказиш манзилидаги темир йўл станцияси бошлиғига тақдим этилади.

Ариза юкни олувчи ишончномаси асосида бошқа шахс томонидан юкни қабул қилиш қвитанциясининг асл нусхаси ва уй-рўзғор буюмларини янги манзилга етказишга доир янги юкхати илова қилинган ҳолда берилиши мумкин.

Уй-рўзғор буюмларини манзилни ўзгартириш тўғрисидаги ариза жўнатиш темир йўл станцияси бошлиғи ёки янги етказиш манзилидаги темир йўл станцияси бошлиғи орқали берилиши мумкин.

Уй-рўзғор буюмларининг манзилини ўзгартириш ҳақидаги аризани олган темир йўл станцияси бошлиғи юкни қабул қилиш қвитанциясининг орқа томонига «\_\_\_\_\_ темир йўл станцияси манзилини ўзгартириш ҳақидаги ариза темир йўл транспорти томонидан қабул қилинди» ёзувини киритади.

Ушбу ёзув темир йўл станцияси бошлиғи имзоси ва темир йўл станцияси календарь штемпели билан тасдиқланади ҳамда юкни қабул қилиш қвитанцияси юк эгасига қайтарилади.

Уй-рўзғор буюмларини манзилини ўзгартириш ҳақидаги ариза жўнатиш темир йўл станцияси ёки янги манзилдаги темир йўл станцияси бошлиғига берилган бўлса, улар юкни олувчининг аниқ манзилини кўрсатган ҳолда уй-рўзғор буюмлари манзили ўзгарганлиги ҳақида дастлабки жўнатиш манзилидаги темир йўл станцияси бошлиғига телеграмма орқали хабар бериши лозим.

Дастлабки етказиш манзилидаги темир йўл станцияси бошлиғи телеграммани олиши билан янги ташиш ҳужжатларини тузади ва юкхатининг «Юк жўнатувчи» графасига «ДС (станция бошлиғи) \_\_\_\_\_ (станция)\_\_\_\_\_ юк жўнатувчининг (юкни олувчининг) топшириғига асосан \_\_\_\_\_ (юк эгаси фамилияси)» ёзувини кўрсатади.

171. Юкнинг манзилини ўзгартириш янги ташиш ҳужжатлари асосида амалга оширилганда, ариза берувчи дастлабки ва янги ташиш ҳужжатлари бўйича тўловларни амалга ошириши шарт.

172. Юкнинг манзилини ўзгартириш расмийлаштирилганидан сўнг темир йўл станциясининг ваколатли ходими махсус китобда манзили ўзгарган юк тўғрисидаги қўйидаги маълумотларни қайд этиши лозим:

манзилни ўзгартириш санаси;

вагон рақами;

дастлабки ташиш ҳужжатининг рақами;

жўнатиш темир йўл станцияси;

юкнинг номи ва вазни, юк жойлари сони;

дастлабки юкни олувчининг номи;

янги ташиш ҳужжатининг рақами (дастлабки ҳужжатлар бўйича манзилни ўзгартириш вақтида дастлабки ҳужжат рақами кўрсатилади);

янги етказиш темир йўл станцияси;

янги юкхатида юкнинг вазни ва юк жойлар сони;

янги юкни олувчининг номи;

манзилни ўзгартириш тўғрисидаги буйруқнинг санаси ва рақами ҳамда буйруқни имзолаган шахс.

173. Темир йўл станцияси ҳудудида юкхатида кўрсатилган юкни олувчи йўқ бўлса, юк жўнатувчининг кўрсатмасига биноан ташиш шартномасини ўзгартириш Темир йўл уставига мувофиқ дастлабки ҳужжатлар бўйича етказиш манзилидаги темир йўл станциясини ўзгартирмасдан юкни олувчи бошқа олувчига ўзгартирилганда, ўзгартирилган (бошқа) юкни олувчидан ташиш ҳақи тўловларини ундирган ҳолда амалга оширилади.

Юкнинг манзилини ўзгартиришда ташиш ҳақи тўловларини ҳисоблаш ва ундириш қўйидагича амалга оширилади:

1) юк ҳаракатланиш йўналишидаги темир йўл станциясида топширилиши керак бўлса, ташиш тўловлари фақат ушбу темир йўл станциясигача амалга оширилган ташиш учун ҳисобланади ва ундирилади;

2) юк янги етказиш манзилидаги темир йўл станциясидан ўтиб кетганда ва темир йўл транспорти (ташувчи) уни худди шу етказиш манзилидаги темир йўл станциясига қайтарганда, юк ушланиб қолган темир йўл станциясигача бўлган ташиш тўловларидан ташқари, юк ушланиб қолган темир йўл станциясидан янги етказиш манзилидаги темир йўл станциясигача юкни ташиш учун тўловлар ҳисобланади ва алоҳида ундирилади;

3) юк дастлабки етказиш манзилидаги темир йўл станциясидан узоқроқда жойлашган янги темир йўл станциясига ёки юкнинг дастлабки йўналишида жойлашмаган темир йўл станциясига жўнатилиши лозим бўлса, ташиш тўловлари дастлабки етказиш манзилидаги темир йўл станциясигача ёки юк ушланиб қолган темир йўл станциясигача ва юк ушланиб қолган ушбу темир йўл станциясидан янги етказиш манзилидаги темир йўл станциясигача ташиш учун алоҳида ҳисобланади ва ундирилади;

4) юк жўнатиш темир йўл станциясига қайтарилиши лозим бўлса, ташиш тўловлари юкни қайтариш темир йўл станциясигача амалга оширилган

ташиш учун ва ушбу темир йўл станциясидан жўнатиш темир йўл станциясигача амалга оширилган ташиш учун алоҳида ҳисобланади ва юк жўнатувчидан ундирилади.

174. Даствлабки юк жўнатувчи томонидан ўрнатилган соз пломбалар мавжудлигида янги ташиш ҳужжатлари бўйича юкнинг манзилини ўзгартириш пломбалар ечилмаган ҳолда амалга оширилади.

Ариза берувчи томонидан манзилни ўзгартиришда ташиш ҳужжатларида юкнинг номи графасида «Вагон даствлабки юк жўнатувчи ўрнатган соз пломбалар билан манзил ўзгартирилди» деган ёзув киритилади.

Ариза берувчи манзилни ўзгартиришда даствлабки пломбаларни ечиб, янги пломбаларни ўрнатган ҳолда юк манзилини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Юкларни даствлабки ташиш ҳужжатлари бўйича манзилни ўзгартириш юк жўнатувчининг даствлабки пломбалари ечилмасдан амалга оширилади.

175. Ҳайвонлар ва паррандаларни ташишда манзилни ўзгартириш давлат ветеринария хизмати органлари билан келишилиши лозим.

176. Манзилни ўзгартириш темир йўл станциясида юк жўнатувчи (юкни олувчи) бўлмаган ҳолларда, манзилни ўзгартириш темир йўл станцияси томонидан умумий шаклдаги далолатнома тузилиб, унда янги етказиш манзилидаги темир йўл станциясида ундириладиган барча тўловлар (манзилни ўзгартириш, манёвр иши тўловлари, ҳужжатлар ва тўловларни расмийлаштириш, вагонлар туриб қолгани ва контейнерлар ушланиб қолгани учун жарима) кўрсатилади.

177. Юкнинг даствлабки етказиш темир йўл станциясини ўзгартириш тўғрисидаги ариза юк ушбу темир йўл станциясига келишидан аввал берилса, шунингдек юк манзили йўл давомида ўзгартирилса, вагонлар туриб қолганлиги учун жарима ундирилмайди.

Юкнинг манзилини ўзгартириш ҳақидаги ариза даствлабки етказиш манзилидаги темир йўл станциясида юкни олувчига вагон юк тушириш учун олиб кирилгандан сўнг берилган бўлса, вагон юк тушириш учун олиб кирилган вақтдан янги ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш вақтигача туриб қолгани учун Темир йўл уставига мувофиқ жарима ҳисобланади.

### **10-боб. Юкларни ортиш ва тушириш муддатлари**

178. Юкларни юк жўнатувчилар ва юкни олувчиларнинг кучи ва техник воситалари билан механизациялашмаган усулда ортиш ва тушириш тўрт ўқли вагонлар учун мазкур Қоидаларнинг 16 ва 17-иловаларида\*, механизациялашган усулда ортиш ва тушириш тўрт ўқли вагонлар учун мазкур Қоидаларнинг 18 ва 19-иловаларида\* белгиланган муддатларда амалга оширилади.

179. Саккиз ўқли вагонларда юкларни ортиш ва тушириш муддатлари тўрт ўқли вагонлар учун юкларни ортиш ва тушириш муддатларидан икки баробар кўп этиб белгиланади. Тирик балиқ ташувчи вагонларга юкларни ортиш ва тушириш муддатлари чекланмайди.

Ногабарит юкларни ҳамда транспортерларда ва махсус жиҳозланган платформаларда ташиладиган юкларни ташишда юк ортиш ва тушириш муд-

\* 16- — 19-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

датлари темир йўл станциялари, темир йўл транспортининг (ташувчининг) минтақавий бўлинмалари, шунингдек шохобча йўлларининг иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан белгиланади.

180. Бир вақтнинг ўзида юкларни қўйиш ва тўкиш frontiга қўйилган цистерналар ва бункерли ярим очиқ вагонлар партиясининг қўйиш ва тўкиш муддатлари қўйидаги муддатлардан ошмаслиги керак:

1) қўйиш пунктларда:

механизациялашган қўйиш пунктларида маҳсулот тури, цистерна ва бункерли ярим очиқ вагонларнинг юк кўтариш қобилиятларидан қатъий назар — 2 соат;

механизациялашмаган қўйиш пунктларида маҳсулот туридан қатъий назар тўрт ва ундан ортиқ ўқли цистерна ҳамда бункерли ярим очиқ вагонларга — 2 соат;

2) тўкиш пунктларда:

механизациялашган тўкиш пунктларида тўрт ва ундан ортиқ ўқли цистерна ҳамда бункерли ярим очиқ вагонларга — 2 соат;

механизациялашмаган тўкиш пунктларида тўрт ва ундан ортиқ ўқли цистерна ҳамда бункерли ярим очиқ вагонларга — 4 соат;

181. Вагонлар тариқ, зиғир ва хантал уруғлари, сорго ва чумиза ташиш учун жиҳозланганда, мазкур Қоидаларнинг 12-бобига мувофиқ юк жўнатувчи илтимосига кўра жисмоний вагонга юк ортиш учун қўшимча 20 дақиқа вақт берилиши лозим.

Жонзодларни туширишда темир йўл станцияси бошлиғи юкни олувчининг илтимосига кўра гўнгни тўплаш учун мазкур Қоидаларнинг 17-иловасида келтирилган муддатларга қўшимча равишда ёзда 30 дақиқа, қишда 1 соат муддат тақдим этади.

182. Вагонлар темир йўл станциясида юк ортишда (туширишда) туриб қолишининг бошланиши вақти вагонлар юк ортиш (тушириш) учун қўйиб берилган вақт ҳисобланади.

Вагонлар юк ортишда (туширишда) туриб қолишининг тугаши вақти юк жўнатувчининг (юкни олувчининг) қўйиб берилган вагонларни бир вақтнинг ўзида олиб чиқишга тайёрлиги тўғрисидаги хабарномаси темир йўл станцияси томонидан олинган вақт ҳисобланади.

Юк ортиш (тушириш) муддатлари ҳар хил бўлган вагонлар гуруҳи учун юк ортиш (тушириш) муддати энг кўп бўлган вагонлар учун белгиланган муддатлар берилади.

Юк ортиш (тушириш) жойларига қўйиб берилган вагонлар партиясидаги ортилган (бўшатилган) вагонлар темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан олиб кетилган вақтдан эътиборан юк жўнатувчининг (юкни олувчининг) ҳисобидан чиқарилади.

183. Агар ортилган ногабарит ва габаритли юкларнинг жойлаштирилиши ва маҳкамланишининг техник шартлари ўрнатилмаган бўлса, шунингдек махсус ҳаракатдаги темир йўл таркибларида ташиладиган габаритли оғир вазнли юклар тасдиқланган ҳисоб-китоблар ва чизмаларга мос келмаса, ва-

гонларнинг туриб қолиши юкларни қабул қилишдан олдин юк жўнатувчи ҳисобида ҳисобланади.

184. Вагонларнинг темир йўл шохобча йўлларида туриб қолиши вақтини ҳисоблаш Темир йўл уставига мувофиқ амалга оширилади.

185. Юкни ортиш-тушириш машиналари қўлланилса ёки мазкур Қоидаларнинг 18 ва 19-иловаларида кўрсатилмаган юкларни ортиш ва тушириш ишлари механизациялашган усулда бажарилса, юкни ортиш ҳамда тушириш муддатлари юк жўнатувчи ва юкни олувчи темир йўл транспорти (ташувчи) билан биргаликда белгиланади.

Ушбу муддатларни белгилаш мазкур Қоидаларнинг 20-иловасидаги\* Механизациялашган услубда вагонларга юкларни ортиш ва тушириш муддатларини ҳисоблаш методикасига мувофиқ амалга оширилади.

186. Вагонларнинг вазнини ўлчаш ва юкларни дозалаш ишлари юк ортиш билан бир вақтда амалга оширилиши керак.

Дозалаш пунктларида битта вагон учун вазн ўлчаш ва дозалаш вақтининг муддатлари мазкур Қоидаларнинг 21-иловасида\* белгиланган муддатлардан ошмаслиги лозим.

### **11-боб. Қиймати эълон қилинган юкларни ташиш**

187. Юк жўнатувчи қуйидаги юкларнинг қийматини эълон қилиши шарт:

1) қимматбаҳо металллар ва улардан ясалган буюмлар, қимматбаҳо тошлар, нархнома бўйича нархи белгиланмаган санъат асарлари, суратлар, хайкаллар, бадий буюмлар, антиквар ашёлар, гиламлар, нархи тасдиқланмаган тажриба машиналари, ускуналар ва мосламалар. Ушбу юклар юк жўнатувчи томонидан пломбаланган ёки муҳрланган тарада (қадоқда) ташишга тақдим этилиши лозим;

2) юк жўнатувчиларнинг кузатувчиларисиз ташилаётган уй-рўзғор буюмлари.

188. Очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида тўкилган, уюлган, қуйилган ҳолда кузатувчилар иштирокида ва юк жўнатувчининг пломбалари билан ташилаётган юклар, шунингдек тез бузилувчан ва хавфли юклар қиймати эълон қилинишига йўл қўйилмайди. Битта юкхати бўйича ташилаётган юк қисмининг қиймати ҳам эълон қилинишига йўл қўйилмайди.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилмаган бошқа юкларнинг қийматини юк жўнатувчининг хоҳишига кўра эълон қилиши мумкин.

189. Юкнинг эълон қилинган қиймати унинг ҳақиқий қийматидан юқори бўлмаслиги керак.

190. Қиймати эълон қилинган юкни ташишга тақдим этишда юк жўнатувчи мазкур Қоидаларнинг 22-иловасида\* белгиланган шакл бўйича юк жойлари рўйхатини уч нусхада тузиши шарт. Биринчи нусха ташиш ҳужжатлари билан етказиш манзилидаги темир йўл станциясига юборилади, иккинчи нусхаси жўнатиш темир йўл станциясида қолади, учинчи нусхаси юк жўнатувчига берилади.

\* 20 — 22-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Уй-рўзғор буюмлари рўйхатида юк жўнатувчи ҳар бир юк жойининг эълон қилинган қийматини кўрсатиши шарт. Қадокланган буюмлардан ҳар бирининг қийматини кўрсатиш шарт эмас.

191. Ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришда жўнатиш темир йўл станциясининг ваколатли ходими рўйхатда юкхати рақамини кўрсатади, «Рўйхат қабул қилинди \_\_\_\_\_» графасига имзо қўяди ва темир йўл станциясининг календарь штемпелини босади. Рўйхатнинг бир нусхаси юк жўнатувчига қайтарилади, бошқаси эса темир йўл станциясининг йиғмажилдида қолади. Рўйхат бир нечта варақда тузилган бўлса, календарь штемпели ҳар бир вараққа босилади.

192. Юк жўнатувчи ҳар бир юк жойи ичига рўйхатни жойлаштириши шарт.

193. Юк жўнатувчи томонидан юкнинг қиймати ошириб кўрсатилганини гумон қилишга асос мавжуд бўлса, темир йўл станцияси юкнинг қийматини текшириш учун ташишга тақдим этилган юкни очишни талаб этади.

### **12-боб. Уюлган ҳолда ташиладиган ғалла юкларини ташиш**

194. Жавдар, бугдой, сули, арпа, гречиха, тарик, маккажўхори дони ва сўталари, мойли ва дуккакли экинлар уруғлари, шоли, тегирмон ва дон чиқиндилари, кепак, омукта емларни дон ташувчи махсус вагонларда ёки юк жўнатувчилар томонидан тақдим этиладиган эшик тўсиқлари (тўсиқ) билан жиҳозланган ёпиқ вагонларда уюлган ҳолда ташишга рухсат берилади.

Тарик, зиғир ва горчица уруғлари, сорго, чумизани ташиш вақтида юк жўнатувчи вагон деворлари ва тўсиқларига қоғоз ёки юк тўкилишини олдини оладиган бошқа материалларни ёпиштиради. Бошқа донли юклар, шунингдек ун, ёрма ва калибрланган маккажўхори уруғлари фақат тарада ташилади.

195. Ғалла юклари ва уюлган ҳолда ташиладиган юкларни ортиш учун зарур бўлган мосламалар ҳамда материаллар юк жўнатувчилар томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилиши лозим.

Ташиш мосламаларини юк ортиш вақтида ўрнатиш ва юк тушириш вақтида ечиб олиш, юк ортиш ва тушириш ишлари кимнинг воситалари ёрдамида бажарилишига кўра юк жўнатувчи, юкни олувчи ёки темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан бажарилади. Ўрнатилган ташиш мосламалари ҳақидаги маълумотларни юк жўнатувчи юкхатида кўрсатиши мумкин.

Вагонларга тўсиқлар ва панжараларни ўрнатиш, уларни маҳкамлаш, вагонлар люкларини тўсиш ва бошқа қўшимча ишлар, ташиш мосламаларини тўғри ўрнатиш ҳамда маҳкамлаш учун жавобгар бўлган юк жўнатувчи томонидан бажарилади. Юк жўнатувчига тегишли барча ташиш мосламалари етказиш манзилидаги темир йўл станциясида юкни олувчига юк билан биргаликда топширилади.

Тўсиқлар вагон эшиклари графаларига (тўсиқнинг метал қоплама тешиклари орқали) ҳар бири 100 — 110 мм дан узун бўлмаган иккита мих билан қоқилади.

196. Дон (жавдар, бугдой, арпа, сули, маккажўхори дони), нўхат, гречихани ечиладиган ва ечилмайдиган тўсиқларга эга бўлган тўрт ўқли ёпиқ

вагонларда уюлган ҳолда ташиш вақтида юк вагон эшиги ўрнининг юқори қисмидан 10 см пастда жойлаштирилиши лозим. Бунда, доннинг (жавдар, буғдой, арпа, сули, маккажўхори донининг) вагон ён деворлари томонига табиий қиялик бурчаги остида кўтарилишининг боши дон тўсиғи четидан камида 100 см, нўхат ва гречиха учун эса камида 150 см масофада бўлиши лозим.

Тарик, зиғир, горчица ва жавдар уруғлари ғалла тўсиғининг юқори қисмидан 10 см пастда вагон ён деворларига қараб кўтарилмасдан ортилади.

Ўзи зичланадиган эшиклар билан жиҳозланган тўрт ўқли ёпиқ вагонларга дон вагон томида жойлашган люклар орқали ортилади.

Юкларни тўкилган ёки уюлган ҳолда люк сатҳидан юқори қилиб ортиш вақтида юк жўнатувчи вагонлар люкларини зич ёпиши ва ички томонидан қоп матоси ёки бир неча қатламли қалин қоғоз билан бекитиши лозим.

197. Ғалла юкларини ортиш учун соз ва тозаланган, Темир йўл уставида белгиланган ҳолларда эса ювилган вагонлар (контейнерлар) қўйиб берилади.

Юк жўнатувчи юк ортишдан аввал вагонлар ва тўсиқлар созлиги, тозаланганлиги, уларда зараркунандалар, дон тўкилишига сабаб бўлувчи тешик ва тирқишлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиши шарт.

Темир йўл транспорти (ташувчи) билан келишган ҳолда дон ортиш учун вагонларнинг яроқлилигини олдиндан кўздан кечириш юк жўнатувчининг вакили томонидан вагонларни ювиш ва тайёрлаш пунктларида амалга оширилиши мумкин.

198. Ғалла тўсиқларини вагонларга ортиш ва тушириш умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда юк жўнатувчи ва юкни олувчи томонидан бажарилади.

199. Ғалла юкларини ечиб олинмайдиган эшик тўсиқлари билан жиҳозланган вагонларга уюлган ҳолда ортиш учун қўйиб беришдан олдин темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходимлари тўсувчи тўсиқлар ва барча мосламаларнинг созлигини пухта текширади.

Тўсиқлари носоз бўлган вагонларга дон ортишга йўл қўйилмайди. Тўсиқларда аниқланган носозликлар вагонларни юк ортишга қўйиб беришдан илгари бартараф этилади.

### **13-боб. Юкларни тўкилган ҳолда ташиш**

200. Мазкур Қоидаларнинг 23-иловасида\* кўрсатилган юклар вагонга ортилган юклар жойларининг сони визуал ҳисобланмайдиган шароитда тўкилган ҳолда (жойлар ҳисобга олинмасдан) ташилади. Ушбу юкларни ташишда юкхатининг «Юк жойлари сони» графасида «тўкилган ҳолда» деб кўрсатилади.

201. Мазкур Қоидаларнинг 24-иловасида\* кўрсатилган юклар эшик тўсиқлари ўрнатилган ҳолда ташилади.

Вагонлар эшикларининг ўрнини тўсиш учун тахталар, горбиллар, тўсиқлар, крафт-қоғозлардан тўсиқлар ҳамда қадоқланган юклар қўлланилиши мумкин.

\* 23-24-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Мазкур Қоидаларнинг 25-иловасида кўрсатилган юкларни ортиш ва туширишда юк жўнатувчи ҳамда юкни олувчилар вагон буксаларига ҳимояловчи фартуклар ўрнатиши шарт. Ушбу юклар туширилгандан сўнг вагонлар мажбурий равишда ювилади ёки тозаланади.

Вагонларни ювиш ёки тозалаш:

юкни тушириш юкни олувчи томонидан бажарилган бўлса, юкни олувчи томонидан;

юк темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан туширилган бўлса, темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан амалга оширилади.

Вагонларни ювиш ёки тозалаш юкни олувчининг қучи ва техник воситалари ёрдамида ёки темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юкни олувчининг ҳисобидан амалга оширилади.

202. Мазкур Қоидаларнинг 25-иловасида кўрсатилган юклар туширилгандан сўнг вагонларни ювиш ёки тозалаш қўйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

1) айланма маршрутларда ифлослантирувчи ёки бадбўй юкларни ташишда ушбу вагонлар худди шу юкларни ортиш учун фойдаланилса;

2) бир турдаги ифлослантирувчи (бадбўй) юклар туширилганидан сўнг вагонга бошқа турдаги ифлослантирувчи (бадбўй) юклар иккиламчи операциялар тартибида юкланганда;

3) мазкур Қоидаларнинг 25-иловасида кўрсатилган юкларни ташиш учун ихтисослаштирилган вагонлардан юк тушириш ишлари амалга оширилган бўлса.

203. Цемент, оҳак материаллари ва тўкилган ҳолда ташилувчи материаллар туширилганидан сўнг бўшаган вагонларни, хоппер-цемент ташувчи, минерал, дон, апатит, акатиш ташувчи бўш вагонларни ташиш мақсадида юкни олувчилар томонидан ҳар бир вагон учун алоҳида қайта жўнатиладиган юкхати расмийлаштирилади. Қайта жўнатиладиган юкхати мазкур Қоидаларнинг 26-иловасида\* белгиланган шаклда тузилади.

204. Ҳарбий қисмлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги муассасалари томонидан юклар туширилгандан сўнг бўшаган вагонлар учун қайта жўнатиладиган юкхатига юкни туширган ташкилот номи, юкни олувчи агентининг лавозими тўғрисидаги маълумотлар киритилмайди ҳамда юкни олувчи томонидан штемпель қўйилмайди.

205. Қайта жўнатиладиган юкхати билан бир вақтда юкни олувчи томонидан бўш вагонни жўнатиш темир йўл станциясида қолувчи қайта жўнатиладиган юкхатининг корешоги тўлдирилади.

Қайта жўнатиладиган юкхатининг орқа томонида қайта ортиш темир йўл станциясига келган вагонни қўздан кечириш натижалари акс эттирилади.

#### **14-боб. Очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида юкларни ташиш**

206. Очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида (платформа ва ярим очиқ вагонларда) мазкур Қоидаларнинг 27-иловасида\* кўрсатилган ҳамда ўз кимёвий

\* 25 — 27-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва физик хусусиятларига кўра ташқи таъсирлардан ҳимояга муҳтож бўлмаган юкларни ташишга рухсат этилади. Тош кўмир, кўнғир кўмир, кокс, маъдан ва маъдан концентратларини ташиш ярим очик вагонларда амалга оширилади.

Мазкур Қоидаларнинг 27-иловасида қайд этилмаган юклар очик ҳаракатдаги темир йўл таркибида юк жўнатувчининг (юкни олувчи) универсал ёки махсус контейнерларида ташилиши мумкин.

Очик ҳаракатдаги темир йўл таркибида хавфли юкларни ташишга Темир йўлларда хавфли юкларни ташиш қоидаларида кўрсатилган ҳоллардагина рухсат берилади.

207. Тез ёнувчан тара ва қадоқларни очик ҳаракатдаги темир йўл таркибларида ташишга йўл қўйилмайди.

208. Таркибида майда қисмлар мавжуд бўлган юкларни ортишдан олдин юк жўнатувчи мазкур ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташишга тақдим этилаётган юклар йўқолиши юзага келмаслигига ишонч ҳосил қилиши зарур. Платформа ёки вагон кузови соз бўлиб, вагоннинг конструктив тирқишлари орқали юкнинг йўқолиши эҳтимоли бўлса, юк жўнатувчи вагон ва юкнинг бутлигини таъминлайдиган, поездлар ҳаракатининг хавфсизлигига хавф солмайдиган, юкнинг сифатига таъсир этмайдиган воситалар билан ушбу тирқишларни тўсиш бўйича қўшимча чоралар кўриши шарт.

209. Таркибида майда қисмлар (заррачалар) мавжуд бўлган юкларни очик ҳаракатдаги темир йўл таркибига юклашда юк жўнатувчи майда заррачалар учиб кетишини ҳамда вагон бортидан юқорироқ юкланган ҳолларда юкнинг тўкилишини олдини олиш чораларини кўриши шарт. Қайд этилган чоралар юкнинг ҳар бир тури учун алоҳида юк жўнатувчи томонидан ишлаб чиқилади.

Вагонларда юкнинг юза қисмини текислаш ва зичлаш учун механизациялашган қурилма ва мосламалар қўлланилиши мумкин.

210. Навли кўмирлар, брикетлар ҳамда таркибида майда қисмлари бўлган барча кўмирлар, ярим очик вагонларга бортидан юқорироқ қилиб ортилганда, юк жўнатувчи томонидан механизациялашган қурилмалар ёрдамида зичланиши шарт. Бунда, юкнинг вагон бортидан юқори бўлган қисмининг кўндаланг кесими трапеция шаклига эга бўлиши керак. Кўмирни ортишда зичлангандан сўнг вагоннинг кўтариш қобилятидан тўлиқ фойдаланиш таъминламаганда, юкнинг вагон бортидан юқори бўлган қисмининг баландлиги ярим очик вагоннинг тепа маҳкамланган брусидан 200 — 300 мм ни ташкил этиши керак. Юкни зичлагандан кейин юкнинг вагон бортидан юқори бўлган қисмининг пастки асоси ярим очик вагон борти маҳкамланган брусидан юқори бўлмаслиги керак.

211. Минерал-қурилиш материаллари вагон бортидан юқори ортилган қисмининг асоси борт сатҳидан 50 мм паст бўлиши керак. Юкнинг вагон бортидан юқори бўлган қисмининг баландлиги шағал учун 780 мм, қурилиш тоши учун 700 мм, бошқа минерал-қурилиш материаллари учун 730 мм дан ошмаслиги керак. Юклар ушбу меъёрлардан юқори ортилган тақдирда, очик ҳаракатдаги темир йўл таркиби юк жўнатувчи томонидан кўтарилган бортлар билан жиҳозланиши керак.

Вагонларни кўтарилган бортлар билан жиҳозлаш юк ортиш габарити доирасида амалга оширилади.

212. Юкларни механизациялашган қурилмалар билан зичлаш ва ташиш чоғида юкнинг бут сақланишини таъминлайдиган усулларни қўллаш юк жўнатувчи томонидан тузилган ва вагон парки бут сақланишини таъминлаш қисмида темир йўл транспорти (ташувчи) билан келишилган йўриқномада назарда тутилган тартибда бажарилиши керак.

213. Юк жўнатувчи юк ортилган ва туширилгандан сўнг вагоннинг ташқи қисмини ва вагон деталларини юк ортиш натижасида юзага келган ифлосланишдан тозалаш билан бир қаторда эмульсия ва химояловчи плёнка қолдиқларидан тозалаши шарт.

### **15-боб. Юк жўнатувчи ёки юкни олувчиларнинг кузатувчилари ҳамроҳлигида юк ташиш**

214. Юк жўнатувчи ёки юкни олувчининг кузатувчилари ҳамроҳлигида қуйидаги юклар вагонли жўнатмалар билан ташилади:

- 1) ҳайвонлар, қушлар ва арилар;
- 2) ташишда алоҳида хизмат кўрсатилишини талаб этувчи тез бузилувчан юклар;
- 3) тирик балиқ;
- 4) ўсимликлар ва тирик гуллар;
- 5) кузатиб борилиши Темир йўлларда хавфли юкларни ташиш қоидаларида назарда тутилган хавфли юклар;
- 6) музей ва антиквар қимматбаҳо буюмлари;
- 7) ўзининг ўқида юк сифатида жўнатилувчи ҳаракатдаги темир йўл таркиби, ишламаётган ҳолатда жўнатилувчи тепловозлар, электровозлар, моторвагон секциялар, кранлар ва темир йўлда ҳаракатланувчи бошқа техника ҳамда платформаларда ташилувчи темир йўл локомотивлари, класс (йўловчи) вагонлари ва бошқа махсус ҳаракатдаги темир йўл таркиби, кемалар, қайиқлар;
- 8) автотранспорт воситалари, шу жумладан алоҳида вагонларда ташиладиган тракторлар ва моторли қишлоқ хўжалиги машиналари, шунингдек аввал фойдаланишда бўлган ҳамда таъмирлашга юборилаётган, таъмирлашдан қайтарилаётган ёки бошқа мақсадда ташилаётган тракторлар ва моторли қишлоқ хўжалиги машиналари. Шахсий автотранспорт воситалари эгалари розилиги асосида битта вагонда икки ва ундан ортиқ автотранспорт воситалари эгалари ҳамроҳлигида ташишга қабул қилинишига рухсат берилади ҳамда ҳар бир автотранспорт воситаларига алоҳида юкхати расмийлаштирилади;
- 9) йўл давомида тушириладиган ёки қўшимча равишда тўлдириладиган юклар;
- 10) очиқ қутиларидаги вино ва ароқ.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилмаган юкларни юк жўнатувчи ёки юкни олувчининг кузатувчилари ҳамроҳлигида ташиш юк жўнатувчи ёхуд юкни олувчи хоҳишига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги ва банк муассасаларининг қўриқланиши ва кузатиб борилиши талаб этиладиган юклари, шу жумладан саноат корхоналаридан жойда қабул қилинган, бошқа вазирликлар (идоралар) томонидан кўрсатилган вазирликлар (идоралар) манзилига етказиладиган юklar қайд этилган вазирлик ва идоралар воситалари ёрдамида ҳамда улар томонидан белгиланган тартибда кузатилади ва қўриқланади.

215. Юк жўнатувчи ёки юкни олувчининг ходимлари ҳамда юк жўнатувчи ёки юкни олувчилар билан юklarни кузатиб боришга доир шартнома тузган ташкилотнинг ходимлари юкни кузатиб бориши мумкин.

Ташишни расмийлаштиришда юкни кузатиб бориш топширилган кузатувчи жўнатиш темир йўл станциясига шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва хизмат сафари гувоҳномасини (у мавжуд бўлган ҳолда) тақдим этиши шарт.

216. Ташиш ҳужжатлари тўпламида юк номининг тагида юк жўнатувчининг (юкни олувчининг) кузатувчиси ҳамроҳлигида ташилаётгани тўғрисидаги ёзув киритилади ҳамда кузатувчининг фамилияси, исми ва шарифи, паспортининг (ID-картанинг) серияси ва рақами, хизмат сафари гувоҳномаси (мавжуд бўлган ҳолда) кўрсатилади.

Кузатувчилар алоҳида вагонда кетаётган бўлса ёки юк ортилган бир нечта вагонни кузатиб бораётган бўлса, қўшимча равишда юкхатига «Кузатувчилар \_\_\_\_\_-сон вагонда кетмоқда» ёзуви киритилади.

217. Кузатувчининг йўл ҳақи учун Таъриф қўлланмаси бўйича тўлов ундирилади. Бу тўлов юкхатига киритилади ва ташиш тўловлари билан бир вақтда ундирилади.

218. Кузатувчи ўзи билан вагонда умумий оғирлиги 36 kg дан ортиқ бўлмаган қўл юкини (энг зарур воситалар, озиқ-овқат маҳсулотларини) бепул ташиш ҳуқуқига эга.

219. Жўнатиш темир йўл станцияси томонидан кузатувчига йўл қайдномаси корешогига имзо қўйдирилиб, мазкур Қоидаларнинг 28-иловасида белгиланган шаклдаги ҳаракатланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома кузатувчига топширилади. Гувоҳномага темир йўл станцияси бошлиғи ёки темир йўл станциясининг ваколатли ходими имзо қўяди.

Гувоҳномани олганда кузатувчи гувоҳномада кўрсатилган кузатувчининг асосий мажбуриятлари билан танишиши ва бу ҳақда гувоҳномага имзо чекиши лозим.

220. Юklarни кузатиб бориш учун кузатувчилар сони юк жўнатувчи томонидан аниқланади. Битта вагонга иккитадан ортиқ кузатувчи тайинлашга рухсат берилмайди.

Юк жўнатувчи ташиш вақтида кузатувчиларни алмаштириш ҳуқуқига эга. Бунда, алмашиш амалга оширилаётган темир йўл станциясининг ваколатли ходими томонидан ташиш ҳужжатлари тўпламига кузатувчи алмашаётгани тўғрисида «\_\_\_\_\_да (темир йўл станцияси номи) кузатувчилар алмашди» ёзуви ҳамда янги кузатувчилар маълумотлари киритилади.

Юк жўнатувчи ташишда ёки юкни топширишда тўсқинликлар юзага кел-

\* 28-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ганда, юк жўнатувчининг мажбуриятларини бажариш ва ҳуқуқларини амалга ошириш ваколатини кузатувчига бериш ҳуқуқига эга. Кузатувчининг ваколатлари доирасини юк жўнатувчи юкхатининг «Юк жўнатувчининг алоҳида маълумотлари ва белгилари» графасида кўрсатади.

221. Кузатувчиларнинг мажбуриятлари юкни вагонга ортишда кузатиб туриш, юкни юк жўнатувчидан қабул қилиш, улар томонидан кузатиб борилаётган юкларни қўриқлаш, ҳайвонларни парваришлаш, ҳайвонларга сув ва ем бериш, юклар зарарланишини олдини олиш учун зарур бўлган чораларни кўриш, вагондаги юкнинг маҳкамлангани ва барқарор туришини кузатиш ҳамда кузатиб келинган юкларни юкни олувчиларга топширишдан иборат.

Хавфли юкларни кузатишнинг қўшимча шартлари Темир йўлларда хавфли юкларни ташиш қоидаларига асосан ўрнатилади.

222. Вагонларни иситиш учун печлар ва печь ускуналари юк жўнатувчи томонидан ўрнатилади.

Ташишда иситиш ускуналари қўлланилса, юк ва печь ўртасидаги масофа бир метрдан кам бўлмаслиги, ортилган юкнинг баландлиги эса вагон тоmidан камида 50 см га паст бўлиши керак.

Вагондаги ҳароратни назорат қилиш учун юк жўнатувчи кузатувчини термометр билан таъминлаши шарт.

223. Вагонда мавжуд бўлган барча ечиладиган қурилмалар бўйича жўнатиш темир йўл станцияси икки нусхада рўйхат тузиши шарт. Рўйхатнинг бир нусхаси кузатувчи имзоси билан қурилмалар мавжуд бўлган вагонни қабул қилишда юкхатига илова қилинади, иккинчи нусхаси эса темир йўл станциясида қолдирилади ва йиғмажилдларига тикилади.

224. Етказиш манзилидаги темир йўл станцияси юк туширилганидан сўнг вагонни қабул қилиш чоғида рўйхат бўйича қурилмалар мавжудлиги, бузилмаганлиги ва вагоннинг созлигини текширади.

Юк жўнатувчи ёки юкни олувчининг кузатувчиси унинг айби билан вагонда ўрнатилган қурилмалар ва вагоннинг бузилиши ёки йўқотилиши бўйича темир йўл транспорти (ташувчи) олдида жавобгар бўлади.

225. Кузатувчилар ҳамроҳлигида ҳаракатланаётган вагонларнинг шикастланишлари йўл давомида аниқланганда ва ушбу вагонлар мазкур поезд таркибида ҳаракатини давом эттириши имкони бўлмаганда, носоз вагонлар поезддан узилади.

Вагонлар бир нечта кузатувчилар билан ҳаракатланаётган бўлса, кузатувчилардан бири ушлаб қолинган вагонлар билан қолади.

Вагонлар битта кузатувчи томонидан кузатилаётган бўлса, кузатувчи соз вагонлар билан (ҳайвонлар мавжуд бўлган ва ташишда алоҳида хизмат кўрсатишни талаб этадиган вагонлардан ташқари) бирга кетади, ушлаб қолинган вагонлар эса ундаги юклар мавжудлиги текширилгандан ва носозликлар бар-тараф этилгандан сўнг пломбаланади ҳамда етказиш манзилига юборилади.

Поезддан узилган вагонлардаги юкни текшириш кузатувчи иштирокида амалга оширилади ҳамда мазкур Қоидаларнинг 28-бобида белгиланган тартибда тижорат далолатномаси ёки умумий шаклдаги далолатнома расмийлаштирилади. Йўл давомида вагонлар узилганлиги тўғрисида темир йўл стан-

цияси кузатувчининг гувоҳномасига унинг талабига асосан тегишли ёзувни қайд этиши шарт.

Кузатувчи касал бўлиб қолганида ёки кузатувчи юкни кузатиб боролмайдиган ҳолатлар пайдо бўлганида, темир йўл станцияси юкни текшириш ва кузатиб бориш билан боғлиқ темир йўлнинг ҳақиқий харажатларини юкни олувчидан ундириш учун юкхатига киритган ҳолда етказиш манзили бўйича юкни жўнатиши шарт.

226. Бир нафар кузатувчи томонидан кузатилаётган вагонлар поездга битта гуруҳ бўйича қўйилиши керак.

### **16-боб. Жўнатувчи маршрутларда юкларни ташиш**

227. Юк поездларини шакллантириш режасига мувофиқ юк жўнатувчи ёки темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан шакллантирилган, камида битта темир йўл станциясида тўхтамасдан ҳаракатланадиган ва темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан белгиланган оғирлик ёки узунликдаги поезд таркиби жўнатувчи маршрут ҳисобланади.

228. Жўнатувчи маршрутларда юкларни ташиш ушбу Қоидаларда назарда тутилган тартибда тузиладиган юк ташиш прогнозларига асосан амалга оширилади.

229. Тармоқ маршрутлари ядросининг оғирлиги ва узунлиги темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан белгиланади.

Аниқ манзиллар учун маршрутлар ядроси оғирлиги ва узунлигининг белгиланган меъёрлари юк жўнатувчиларга темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан эълон қилинади.

230. Ташкил этилиши ва шакллантирилиши усулларига кўра жўнатувчи маршрутлар қуйидагиларга бўлинади:

битта темир йўл станциясида битта юк жўнатувчи томонидан юк ортилган вагонлардан ҳамда темир йўл шохобча йўлида шохобча йўли эгаси ва мазкур шохобча йўлининг юк жўнатувчи — контрагентлари томонидан юк ортилган вагонлардан шакллантирилган жўнатувчи маршрутлар;

турли юк жўнатувчилар томонидан битта темир йўл станциясида (станцияли поғонасимон), битта юк жўнатувчи ёки турли юк жўнатувчилар томонидан участканинг бир нечта темир йўл станцияларида ёки темир йўл транспортининг (ташувчининг) минтақавий бўлинмаларида (участкали поғонасимон) юк ортилган вагонлардан тузилган жўнатувчи поғонасимон маршрутлар.

231. Қўшиладиган вагонларнинг етказиш манзилига қараб маршрутлар қуйидагиларга бўлинади:

1) битта ёки бир нечта юкни олувчининг номига битта юк тушириш темир йўл станцияси манзилига юбориладиган вагонлардан шакллантирилган тўғри маршрутлар. Юкларни тўғри маршрутларда қабул қилиш учун зарур техник воситаларга эга бўлган бундай темир йўл станциялар ва юкни олувчиларнинг рўйхати темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юкни олувчилар билан келишилган ҳолда белгиланади;

2) етказиш манзилидаги темир йўл станциялари бўйича вагонлар

гуруҳларига ажратилган битта юк тушириш участкасининг темир йўл станциясидаги маршрутлар. Битта юкни олувчи номига юборишда гуруҳдаги вагонларнинг максимал миқдори унга тегишли юк тушириш пунктнинг темир йўл шохобча йўли эксплуатацияси ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномасида белгиланган юк тушириш қобилиятига мос бўлиши керак;

3) тарқатиш темир йўл станциясига етказиш манзили йўл давомида қайта ишлов бериш имкон қадар қисқартирилишини ҳисобга олган ҳолда маршрут йўли давомида жойлашган участка ёки саралаш темир йўл станцияларининг юк поездларини шакллантириш режаси бўйича ташкил этилган маршрутлар. Темир йўл транспорти (ташувчи) юк жўнатувчиларни юк поездларини шакллантириш режаси ва маршрутларни ташкил қилиш режасидан кўчирма билан таъминлайди;

4) пунктлар учун ўрнатилган амал қилиш ҳудудлари чегараларида юкни олувчиларга юк тушириш темир йўл станциялари бўйича вагонларни манзилга жўнатиш амалга ошириладиган тарқатиш пунктларидаги маршрутлар. Маршрутларнинг тарқатиш пунктлари ва улар амал қиладиган ҳудудлар рўйхати тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан ўрнатилади.

232. Юкларни маршрутларда ташишни прогнозлашда маршрутлар қайта ишлов берилмасдан ўтадиган йўлнинг энг узоқ масофаси инобатга олиниши керак.

Юк жўнатувчилар томонидан тақдим этилаётган юкларни маршрутларда ташиш тўғрисидаги ойлик прогнозларда темир йўл транспортининг (ташувчининг) тегишли минтақавий бўлинмалари маршрутларнинг техник-иқтисодий самарадорлигини текширади.

233. Тарқатиш пунктларига жўнатувчи маршрутларда юкларни ташишда юк жўнатувчилар маршрутларда юкларни ташиш тўғрисидаги ойлик прогнозларда тарқатиш пунктлари номини, маршрутлар миқдори ва уларда мавжуд бўлган вагонларнинг умумий сонини ушбу тарқатиш пункти амал қилиш ҳудудига кирувчи етказиш (юк тушириш) жойлари бўйича тақсимлаган ҳолда кўрсатиши шарт.

234. Маршрутларга юк ортиш ва тушириш учун вагонларни қўйиб бериш, уларни ўрнатилган оғирлик ва узунликда шакллантириш, юк ортилгандан (туширилгандан) кейин қайтариш тартиби ҳамда жўнатувчи маршрутларга ва поғонасимон маршрутлар вагонларининг гуруҳига юк ортиш ва тушириш муддатлари темир йўл шохобча йўли эксплуатацияси ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномалари бўйича ўрнатилади.

Ушбу шартномаларда барча вагонлар учун ўрнатилган умумий (ягона) айланма муддатни ўрнатишда маршрутларга юк ортиш ва тушириш учун алоҳида муддат назарда тутилиши мумкин.

Жўнатувчи маршрутларга қисмларга бўлиб юк ортишда шартномалар ва технологик жараёнларда қисмлар сони, улардаги вагонлар миқдори, маршрутнинг ҳар бир қисмига ортиш муддати ҳамда маршрутнинг биринчи қисмини қўйиб бериш вақтидан ортишни тугатиш ва охириги қисмини топшириш

вақтигача ҳисобланадиган маршрутга юк ортишнинг умумий узлуксиз муддати назарда тутилиши керак.

Умумий фойдаланишдаги жойларда жўнатувчи маршрутга юк ортиш ва туширишда темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан вагонларга юк ортиш (тушириш) учун ўрнатилган муддатга темир йўл транспорти (ташувчи) минтақавий бўлинмасининг раҳбари маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда тегишли ҳисоб-китоблар билан асосланган қўшимча вақт тақдим этади.

235. Темир йўл транспорти (ташувчи) маршрутларга юк ортиш учун вагонларни биринчи навбатда қўйиб берилишини таъминлаши, юк жўнатувчилар эса устувор равишда уларга юкни ортиши шарт.

Темир йўл шохобча йўлларига вагонларни юк ортиш учун қўйиб бериш, ўша йўлларда юк туширилгандан сўнг вагонлардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Юк жўнатувчилар маршрутларга юк ортиш учун қўйиб берилган вагонларни юк ортиш ва туширишда турган вагонларга алмаштириши мумкин, бундан айланма маршрутлар ва вертушкалар таркибидаги вагонлар мустасно.

236. Қўйидаги ҳолларда маршрутга юк ортиш темир йўл транспортининг (ташувчининг) айби билан таъминланмаган ҳисобланади:

1) маршрутга юк ортиш учун вагонлар тўлиқ ёки қисман қўйиб берилмаганда ёхуд носоз ёки берилган юк турига мос келмайдиган вагонлар қўйиб берилганда;

2) берилган ҳисобот суткасида маршрутни ортиш учун тўлиқ бўлмаган муддатларда вагонларни қўйиб бериш, агар юк жўнатувчилар ҳисобот суткаларининг охиригача юklarини юкламаса ва темир йўлга топширмасалар.

Маршрутларга юк ортиш ишлари шохобча темир йўлларидан фойдаланиш ва вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномасида белгиланган муддатларда якунига етказилиши керак.

237. Қўйидаги ҳолларда маршрутга юк ортиш юк жўнатувчининг айби билан таъминланмаган ҳисобланади:

1) ортиш учун тайинланган мазкур суткада ва ортиш учун тўлиқ муддат билан темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан таъминланган вагонлар ортилмаган ва ҳисобот суткасининг охиригача темир йўл транспортига (ташувчига) топширилмаган маршрут;

2) юк жўнатувчи маршрутнинг календарь прогнози бўйича ортишдан бош тортса;

3) темир йўл транспортига (ташувчига) маршрут ёки маршрут ядроси мазкур Қоидаларнинг 227 ва 229-бандларида белгиланган оғирликка ёки вагонлар сонига мувофиқ бўлмаганда.

Темир йўл транспорти (ташувчи) минтақавий бўлинмасининг раҳбари билан келишилган ҳолда маршрутни етказиш манзили янгисига алмаштирилган бўлса, маршрутга юк ортиш муддатлари бузилмаган ҳисобланади.

238. Мазкур Қоидаларнинг 236 ва 237-бандларида кўрсатилган жўнатувчи маршрутларга юк ортиш таъминланмаган тақдирда, Темир йўл уставига асосан айбдор томондан бошқа томон фойдасига ҳар бир юк ортилмаган



маршрут учун жарима ундирилади, бундан ташувлар прогнози бажарилмагани учун жарима мустасно.

Маршрутларга юк ортиш прогнози бажарилмай қолишига йўл қўйилганда, маршрутларга юк ортишнинг бажарилмай қолган прогнози календарь декадаси давомида ушбу декаданинг алоҳида кунларида бажарилган ҳолларда юк жўнатувчилар ва темир йўл транспорти (ташувчи) маршрутларга юк ортиш таъминланмагани учун жарима тўловларидан озод этилади.

239. Жўнатувчи маршрутга юк ортувчи темир йўл станцияси ёки поғонасимон маршрутни шакллантирувчи темир йўл станцияси юкни тушириш ёки тарқатиш темир йўл станциясигача маршрут таркибида ёки маршрут ядросида ҳаракатланиб боровчи вагонларнинг юкхати ва йўл қайдномаларига штемпель билан қуйидаги ёзувлардан бирини киритади:

«Тўғридан-тўғри \_\_\_\_\_-сон жўнатувчи маршрут»;

«Темир йўлнинг \_\_\_\_\_ станциясига тарқатиладиган \_\_\_\_\_-сон жўнатувчи маршрут»;

«Тўғридан-тўғри \_\_\_\_\_-сон поғонасимон маршрут»;

«Темир йўлнинг \_\_\_\_\_ станциясига тарқатиладиган \_\_\_\_\_-сон поғонасимон маршрут».

### **17-боб. Майда жўнатмалар билан юкларни ташиш**

240. Ташиш учун алоҳида вагон берилиши талаб қилинмайдиган ва битта юкхати бўйича тақдим этиладиган юк партияси майда жўнатма ҳисобланади.

Майда жўнатма тарзида ташишга тақдим этилаётган юк миқдори:

ҳажми бўйича тўрт ўқли ёпиқ вагон, ярим очиқ вагон сифимининг учдан бир қисми ёки тўрт ўқли платформа майдонининг учдан бир қисмидан; оғирлиги бўйича 5000 kg дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ҳажми бўйича алоҳида вагон талаб қилинмаган ҳолларда умумий брутто оғирлиги 5000 kg дан ортиқ бўлган юк майда жўнатма сифатида ташилиши мумкин.

Майда жўнатмалар тарзидаги юкларни умумий фойдаланишда бўлмаган жойлардан тўғридан-тўғри терма вагонларда битта етказиш манзилидаги темир йўл станциясига жўнатишда юкорида кўрсатилган ҳажмдан ортиқ бўлмаган алоҳида жўнатмалар оғирлиги чегараланмайди.

Битта юкхати бўйича ташишга тақдим этилаётган юкнинг оғирлиги 80 kg дан кам бўлмаслиги керак.

241. Майда жўнатмалардаги юкларни ташишга қабул қилиш майда жўнатмалар билан ишлаш учун жиҳозланган омборларга эга бўлган темир йўл станцияларида, ҳар бир йўналиш бўйича майда жўнатмалар юк оқимларининг миқдорини ҳисобга олган ҳолда темир йўл транспорти (ташувчи) минтақавий бўлинмаси раҳбари томонидан тасдиқланадиган календарь жадвал бўйича амалга оширилади.

Бошқа юклар билан биргаликда ташишга қабул қилинмаган юклар (хавфли, бадбўй суюқликлар, ҳайвонлардан олинган хом-ашё) ҳамда оғир вазнли юклар учун қабул қилиш ва ортишда ҳар бир йўналиш бўйича махсус кунлар ўрнатилиши мумкин.

242. Майда жўнатмаларни умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда қабул қилиш ва ортиш юк жўнатувчиларнинг темир йўл станцияси бошлиғи билан келишилган декада буюртмалари ва ташишларнинг батафсил прогнози асосида амалга оширилади.

Вагонлар майда жўнатмалар билан ва вагонларга юк ортишнинг ўрнатилган техник меъёрларига мувофиқ юкланиши керак. Майда жўнатмаларни гуруҳларга ажратишда улардан энг кўп миқдордаги тўғридан-тўғри терма вагонлар шаклланиши таъминланиши керак.

243. Майда жўнатма ташишга тақдим этилишидан аввал юкни жўнатишга рухсат олиш учун тўлдирилган юкхати юк жўнатувчи томонидан темир йўл станцияси бошлиғига тақдим этилиши керак.

Майда жўнатмалар ортилишини олдиндан прогноз қилиш ва битта етказиш манзилидаги темир йўл станциясига энг кўп миқдордаги терма вагонлар шаклланишини таъминлаш учун темир йўл станцияси бошлиғи билан келишилган кунларда барча юк жўнатувчилар томонидан юкхатларини олдиндан тақдим этиш тартиби ўрнатилади.

Темир йўл станцияси бошлиғи календарь жадвал ёки қабул қилиш ва ортиш прогнози асосида юкни олиб кириш ва ортиш кунларини юкхатида кўрсатади. Йирик темир йўл станцияларида юкни темир йўл станциясига олиб кириш соатлари кўрсатилиши мумкин.

Майда жўнатмалар билан юкларни темир йўл станцияси омборларига олдиндан олиб кириш темир йўл станцияси бошлиғи билан келишув асосида амалга оширилади. Бунда, берилган йўналишнинг юкларини ортиш учун календарь жадвалида кўзда тутилган энг яқин кунга юк ортиш белгиланади ва бу ҳақда юкхатининг тегишли графасида кўрсатилади.

244. Умумий фойдаланишда бўлмаган жойлардан майда жўнатмалар ортилишини амалга оширувчи юк жўнатувчилар учун темир йўл транспорти (ташувчи) тўғридан-тўғри ва қайта юк ортиладиган вагонларни шакллантириш учун юк тушуриш ёки саралаш темир йўл станцияларини белгилайди.

Умумий фойдаланишда бўлмаган жойлардан ортиладиган майда жўнатмалар ортиш учун олдиндан тайёрланган ҳолда ташишга тақдим этилиши керак. Юк жўнатувчи томонидан мазкур Қоидаларнинг 5-бобида назарда тутилган тартибда ҳар бир юк жойи жўнатувчи ва темир йўл маркировкаси билан белгиланиши керак.

245. Юк жўнатувчилар томонидан вагонли жўнатмаларни майда жўнатмаларга тақсимлашга йўл қўйилмайди.

246. Ёпиқ терма вагонларга битта юк жойидаги оғирлиги 500 kg ошмаган юклар майда жўнатмалар билан ортилиши мумкин.

247. Оғир вазли (битта юк жойи оғирлиги 500 kg дан ортиқ ва 5000 kg гача), ўлчами бўйича ёпиқ вагонга юклаб бўлмайдиган узун ўлчамли ва йирик юкларнинг майда жўнатмалари очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташилади. Ушбу юкларнинг қадоғи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар (техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар) талабларига мос келиши ва ортиш-тушуриш ишларида механизация воситалари қўлланилишини таъминлаши керак.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар (техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар) талабларига мос келмайдиган қадокдаги юкларни майда жўнатмалар билан ташишга қабул қилишда, темир йўл станцияси бошлиғи ортиш, ташиш, саралаш ва туширишда юкнинг бутлиги тўлиқ сақланиши таъминланиши учун алоҳида детал ва узеллар қадокланишини талаб этади.

Оғир вазнли ва йирик юклар майда жўнатмалар билан биргаликда битта юкхати бўйича тақдим этилганда, юк жўнатувчилар майда жўнатмаларни оғир вазнли юклар билан бирга қадоклаши ёки уларни ташишга алоҳида юкхати билан тақдим этиши шарт.

Оғир вазнли юклар майда жўнатмалар билан ярим очиқ вагонларда ташишга қабул қилинганда, улар юк кўтариш механизмларига эга бўлган темир йўл станциялари манзилига юборилиши лозим.

248. Очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташиб бўлмайдиган, битта юк жойининг оғирлиги 500 kg дан ортиқ ва 1500 kg гача бўлган оғир вазнли юклар, шунингдек 3 m дан 5 m гача узунликдаги йирик ва узун ўлчамли юклар ёпиқ вагонларда ҳар бир алоҳида ҳолатларда темир йўл станцияси бошлиғи рухсати билан ташилиши мумкин.

249. Майда жўнатмаларни ташишда вагонга ортиладиган юк йўналиш давомида жойлашган темир йўл станцияларида алоҳида жўнатмаларни тушириш чоғида қолган юкнинг жойидан қўзғатилмаслиги таъминланган ҳолда жойлаштирилиши керак. Очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташиладиган юк СМГСнинг техник шартларига мувофиқ маҳкамланиши керак.

250. Майда жўнатмаларда хавфли, кучли таъсир этувчи захарли ва портловчи моддалар ташилишига йўл қўйилмайди.

### **18-боб. Универсал контейнерларда юкларни ташиш.**

251. Универсал контейнерлар тарага жойлаштирилган донали юклар, уй-рўзғор буюмлари ҳамда тарага жойлаштирилмаган ва қадокланмаган яроқли юкларни дастлабки қадокда ёки енгиллаштирилган тарада ташиш учун мўлжалланган контейнер тури ҳисобланади.

Универсал контейнерлар темир йўл транспортига (инфратузилма эгасига, ташувчига), юк жўнатувчиларга (юкни олувчиларга) ёки транспорт компанияларига (хусусий контейнерлар) тегишли бўлиши мумкин.

Универсал контейнерларда тез бузилувчан ва хавфли юкларни ташилиши мумкин ҳамда уларни ташиш мазкур Қоидаларнинг 19, 22-боби ва Темир йўлларда хавфли юкларни ташиш қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хусусий бўш контейнерларни ташиш ўрнатилган тарифлар асосида барча тўловлар ундирилган ва ташиш ҳужжатларининг тўлиқ тўплами расмийлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

252. Суюқ юклар универсал контейнерларда синмайдиган тарада (бочкалар, бидонлар, канистрлар ва пластик идишлар) ташилиши мумкин.

Сифими бир литрдан ортиқ бўлмаган шиша тарада ташиладиган суюқ юклар картон қутилар ва бошқа қадокларга жойлаштирилиши керак.

253. Юкларни универсал контейнерларга ортиш ва улардан тушириш юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар томонидан амалга оширилади.

Темир йўл станцияларининг умумий фойдаланишдаги жойларида универсал контейнерларни вагонлар ва юк автотранспорт воситаларига юклаш ҳамда вагонлар ва юк автотранспорт воситаларидан тушириш темир йўл транспорти (ташувчи), шунингдек бошқа юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда бу операциялар юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар томонидан амалга оширилади.

254. Универсал контейнерлардаги юклар Тариф қўлланмасига мувофиқ контейнер операцияларини бажариш учун очиқ бўлган темир йўл станциялари ўртасида ташилади.

255. Ҳар бир юкланган универсал контейнер учун юк жўнатувчи алоҳида юкхатини тузиши керак.

256. Темир йўл транспорти (ташувчи) ортиш учун соз ҳолатда бўлган, юк қолдиқлари ва чиқиндиларидан тозаланган, тақдим этилган юкни ташиш учун яроқли универсал контейнерларни қўйиб бериши шарт.

Тақдим этилган юкни ташиш учун универсал контейнерларнинг тижорат жиҳатидан яроқлилиги юк жўнатувчи томонидан белгиланади.

Юк жўнатувчи носоз универсал контейнерга юкни ортишдан бош тортиши мумкин.

257. Юкланган универсал контейнерлар темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан ташқи кўрик амалга оширилган ҳолда юк жўнатувчиларнинг аниқлаган оғирлиги ва юк жўнатувчиларнинг пломбалари билан қабул қилинади.

258. Универсал контейнерларга юкни ортишда юк жўнатувчи юкнинг спецификацияси ёки ҳисобварақ-фактурасини ҳар бир контейнер ичига жойлаштириши ва унда юк ортилган жойлар сони, ҳар бир жойдаги предметлар рўйхати, нархи ҳамда ҳар бир предметнинг вазнини кўрсатиши шарт.

Спецификация ва ҳисобварақ-фактура юк жўнатувчининг имзоси билан тасдиқланади.

259. Уй-рўзгор буюмлари универсал контейнерда ташиш учун тақдим этилганда, юк жўнатувчи универсал контейнерга жойлаштирилган барча буюмларнинг рўйхатини ҳар бир предмет учун эълон қилинган нархни ва юкнинг умумий эълон қилинган қийматини кўрсатган ҳолда юкхатига илова қилиши шарт.

Уй-рўзгор буюмларининг рўйхати темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан ўрнатилган шаклда ҳар бир универсал контейнер учун уч нусхада тузилади ва темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходими имзолари, шунингдек жўнатиш темир йўл станциясининг календарь штемпели билан тасдиқланади.

Уй-рўзгор буюмларининг рўйхати универсал контейнерга жойлаштирилган буюмлар билан солиштирилганидан сўнг ушбу рўйхатнинг бир нусхаси универсал контейнерга жойлаштирилади, иккинчиси юк жўнатувчига берилади, учинчиси эса жўнатувчи темир йўл станцияси йиғмажилдларида қола-

ди. Универсал контейнер юк жўнатувчи иштирокида темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан пломбаланади.

260. Юкларни универсал контейнерга жойлаштиришда универсал контейнер полига тушувчи оғирлик ва унинг деворларига тушувчи босим тенг тақсимланган бўлиши керак.

Универсал контейнер эшиклари осон ёпилиши ва очилиши керак ҳамда юкни жойлаштиришда юк ва универсал контейнер девори орасида 3 дан 5 см гача бўш жой қолдирилиши керак. Юкни универсал контейнер эшигига тақаб жойлаштириш тақиқланади. Юкларни ёки уларни маҳкамлаш мосламаларини михлар ва скобалар билан универсал контейнернинг деворлари, поли ва томига қоқиш тақиқланади.

Универсал контейнер ичига жойлаштирилган предметларнинг бузилиши ва синиши ҳамда универсал контейнернинг ўзи шикастланиши ва бузилиши учун барча жавобгарлик юк жўнатувчи зиммасига юклатилади, агар бу ҳолат универсал контейнерларга жойлаштирилган предметларнинг силжиши натижасида содир бўлган бўлса.

Универсал контейнер темир йўл транспорти (ташувчи) ҳудуди, шунингдек бошқа юридик шахслар ҳудудидан олиб чиқилган вақтдан қайтарилгунига қадар, универсал контейнер ташқи ва ички томонининг бут сақланганлиги учун жавобгарлик юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар зиммасига юклатилади.

261. Универсал контейнер юк жўнатувчи томонидан юкни кўтариш қобилияти доирасида сифими тўлгунча ва универсал контейнер ичидаги юклар силжиши эҳтимолини истисно этадиган зичликда юкланиши керак.

262. Юк жўнатувчига (юкни олувчига) ҳужжатларни расмийлаштириш, универсал контейнерни ўз воситалари билан олиб кириш (олиб чиқиш), юкни ортиш (тушириш) ва универсал контейнерни темир йўл транспортига (инфратузилма эгасига, ташувчига) қайтариш учун юкни олувчининг (юк жўнатувчининг) юк келганлиги ёки юклаш учун бўш контейнер берилганлиги тўғрисидаги хабарнома юборилган пайтдан бошлаб 12 соат вақт берилади.

Ўрнатилган вақт меъёрлари юкни олувчиларга (юк жўнатувчиларга) эълон қилиниши керак.

Универсал контейнерларни марказлашган ҳолда олиб кириш ва юкни автотранспорт воситаларида олиб чиқишда транспорт-экспедиторлик хизматларини амалга оширувчи ташкилотлар учун кўрсатилган операцияларнинг вақт меъёрлари автотранспорт ташкилоти ва темир йўл (инфратузилма эгаси, ташувчиси) ўртасида тузилган шартномалар асосида ўрнатилиб, ҳар бир контейнер учун 12 соатдан ошмаслиги керак. Бунда, универсал контейнерларни олиб кириш ва олиб чиқиш ҳужжатлари темир йўл транспорти (инфратузилма эгаси, ташувчиси) томонидан тақдим этилган вақт хабарнома бериш вақти деб ҳисобланади.

Темир йўл транспортига (инфратузилма эгаси, ташувчига) тегишли бўлмаган универсал контейнерга юкланган юкни темир йўл транспорти (ташувчи) юкни олувчига топширгандан сўнг ушбу универсал контейнер бўш ҳолида қайтарилиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

263. Умумий фойдаланишда бўлмаган рельсолди контейнер майдончаларида универсал контейнерлар туриш вақтининг меъёри темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш шартномаларида ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаларида назарда тутилиб, универсал контейнерларни вагонларда қўйиб бериш вақтидан эътиборан 12 соатдан ошмаслиги керак.

264. Ўрнатилган меъёрлардан ортиқ вақт давомида универсал контейнер ушланиб қолганда, юк жўнатувчи ва юкни олувчи ташкилотлар ҳамда транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатувчи автотранспорт ташкилотлари юк жўнатувчи (юкни олувчи) ёки темир йўл транспорти (ташувчи) билан тузилган шартномалар бўйича Темир йўл уставига мувофиқ жавобгар бўлади.

Умумий фойдаланишда бўлмаган контейнер майдончаларига универсал контейнерларни қўйиб беришда юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар универсал контейнерлар қўйиб берилган вагонларнинг туриб қолиши учун ҳам Темир йўл уставига мувофиқ жавобгар бўлади.

Юкларни (шу жумладан уй-рўзғор буюмлари ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган юклар) сақлаш учун тўловлар шартнома бўйича ундирилади.

265. Юк ортиш-тушириш операцияларини амалга ошириш учун олиб килинган универсал контейнерларнинг умумий фойдаланишда бўлмаган контейнер майдончаларида, юк жўнатувчи ёки юкни олувчиларнинг омборларида, шунингдек транспорт-экспедиторлик хизматларини бажарувчи автотранспорт ташкилотларида туриш вақти вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш қайдномалари ёки мазкур Қоидаларнинг 29, 30 ва 31-иловаларида\* белгиланган шаклдаги нарядлар бўйича ҳисобга олинади.

266. Юк жўнатувчининг шикастланмаган пломбалари билан соз ҳолатдаги универсал контейнерда етказилган юклар оғирлиги, юк жойларининг ҳолати ва сони текширилмасдан темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юкни олувчига топширилади.

Етказиш манзилидаги темир йўл станциясига юк носоз контейнерда, шунингдек пломбаларсиз, носоз пломбалар ёки йўналиш давомидаги темир йўл станцияси пломбаси билан келган тақдирда, темир йўл транспорти (ташувчи) контейнерни очиши, юкнинг оғирлиги, ҳолати, юк жойлари сонини текшириши ҳамда тижорат далолатномаси ёки умумий шаклдаги далолатномани тузиши шарт. Юк текширилгандан сўнг темир йўл (инфратузилма эгаси, ташувчиси) универсал контейнерни ўз пломбаси билан пломбалайди.

267. Юк туширилганидан сўнг универсал контейнерларни тозалаш юкни олувчи томонидан амалга оширилади.

268. Очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида универсал контейнерларни ташиш СМГСнинг техник шартларида келтирилган схемаларга мувофиқ ҳамда ҳаракатланиш маршрути бўйича сараланган ҳолда амалга оширилади.

Маршрутда уч тоннали универсал контейнерларнинг ҳар бир жуфти битта беш тоннали универсал контейнерга алмаштирилиши мумкин. Бунда, юк ортилган универсал контейнерли маршрутда бўш контейнерларни юклашга рухсат этилади.

269. Темир йўл транспортининг (ташувчининг) бўш контейнерларни та-

\* 29 — 31-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шиш, улар ички қатновда ҳаракатланганда, тариф тўловисиз тўлиқ ташиш ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

270. Йўл давомида универсал контейнерларнинг силжишини олдини олиш учун улар чиқинди, ифлослик, муз ва қордан тозаланган платформаларга, қишда эса 1 — 2 мм қалинликдаги тоза қуруқ қум сепилган полга юкланиши керак. Бунда, платформаларга ортишдан аввал универсал контейнерларнинг таянч юзалари (туби) ифлослик, муз ва қордан яхшилаб тозаланади.

Умумий фойдаланишда бўлмаган рельсолди майдончаларида платформа ва универсал контейнерларни тозалаш юк жўнатувчилар томонидан амалга оширилади.

271. Темир йўл транспорти (ташувчи) билан келишув бўйича омборларда юк ортиш-тушириш механизмлари, универсал контейнерлар учун қаттик қопламали майдонлар, автотранспорт воситалари учун кириш йўллари ва зарур хизмат хоналари мавжудлиги шарти билан универсал контейнерларни алмаштириш паркига эга бўлган контейнер пунктлари юк жўнатувчиларнинг (юкни олувчиларнинг) омборларида (шу жумладан рельсолди омборларида) муайян муддатга очилиши мумкин.

272. Универсал контейнерларни ташиш учун очиқ бўлмаган темир йўл станцияларида юкларни ортиш ёки тушириш универсал контейнерлар темир йўл платформаларидан туширилмаган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу темир йўл станцияларида универсал контейнерли платформаларни жойлаштиришда автотранспорт воситалари учун кириш йўлларига эга бўлган ортиш-тушириш темир йўл йўлларидан фойдаланиш мумкин.

Эшиклари ташқарига қаратилган универсал контейнерли платформалар фақат битта темир йўл станциясига ва битта ёки бир нечта юкни олувчилар манзилига юборилиши учун шакллантирилиши мумкин.

273. Эшиклари ташқарига қаратилган универсал контейнерларга юкларни ортиш ва тушириш ишлари юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир юкни олувчига унинг номига келган барча универсал контейнерлардан юкни тушириш ва ортиш учун юкни олувчига юк келганлиги тўғрисида хабарнома юборилган вақтдан бошлаб 4 соат вақт берилади. Универсал контейнерларга юк ортиш вақти учун ҳам 4 соат вақт берилади.

274. Темир йўл станциясининг контейнерлар майдонидан юк ортилган универсал контейнерларни олиб чиқиш ва уларни юк автотранспорт воситаларида юкни олувчининг омборига юк тушириш учун етказиш ёки юк жўнатувчининг омборидан юк ортилган контейнерларни темир йўл станциясининг контейнерлар майдонига автотранспорт ташкилотлари иштирокида белгиланган манзилга жўнатиш учун етказиш темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходими томонидан ёзиб бериладиган мазкур Қоидаларнинг 29 ва 30-иловаларидаги нарядлар бўйича амалга оширилади.

Ушбу нарядлар бўйича универсал контейнерларни олиб чиқиш ва олиб кириш темир йўл транспорти (ташувчи) транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш учун шартнома тузган автотранспорт ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

275. Юкни олувчига юк ортилган контейнерни етказиб бериш ҳақидаги мазкур Қоидаларнинг 29-иловасига мувофиқ шаклдаги наряд тўрт нусхада тузилади, биринчи, иккинчи ва учинчи нусхалар — нарядлар, тўртинчи нусха — наряд корешоги. Наряд рақами остида юк туширишларнинг ҳисоби юритилувчи темир йўл транспорти (ташувчи) раҳбари томонидан белгиланган шаклдаги алоҳида китоб бўйича тартиб рақам кўрсатилади.

Наряднинг барча нусхалари экспедиторга ёки юк автотранспорт воситаси ҳайдовчисига (ҳайдовчи-экспедитор) берилади, корешок эса темир йўл транспортида (ташувчида) қолади.

Экспедитор юк автотранспорт воситаси ҳайдовчиси (ҳайдовчи-экспедитор) юкланган контейнерни юкни олувчига етказиб бериш учун юкхати билан қабул қилиб олганлиги тўғрисида корешокка имзо қўяди. Темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходими наряд ва юкхати тақдим этилганда, экспедиторга, автотранспорт воситаси ҳайдовчисига (ҳайдовчи-экспедитор) универсал контейнерни топширади.

Номига универсал контейнер келган юкни олувчи учта наряднинг орқа томонидаги тегишли графаларга ўзининг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, юк автотранспорт воситасининг келган вақти (соат, дақиқалар) ва универсал контейнердан юк туширилгандан сўнг жўнаб кетган вақти, санани (йил, кун, ой) ва ташкилотнинг штемпели билан тасдиқланувчи имзосини қўяди.

Экспедитор, юк автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси (ҳайдовчи-экспедитор) расмийлаштирилган наряднинг иккинчи нусхасини товар идорасига (кассага) қайтаради, наряднинг биринчи нусхаси ва наряд дубликатини автотранспорт ташкилотига топширади.

Бунда, нарядлар тегишли йўл варақларига мувофиқлаштирилади ва транспорт ишлари ҳисобини юритиш ва ҳайдовчининг ойлик маошини ҳисоблаш учун асос бўлади, нарядларнинг дубликатлари эса автотранспорт ташкилотининг ҳисоблари билан бирга темир йўл транспортига (ташувчига) тақдим этилади.

276. Юкланган универсал контейнерни юк жўнатувчидан темир йўл транспортининг (ташувчининг) универсал контейнер ташувлари билан шуғулланувчи корхонаси контейнер майдончасига етказиб бериш ҳақидаги мазкур Қоидаларнинг 30-иловасига мувофиқ шаклдаги наряд тўрт нусхада тузилади, биринчи нусхаси — наряд, иккинчиси — наряд дубликати, учинчиси — наряд дубликати нусхаси ва тўртинчиси — наряд корешоги. Наряд рақами остида, юкларни жўнатиш учун қабул қилишнинг белгиланган шаклдаги алоҳида китоби бўйича тартиб рақам кўрсатилади.

Наряд, наряд дубликати ва дубликат нусхаси экспедиторга, юк автотранспорт воситаси ҳайдовчисига (ҳайдовчи-экспедиторга) топширилади, корешок эса товар идорасида (кассада) қолади. Экспедитор, юк автотранспорт воситаси ҳайдовчиси (ҳайдовчи-экспедитор) наряднинг биринчи учта нусхасини ва юк ортилган универсал контейнерни белгиланган манзил бўйича ташиш учун виза қўйилган юкхатини олганлиги тўғрисида корешокка имзо қўяди.

277. Юк эгалари билан тузилган шартномалар асосида транспорт-экспе-



диторлик хизматларини кўрсатишни амалга оширувчи автотранспорт ташкилоти ёки юк эгалари кучи ва воситалари билан темир йўл станцияларига универсал контейнерларни олиб кириш ва олиб чиқиш мазкур Қоидаларнинг 31-иловасига мувофиқ шаклдаги нарядлар асосида амалга оширилади.

Юк ортиш ёки тушириш учун универсал контейнерларни олиб киришга наряд уч нусхада ёзилади.

Наряд рақами остида юкларни қабул қилиш ва топшириш ҳисоби юритилувчи белгиланган шаклдаги алоҳида китоб бўйича тартиб рақам кўрсатилади.

Наряднинг иккита нусхаси контейнер билан бирга юк эгасига ёки автотранспорт ташкилоти экспедиторига топширилади, наряднинг бир нусхаси эса темир йўл транспортида (ташувчида) қолади.

Юк ортишда ёки бўш контейнерни топширишда, бўш ёки юк ортилган контейнерни қайтаришда темир йўл транспортининг (ташувчисининг) ваколатли ходими наряднинг тегишли графаларида контейнерни топшириш ҳамда қайтариш санаси ва вақтини кўрсатади. Кўрсатилган белгилар темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходими ва юк эгасининг (экспедиторнинг) имзоси билан тасдиқланади.

### **19-боб. Юк жўнатувчилар ва юкни олувчиларнинг ихтисослаштирилган контейнерларида юкларни ташиш**

278. Ихтисослаштирилган контейнерлар юк жўнатувчилар ва юкни олувчиларга тегишли бўлиб, транспортда ташиш чоғида алоҳида шарт-шароитларга риоя этилишини талаб этувчи муайян турдаги юкларни темир йўлда ташиш учун мўлжалланган бўлади.

279. Ихтисослаштирилган контейнерларда қўйидаги тегишли белгилар ва ёзувлар акс эттирилади:

- 1) контейнер тегишли бўлган ташкилотнинг шартли (қисқартирилган) номи;
- 2) контейнернинг рақами;
- 3) килограмларда тара оғирлиги, нетто оғирлиги (юк кўтариши) ва брутто оғирлиги;
- 4) контейнернинг ички ҳажми (кубометрда);
- 5) ишлаб чиқарилган жойи, йили ва ойи;
- 6) охирги капитал таъмирлаш жойи, йили ва ойи.

280. Ихтисослаштирилган контейнерларни ҳаракатдаги темир йўл таркибига ортиш ва тушириш умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда амалга оширилади.

281. Ихтисослаштирилган контейнерларни платформаларда ёки ярим очик вагонларда ташиш комплектларда СМГСнинг техник шартларига мувофиқ ихтисослаштирилган контейнернинг ҳар бир тури учун юк жўнатувчи томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган юкларни ортиш ва маҳкамлашнинг маҳаллий техник шартларида кўзда тутилган схемалар бўйича жойлаштириш йўли билан амалга оширилади.

282. Ҳар бир ихтисослаштирилган контейнер учун юк жўнатувчи бит-

та юкхати тузади. Бўш контейнерни ташишда юкхатининг «Юкнинг номи» графасида «ихтисослаштирилган бўш контейнер», «Юкнинг юк жўнатувчи томонидан белгиланган оғирлиги, килограмм» графасида эса трафаретга кўра контейнер тарасининг оғирлиги кўрсатилади.

283. Ихтисослаштирилган контейнерлар пломбаланган ёпиқ вагонларда ташилганда, ушбу контейнерлар юк жўнатувчилар томонидан пломбалади.

284. Юкларни ихтисослаштирилган контейнерларда ташиш учун қабул қилиш юк жўнатувчиларнинг оғирлиги ва пломбаси билан ташқи томондан кўрикдан ўтказиш асосида темир йўл транспорти (ташувчи) томондан амалга оширилади. Очiq ҳаракатдаги темир йўл таркибида ихтисослаштирилган контейнерларни ортиш (жойлаштириш) ва маҳкамлашнинг тўғрилиги СМГСнинг техник шартларига мувофиқ темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан текширилади.

285. Ўтказиш манзилидаги темир йўл станцияларига юк жўнатувчининг шикастланмаган пломбалари билан соз ҳолатдаги ихтисослаштирилган контейнерларда ёки юкнинг йўқолиши кузатилмаётган пломбаланмаган контейнерларда келган юклар оғирлиги, ҳолати ва юк жойларининг сони текширилмаган ҳолда контейнерлар ва пломбаларни ташқи кўрикдан ўтказиш йўли билан юкни олувчига топширилади.

286. Конструкция ва параметрлари бўйича темир йўл транспортининг (ташувчининг) универсал контейнерлари конструкцияси ва параметрлари билан мос келадиган ихтисослаштирилган контейнерларни универсал контейнерлар билан биргаликда (темир йўл транспорти ва ташувчи билан келишган ҳолда) ташилиши мумкин. Бунда, ихтисослаштирилган контейнерлар умумий фойдаланишдаги контейнерлар майдонларида ортилиши ва туширилиши лозим.

Контейнерларни қабул қилиш ва топшириш, уларни умумий фойдаланишдаги жойларда платформаларга ёки ярим очiq вагонларга ортиш ва тушириш, шунингдек ортиш-тушириш операциялари учун тўловларни ундириш универсал контейнерлар учун белгиланган тартибда ва миқдорларда темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан амалга оширилади.

Темир йўл транспортининг (ташувчининг) универсал контейнерлари билан биргаликда ташилаётган ҳаракатдаги темир йўл таркибидаги ихтисослаштирилган контейнер алоҳида юкхати асосида ташишга қабул қилинади. Юкхатини расмийлаштиришда бланка юқори қисмида «Ихтисослаштирилган контейнер» ёзуви акс этирилади ёки штемпель қўйилади.

287. Техник ёки тижорат носозликларига эга бўлган ихтисослаштирилган контейнерларга юкларни ортишга рухсат берилмайди.

Ихтисослаштирилган контейнерлар контейнерлар эгалари томонидан таъмирланади.

288. Ихтисослаштирилган контейнерларда хавфли юкларни ташишда юк жўнатувчи контейнер деворларига (ташқи томондан) тегишли белгиларни ёпиштириши, юкхатларида эса юкнинг хавфлилиги тўғрисида Темир йўлларда хавфли юкларни ташиш қоидаларида кўзда тутилган тегишли штемпелларни қўйиши шарт.

289. Ихтисослаштирилган бўш контейнерларни эгаларига (юк жўнатув-

чи ёки юкни олувчиларга) қайтариш тартиби ва муддатлари ҳамда улар ўз вақтида қайтарилмаганлиги ва шикастланиши учун жавобгарлик ихтисослаштирилган контейнер эгалари ва юк жўнатувчилар ёки юкни олувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида ўрнатилади.

Ташишга қабул қилинган юк ортилган ёки бўш ихтисослаштирилган контейнерлар темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан мазкур Қоидаларнинг 26-бобида белгиланган муддатларда юкни олувчига етказилади.

290. Юк кўтариш қобилияти 1,5 тоннадан ортиқ бўлмаган ихтисослаштирилган контейнерлар умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда вагонларга тўлиқ комплектлар билан ортилганда, улар ёпиқ вагонларда ташилиши мумкин. Юкли ихтисослаштирилган контейнерлар ортилган ёпиқ вагонлар юк жўнатувчининг пломбалари билан пломбаланади ҳамда контейнерлар пломбаланмаслиги мумкин.

## **20-боб. Транспорт пакетларида юкларни ташиш**

291. Ўлчамлари ва хусусиятларига кўра транспорт пакетларига жойлаштирилиши мумкин бўлган юклар юк жўнатувчи томонидан вагон ва контейнерларда ташиш учун пакетланган кўринишда тақдим этилиши шарт.

Транспорт пакети ташиш ва сақлаш жараёнида тара ёки тарасиз, поддонларда ёки уларсиз, универсал ёки махсус, бир марталик ёки кўп марталик пакетлаш воситалари ёрдамида ўзаро маҳкамланган алоҳида жойларда шакллантирилувчи:

1) вилкали юклагичлар, кранлар ва юк кўтариш-транспорт машиналари ёрдамида юк ортишнинг (тушириш) механизациялашган имконияти;

2) транспорт пакетларининг бутлиги;

3) юкларнинг бутлиги;

4) транспортда, омборда ва юк ортиш-тушириш ишларини бажарувчи ишчиларнинг хавфсизлиги;

5) ёпиқ вагон ва контейнерларнинг юк кўтариш (сигими) имкониятидан тўлиқ фойдаланиш, очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташишда эса юклаш габаритидан тўлиқ фойдаланиш;

6) поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи йириклаштирилган юк жойи ҳисобланади.

292. Юкларни транспорт пакетларига маҳкамлаш воситалари юк жўнатувчининг назорат белгиларига эга бўлиши ҳамда маҳкамлаш воситалари ва назорат белгиларини бузмаган ҳолда айрим юк жойларини пакетдан чиқариб олиш имкониятини истисно этиши керак. Назорат белгилари бу юк жўнатувчи номи кўрсатилган пломба, қулфга маҳкамланган назорат лентаси, сиқилувчан плёнка ҳисобланади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган ҳолда шакллантирилган транспорт пакетларида юкларни ташишга тақдим этиш тақиқланади.

293. Юкларни пакетлаш уларни ташишга тақдим қилишдан олдин юк жўнатувчиларнинг кучи ва воситалари билан амалга оширилади. Пакетланган юклар йўл давомида юк жўнатувчиларнинг омборидан темир йўл стан-

циясигача ва темир йўл станциясидан юкни олувчининг омборигача пакет қайта шакллантирилмаган ҳолда транспортда ташилади.

294. Юк жўнатувчи транспорт пакетларини юкнинг бутлигини таъминлайдиган ҳолда шакллантириши шарт. Ҳар бир транспорт пакетига битта юкни олувчининг манзилига етказиладиган фақат турдош юклар бир хил қадоқда ёки қадоқсиз ҳолда жойлаштирилиши мумкин.

Пакетдаги юк жойлари сони транспорт пакетига кўрсатилади.

295. Хавфли ва ўзига хос хидли юкларни пакетлаш учун кўп марталик пакетлаш воситаларидан фойдаланиш тақиқланади. Мазкур юклар учун ишлатилган пакетлаш воситалари ташишдан кейин тозаланиб, санитария жиҳатидан ишлов берилгандан ёки зарарсизлантирилгандан сўнг қабул қилинади.

Стандарт кўп марталик поддонларда юк ёки поддонга шикаст етказиши мумкин бўлган миҳлар, скобалар ёки бошқа воситалар билан юкларни маҳкамлашга йўл қўйилмайди.

296. Юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар омборларида ортиладиган ва тушириладиган, ёпиқ ва изотермик вагонларда йўл давомида қайта юкланмасдан ташиладиган транспорт пакетлари вагонда гуруҳли маҳкамлаш воситалари ёрдамида маҳкамланиши мумкин.

297. Ёпиқ вагонларда ташишда 800x1200 mm ўлчамли кўп марталик поддондаги юклардан шакллантирилган транспорт пакети параметрлари 840 x 1240 mm дан ошмаслиги керак.

Юк жўнатувчи белгиланган талабларга жавоб бермайдиган пакетлаш воситалари қўлланилиши натижасида юзага келган оқибатлар учун жавобгар бўлади.

298. Ёпиқ ва изотермик вагонлар ҳамда контейнерларда ташишга тақдим этилаётган транспорт пакетининг оғирлиги (юкнинг пакетлаш воситалари билан биргаликдаги оғирлиги) бир тоннадан ортиқ бўлмаслиги керак. Очик ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташишга тақдим этилаётган транспорт пакетининг оғирлиги:

1) темир йўл станцияларининг умумий фойдаланишдаги жойларида туширишда — темир йўл станцияларида мавжуд бўлган ортиш-тушириш механизмларининг юк кўтариш имкониятидан;

2) умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда туширишда — юкни олувчи билан келишилган оғирликдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Транспорт пакетининг оғирлиги у ташишга тақдим этилишидан аввал ҳар бир пакетда брутто ва нетто оғирлиги кўрсатилган ҳолда белгиланади.

Умумий фойдаланишдаги жойларда ортиш-тушириш механизмларини қўллаган ҳолда юкларни ортиш-тушириш учун юк кўтариш қобилияти кўрсатилган темир йўл станцияларининг рўйхати Тариф қўлланмасида белгиланади.

299. Транспорт пакетларида мазкур Қоидаларнинг 5-боби талабларига риоя этган ҳолда маркировка акс эттирилиши лозим. Пакетдаги юк жойларининг сонини юк жўнатувчи аниқлайди ва кўрсатади.

300. Транспорт пакетларини вагонга ва контейнерга жойлаштириш ва

маҳкамлаш СМГСнинг техник шартларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Бунда, транспорт пакетлари ёпиқ ва изотермик вагонларнинг эшиклари ўртасида ҳар қайси эшикдан механизациялаштирилган усулда тушириш таъминланадиган ҳолда жойлаштирилиши керак.

Маҳаллий техник шартларга кўра алоҳида транспорт пакетлари учун очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида жойлаштириш ва маҳкамлаш усуллари кўзда тутилмаган бўлса, юк жўнатувчи кўрсатилган усулни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш учун темир йўл транспортига (ташувчига) тақдим этиши шарт.

301. Юк жўнатувчи ташиш ҳужжатларини тўлдиришда юкхати, йўл қайдномаси, йўл қайдномасининг корешоги ва юкни қабул қилиш квитанциясининг тегишли графаларида қуйидагиларни кўрсатади:

1) «Жойлар сони» графасида: суратда — транспорт пакетлари сони, махражда — транспорт пакетларидаги юк жойларининг умумий сони (жойларни ҳисоблаш йўли билан ташишга қабул қилинаётган юклар бўйича);

2) юк номи остида — «пакет» (штемпель билан), пакетлаш воситаларини (поддонлар, строплар) қўллаш йўли билан шакллантирилган транспорт пакетларида юк ташиш чоғида эса вагонга юкланган пакетлаш воситаларининг тури ва сони;

3) «Юк оғирлиги» графасида — юкнинг брутто оғирлиги (пакетлаш воситалари билан бирга);

4) поддонларни қўллаш билан шакллантирилган транспорт пакетларида юкларни майда жўнатмалар билан ташишда юкхатининг «Юк оғирлиги» графасида суратда — транспорт пакетининг брутто оғирлиги, махражда — транспорт пакетининг нетто оғирлиги (транспорт пакетининг оғирлиги поддон оғирлиги ҳисобга олинмасдан);

5) юкхатининг 4-графасида вагонга юкланган пакетлаш воситаларининг тури ва сони.

302. Транспорт пакетларига шакллантирилган юкларни қабул қилиш ва топшириш ҳамда транспорт пакетларидаги юк вазнини аниқлаш мазкур Қоидаларнинг 5 ва 8-бобларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда, темир йўл транспорти (ташувчи) умумий фойдаланишдаги жойларда транспорт пакетларидаги юкларни фақат ташқи кўрикдан ўтказиб, транспорт пакетидаги юк миқдорини текширмасдан қабул қилади. Транспорт пакетларидаги юкларни топшириш шу тартибда амалга оширилади.

303. Ётказиш манзилидаги темир йўл станциясида темир йўл транспорти (ташувчи) воситалари билан туширилган шикастланган транспорт пакетлари аниқланганда, темир йўл станцияси транспорт пакетининг ичидаги нарсаларини, шикастланган жойларда эса ҳисобварақ-фактуралар бўйича юкнинг сони, оғирлиги ва ҳолатини текшириши шарт. Текширув натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

304. Юкларни пакетлаш учун қўлланилаётган поддонлар, строплар ва пакетлаш воситалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар (техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар) талабларига мос бўлиши керак.

305. Етказиш манзилидаги темир йўл станциясида поддонлар юкни олувчига юк билан бирга топширилади.

Юкланган ҳолатдаги носоз поддонлар, агар поддонлар носозлиги юкнинг бутлигига, юк ва транспорт операциялари хавфсизлигига таъсир қилмаган бўлса, юкни олувчи томонидан тўсқинликларсиз қабул қилинади.

306. Пакетлаш воситалари вагонли ва майда жўнатмалар билан тақдим этилишига кўра ташиш ҳужжатлари бўйича тариф тўлови амалга оширилган ҳолда ташиш учун қабул қилинади.

307. Пакетлаш воситаларининг техник назорати, таъмири, мустаҳкамлигини синаш ишлари уларнинг эгалари томонидан бажарилади.

### 21-боб. Музловчи юкларни ташиш

308. Музловчи юкларга тўкилган ва уюлган ҳолда ташиладиган, йилнинг совуқ мавсумида (ҳаво ҳарорати 0 °C даражадан паст бўлганда) юк зарралари музлаб ўзаро жипслашиб қолиши ҳамда вагон поли ва деворларига музлаб ёпишиб қолиши оқибатида одатдаги сочилувчан хусусиятларини йўқотадиган ва мазкур Қоидаларнинг 32-иловасида\* кўрсатилган юклар киради.

309. Йилнинг совуқ мавсуми келгунига қадар юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар музловчи юкларни ташиш бўйича тегишли тайёргарликларни кўриши керак. Тайёргарлик кўриш чоғида музловчи юкларни ортиш пунктларида профилактика воситаларининг зарур захиралари яратилиши, тўкилган ва уюлган ҳолда ташиладиган юкларни ва вагон кузовларини ортиш вақтида профилактика амалга оширилиши учун қурилмалар, шунингдек юк тушириш жойларида музлаб қолган юкларнинг сочилувчанлигини тиклаш учун механизм ва мосламалар таъмирланиши кўзда тутилиши керак.

310. Юк жўнатувчи юкларни йилнинг совуқ мавсумида вагонларга ортишда тегишли профилактика воситаларини қўллаган ҳолда юкнинг музлаб бир бирига ёпишиб қолишини ҳамда вагон поли ва деворларига ёпишиб қолишини олдини олиш чораларини кўриши лозим.

Юк музлашига қарши профилактиканинг аниқ воситаларини (аралашмалар, қўшимчалар, моддалар, қопламалар) қўллаш юк жўнатувчи томонидан юкнинг тури, уни тушириш технологияси ва кейинчалик истеъмолчи томонидан ишлатилиши ёки қайта ишлов берилишига қараб амалга оширилади. Бунда, фойдаланиш учун танланган профилактика воситалари табиий атроф муҳитга, ҳаракатланувчи темир йўл таркибига, шунингдек ташилаётган юкнинг сифати ва хусусиятларига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.

Коррозияга сабаб бўлувчи хусусиятларга эга бўлган ҳамда ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл ҳолатига, шунингдек табиий атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган тузлардан (натрий, калий хлорид ва бошқа) фойдаланишга йўл қўйилмайди.

311. Тўкилган ёки уюлган ҳолда ташиладиган юкларни музлаб қолишдан сақлаш бўйича профилактика чоралари йилнинг 1 декабридан 1 мартга қадар амалга оширилади. Ушбу муддат иқлим шароитларидан келиб чиққан

\* 32-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳолда музловчи юкни олувчиларнинг илтимосига биноан темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан ўзгартирилиши мумкин

Қўлланилган профилактика воситалари етарлича самара бермаган ҳолатларда, юкни олувчи юк тушириш пунктида юкни тушириш имкониятини таъминловчи чораларни (масалан, юкнинг сочилувчанлигини тиклаш) кўриши шарт.

312. Юк жўнатувчи музлаб қоладиган юкларни ташиш учун такдим этганда, юкхатининг асл нусхасидаги «Юк жўнатувчининг алоҳида маълумотлари ва белгилари» графасида юкнинг намлик фоизи ва музлашнинг олдини олиш бўйича қўлланилган чораларни кўрсатади. Бунда, юк жўнатувчи юкхатининг «Юкнинг номи» графасида «Музлаш хусусиятига эга» штемпелини кўйиши шарт.

Тупроқ, лой, кум, майда тош ва шағал юклашда уларнинг намлиги тўғрисида маълумотларни юкхатида кўрсатиш шарт эмас.

313. Музловчи юкларни профилактика воситаларини қўлламасдан ташиш учун юкни олувчининг розилиги юк жўнатувчида мавжуд бўлса, темир йўл станцияси бундай юкларни ташишга қабул қилади. Бунда, юкхатининг «Юк жўнатувчининг аризаси ва белгилари» графасида «Юкни олувчи розилиги билан — профилактикаси» ёзуви қайд этилади.

314. Юк жўнатувчи томонидан юк ортишда музлашнинг олдини олиш бўйича кўрилган профилактик чоралар ёки юкни олувчининг профилактика воситаларини қўлламаган ҳолда юкни ташиш учун розилиги ҳақида юкхатида кўрсатилмаган бўлса, шунингдек юкдан вагон тормоз қисмларининг музлашига олиб келадиган миқдорда намлик ажраладиган ҳолларда темир йўл транспорти музловчи юкларни ташишга қабул қилишни рад этиши мумкин.

315. Юк музлаган ҳолатда етиб келган тақдирда, темир йўл станциясининг ваколатли ходими юкни олувчининг иштирокида умумий шаклда далолатнома тузади. Далолатномада юк музлаган ҳолда келганлиги факти тасдиқланади, юкни олувчи томонидан вагонлардан юкни тушириш учун кўрилган чоралар ва юкни тушириш учун сарфланган вақт кўрсатилади.

Музлаган юк темир йўл транспорти (ташувчи) айби билан кечикиб етказилганда юкни олувчига бундай юкни тушириш учун қўшимча вақт берилади. Қўшимча вақт мазкур юкни механизациялашмаган усулда тушириш учун белгиланган муддатнинг бир ярим бараваридан ошмаслиги керак.

## **22-боб. Тез бузилувчан юкларни ташиш**

### **1-§. Умумий шартлар**

316. Ташиш вақтида атмосфера ҳавосининг юқори ёки паст ҳароратлари таъсиридан ҳимоя қилишни, йўл давомида кузатиб бориш ёки махсус хизмат кўрсатишни талаб этадиган юклар тез бузилувчан юклар сарасига киради.

Тез бузилувчан юклар уларга термик ва технологик жиҳатдан ишлов берилишидан ҳамда йил давридан келиб чиққан ҳолда мазкур Қоидаларнинг 34-иловасида\* белгиланган муддатларда ташилади.

\* 34-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

317. Тез бузилувчан юклар изотермик вагонларда (рефрижераторли вагонлар, термос-вагонлар, автоном рефрижераторли вагонлар (АРВ), вагонцистерналар, вино ва вино маҳсулотларини ташиш учун цистерна-термослар), универсал ёпиқ вагонлар, кузови иситиш мосламалари билан жиҳозланган ёпиқ вагонлар (КРУ), рефрижераторли ва универсал контейнерларда ташилади.

Рефрижератор секциялари ва автоном рефрижераторли вагонлардан (АРВ) биринчи навбатда тез бузилувчан юкларни узоқ масофаларга ташиш учун фойдаланилади.

Вагонларга ортишдан олдин термик жиҳатдан тайёрланган (музлатилган, совутилган, иситилган) тез бузилувчан юкларни ташиш учун термос-вагонлардан фойдаланилади.

Термик жиҳатдан тайёрланмаган тез бузилувчан юкларни ва ўзидан биологик иссиқлик ажратадиган (янги узилган мева-сабзавотлар ва картошка), шунингдек сақланиши 10 суткадан кам бўлган муддатни ташкил этган юкларни термос-вагонларда ташиш тақиқланади.

318. Ташишга тақдим этилаётган тез бузилувчан юклар мазкур Қоидаларнинг 5-бобида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Юклар ёғоч, тахта ва картондан қилинган ёпиқ қутилар, шунингдек лоток-қутилар, бочкалар, қоплар, тўрлар, бидонлар, флягалар, барабанлар, ихтисослашган тираб қўйиладиган поддонларда ташилади. Кўрсатилган тараф соз ҳолатда, мустақкам, тоза ва оқиб кетиш изларисиз бўлиши, юкни механизациялашган усулда ортиш, тушириш ва тахлаб жойлаштириш имкониятини таъминлаши керак.

Совутилган, бир оз музлатилган ва музлатилган гўштни (сўйилган мол гўштининг бутун қисми, ярими, чорак қисми) қадоқсиз ташишга рухсат берилади.

319. Темир йўл транспорти (ташувчи) юкларнинг тарасини (қадоғини) ушбу турдаги тара (қадоқлар) учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар (техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар) белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш ҳукукига эга.

Ташиш учун тақдим этилган юкнинг тарасида (қадоғида) ташқи текшириш пайтида юклар йўқолиши, камомади, транспорт воситалари ва юкнинг шикастланишига (зарар етказилиши) хавф солувчи ва сабаб бўлувчи камчиликлар аниқланганда, темир йўл транспорти (ташувчи) юкларни ташиш учун қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

320. Текшириш юкларни ташиш учун тақдим этиш жараёнида амалга оширилади.

Текширишни бевосита сақлаш камераларида (совутгич ва омборларда) ҳамда юкни вагонга ортиш жараёнида амалга ошириш мумкин.

Музлатилган ва совутилган юкларнинг ҳарорати вагонга ортиш вақтида ўлчанади. Бунда, юкнинг товар навлари бўйича мувофиқлиги текширмайди.

Темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юкларни ташиш учун тақдим этишда ва юкни олувчига беришда герметик қадоқдаги юкнинг



(банкалар, бутилкалар, бочкалар ва бошқа герметик қадоқлар) сифати текширилмайди.

Алоҳида жойларни очиш ва текширишдан кейин юкни қадоқлаш, шунингдек вагон ва контейнерларни пломбалаш юк жўнатувчи томонидан амалга оширилади.

321. Рефрижераторли секцияларда юкларни ташишда юк жўнатувчи ҳар бир юк вагони учун юкхатини тақдим этиши шарт. Юкхатининг «Махсус белгилар ва штемпеллар учун жой» графасида юк жўнатувчи «Тез бузилувчан» штемпелини қўйиши керак.

322. Юк жўнатувчи томонидан тез бузилувчан юкларни умумий фойдаланишдаги жойларда ортиш учун олиб киришда темир йўл станциясида тегишли анжомлар (экипировка) билан таъминланган ҳаракатдаги темир йўл таркиби мавжуд бўлиши керак.

Йилнинг ёз мавсуми ва ўтиш даврида (апрель, ноябрь) музлатилган ва совутилган юклар, шунингдек қиш мавсумида музлаб қолишига йўл қўйилмайдиган юклар, юклаш жойига ташқи ҳаво ҳарорати таъсиридан ҳимояланган ҳолда авторефрижераторлар ёки кузови иссиқлик изоляцияси билан жиҳозланган юк автотранспорт воситаларида етказилиши керак.

323. Тез бузилувчан юклар юкнинг сифати тўғрисидаги кузатув ҳужжатида ёки маркировкада кўрсатилган яроқлилик муддати ва уларни ташишнинг чекланган муддати етказиб бериш муддатидан кам бўлганда, ташишга қабул қилинмайди.

Сақлаш муддати тугаган ёки ишлаб чиқариш санасидан ортиш ва етказиб бериш муддатигача юкни сақлашнинг умумий давомийлиги белгиланган сақлаш муддатидан ортиқ бўлса ҳам, юк ташиш учун қабул қилинмайди.

324. Ҳолати ва қадоғи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар (техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар) талабларига жавоб бермайдиган тез бузилувчан юкларни ташиш зарур бўлганда, юклар Темир йўл уставига мувофиқ алоҳида шартлар асосида ташишга қабул қилинади.

325. Юк жўнатувчи юк ташиш усулини танлашда ҳисоб-китоб бўйича етказиб бериш муддатини, юкни транспортда ташиш муддатини ҳамда юкнинг бут сақланиши ва сифати таъминланишини инобатга олган ҳолда йил фасли ва йўл давомида иқлим шароитларини ҳисобга олиши керак.

326. Ҳид чиқармайдиган ва ўзига ҳидни тортмайдиган, ташиш шартлари ва хизмат кўрсатиш усуллари бир хил бўлган турли хилдаги тез бузилувчан юклар битта вагонда (контейнерда) ташилиши мумкин. Бунда, ушбу юкларни етказиб бериш муддати энг кам муддат ҳисобланган юк учун белгиланган ташиш муддатидан ошмаслиги керак.

327. Балиқ ва бошқа юкларнинг ҳиди мавжуд бўлган вагонларга тез бузилувчан юкларни ортиш вагонлар иссиқ сув билан ювилиб, шамоллатилгандан сўнг амалга оширилади.

328. Йилнинг ўтиш даврида (апрель, ноябрь) совуқ тушишидан олдин ёпиқ вагонларда ташиш вақтида хом дудланган колбасалар, қуритилган балиқ, мева ва сабзавотлар, ширдон сувли қаттиқ пишлоқ ва совутилмаган

товуқ тухумлари бутун йўл давомида вентиляция ёрдамида узлуксиз шамоллатилади.

Ёпиқ вагонларни вентиляция ёрдамида узлуксиз шамоллатиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) ярим очик ҳолатдаги ён томон люклари орқали. Ён томон люкларининг қопқоғи ярим очик ҳолатда ёғоч поналар қўйилиб, 4 — 6 mm диаметрли сим билан маҳкамланган бўлиши лозим. Люк қопқоқларини ярим очик ҳолатда маҳкамлаш юк жўнатувчилар томонидан ҳамда юк туширилгандан сўнг симларни олиб қўйиш юкни олувчилар томонидан амалга оширилади;

2) люкнинг юқори ва пастки қисмларида ўрама бруслар билан ичкаридан маҳкамланган ҳолда металл панжара ёки тўр билан ички томондан тўсилган ён томонлардаги очик люклар орқали.

329. Юк жўнатувчи юкларни ортишда уларни ички ускуналарга зарар етказмасдан вагонга (контейнерга) жойлаштириши ва тахлаши керак. Тара ифлосланмаган ва шикастланмаган бўлиши лозим.

Юк жўнатувчи тез бузилувчан юкларни вагонга ортишда қуйидаги шартларга риоя этиши шарт:

1) вагон деворларида вертикал бруслар ёки гофралар бўлса, тез бузилувчан юклар уларга зич қилиб тахланади, бруслар ва гофралар бўлмаса, вагон четидаги ва бўйлама деворларидан 4 — 5 cm масофада жойлаштирилади;

2) музлатилган тез бузилувчан юклар, эритилган ҳайвон ёғлари, тиббиёт ва ошхона мойлари, муз билан жойлаштирилган совутилган балиқ, балиқ увилдириғи, турли хил тузланган балиқ, совуқ ҳолда дудланган балиқ, музлатилган иссиқ ҳолда дудланган балиқ, сигир ёғи, маргарин, консервалар, винолар, ичимликлар, қиёмлар ва пиво вагоннинг юк қўтариш қобиляти ёки сифимидан максимал фойдаланган ҳолда қутиларга зич тахланиши лозим.

Ушбу юклар солинган бочкалар тикини ва қопқоғи тепага қаратилиб, ўлчам ва сифимидан келиб чиққан ҳолда бир ёки бир нечта қават қилиб вертикал ҳолатда тахланади ёхуд қопқоғи ён томонда бўлса, горизонтал ҳолатда ётқизилади.

Бочкаларни бир нечта қават қилиб ўрнатишда уторлар ва тубларини шикастланишдан сақлаш мақсадида қистирмалар қўлланилади.

200 литрдан ортиқ сифимга эга бўлган бочкалар қалинлиги камида 2,5 cm, кенглиги 15 — 20 cm ва бочкаларнинг энг катта диаметрига тенг узунликдаги қистирмаларга жойлаштирилади.

Рефрижераторли вагонлар, термос-вагонлар, кузови иситиш мосламалари билан жиҳозланган ёпиқ вагонлар (КРУ), шунингдек универсал ва рефрижераторли контейнерларга бочкаларни юклашда вагонлар полидаги панжаралар ва контейнерлар полига тахта ёки тўсиқлар ётқизилади.

Сифими 400 литрдан ортиқ бўлган бочкаларни рефрижераторли вагонлар, термос-вагонлар, кузови иситиш мосламалари билан жиҳозланган ёпиқ вагонлар (КРУ), сифими 100 литрдан ортиқ бўлган бочкаларни — универсал ва рефрижераторли контейнерларга юклашга йўл қўйилмайди.

Ортишда ҳар бир қават ва қаторга бир хил ўлчамдаги бочкалар жой-

лаштирилиши керак. Вагон ёки контейнернинг тўлиқ сифими учун бир хил ўлчамдаги бочкалар етарли бўлмаса, бир хиллик принципага қаторларга нисбатан риоя қилиш керак, бунда оғирроқ бочкалар биринчи қаторга жойлаштирилади.

Йилнинг қиш мавсумида ёпиқ вагонларда ташиш вақтида бочкалар сифими 10 — 15% га тўлдирилмаслиги керак, бу тўғрисида юк жўнатовчи юкхатининг «Юк жўнатовчининг аризаси ва белгилари» графасига белгилаб кўяди;

3) мева ва сабзавотлар солинган қутилар изотермик ва ёпиқ вагонларда қуйидаги усуллардан бирида тахланади:

биринчи усул — қутилар орасида 4 — 5 см бўш жой қолдирилган ҳолда уларни вертикал жойлаштириш. Ҳар бир-икки қатор орасида қути бошчаларига 2x3 см кесимга эга ингичка тахталар (рейкалар) қўйилиб, уларнинг учлари вагоннинг бўйлама деворига тиралиши керак. Юқоридаги икки қаторда қутилар ингичка тахталарга (рейкаларга) ўрнатилиши лозим;

иккинчи усул — кесишган ҳолда тахлаш. Қутилар биринчи қаторда вагон узунасига, иккинчи қаторда эса вагоннинг энига жойлаштирилиб, қутилар қаторлари ўртасида 4 — 5 см бўш жой қолдирилади. Қутилар тўғри жойлаштирилганда, улар бир-бирини ўзаро ёпиб туради. Тоқ қаторлардаги қутилар орасида вагон узунаси бўйлаб тўғри каналлар, жуфт қаторлар қутилари орасида эса вагон эни бўйлаб каналлар ҳосил бўлади. Қутилар узунлиги вагон энига тенг бўлмаганда, битта қути узунлигидан кичикроқ бўлган бўш жой қутилар ўртасида бир хил тақсимланади;

учинчи усул — эртапишар карам учун қутилар орасига ингичка тахталар (рейкалар) жойлаштирамасдан ва бўш жой қолдирмасдан вертикал ҳолда тахлаш;

4) қути-лотоклар бир-бирига ва вагоннинг бўйлама деворларига зич ўрнатилиб, уларнинг барча графалари (каллаги) юқори қатордаги қутиларнинг пазларига аниқ кириши лозим.

Юқори қаторда ёнма-ён тахланган қутиларнинг графалари ўзаро сим ёки каноп ип билан боғланади.

Вагоннинг бўйлама девори ёнида қути-лоток узунлигига тенг бўш жой қоладиган бўлса, ушбу жойга вагон эни бўйлаб унинг узунаси бўйича қути-лоток жойлаштирилади.

Ушбу бўш жой қути-лотокни жойлаштириш учун етарли бўлмаса, вагоннинг бир гал битта, бир гал бошқа бўйлама девори бўйлаб навбатма-навбат бўш жой қолдирилади.

330. Қутиларга қадоқланган совутилган парранда гўшти, колбасалар, дудланган гўшт маҳсулотлари, қуритилган балиқ, турли хил пишлоқлар ва мазкур Қоидаларнинг 329-банди 2-кичик бандида кўрсатилган тез бузиладиган бошқа юклар (тухумдан ташқари), совутилган ҳолда ташиш чоғида вагонларга вертикал, кесишган ёки шахмат усулида жойлаштирилади. Тухумли қутилар вагонларга вертикал усулда тахланади.

Қутилар силжиб кетишининг олдини олиш мақсадида юқори қаторларда уларни поғонасимон тахлашга йўл қўйилмайди.

Кули, қоплар, тўрва халталарга қадоқланган кечпишар картошка, пиёз, сабзи, лавлаги ва бошқа сабзавотлар куз мавсумида вагонга зич тахланади.

Ушбу юкларни совутиб, иситиб ёки узлуксиз ҳолда шамоллатиб ташиш чоғида, кули ва қоплар, ўлчами ва сифимиға қараб, вагонда тик ҳолатда бир нечта қатор қилиб, аммо баландлиги 1,6 метрдан ортиқ бўлмаган тарзда тахланади.

Ёпиқ тахта қутилардаги эртапишар карам рефрижераторли вагонларга вертикал усулда қутилар орасига ингичка тахталар (рейкалар) қўйилмасдан ва бўш жой қолдирмасдан тахланади.

331. Рефрижераторли вагонлар ва ёпиқ вагонларда ташиш чоғида да-накли мевалар, янги узилган мева ва сабзавотлар солинган қути-лотоклар, шунингдек ёзги олма ва ноклар солинган ёпиқ қутиларни тахлаш баландлиги вагонларда 160 — 180 см дан ошмаслиги зарур.

Бешта вагонли рефрижераторли секцияларда ва автоном рефрижераторли вагонларда эртапишар карам, янги узилган бодринг ва помидорларни ташишда қутиларни тахлаш баландлиги 220 см, ёпиқ вагонларда эртапишар карам учун 180 см ва помидор учун ёпиқ вагонларда 200 — 220 см ни ташкил этиши керак.

Рефрижераторли вагонларда узум солинган полимер ва тахта қутиларни тахлаш 200 — 220 см баландликда амалга оширилади.

Рефрижераторли ва ёпиқ вагонларнинг барча турларига қовун солинган қутили поддонларни ортиш камида икки қатор баландликда, қутиларни эса 180 — 200 см баландликда амалга оширилади.

332. Қоидаларнинг ушбу бобида ортиш баландлиги белгиланмаган тез бузилувчан юклар, вагоннинг юк кўтариш қобиляти ёки сифимидан тўлиқ фойдаланишни (тара тури ва йил мавсумидан қатъи назар), юкнинг юқори қатори ва вагон шифти ўртасида камида 50 см дан бўш жой қолишини таъминлайдиган баландликда тахланади.

Вагонда поддонлар ва илгакли тўсинлар мавжуд бўлганда, улар ва юк ўртасидаги бўш жой камида 10 см бўлиши лозим.

Зарурат туғилганда, эшик орасидаги бўш жойга бундай юклардан ташкил топган жойларни вагоннинг узунлиги, эни ва диагонали бўйича жойлаштиришга рухсат берилади, юклар эшикка қараб ағдарилиб тушиб кетишининг олдини олиш ҳамда тахнинг мустақкамлигини таъминлаш мақсадида эшик ўрнида иккита юқори қатор баландлигида тахталар ўрнатилади.

333. Музлатилиши мумкин бўлмаган мева ва сабзавотлар ҳамда бошқа тез бузилувчан юклар ташқаридаги ҳаво ҳароратига қараб, йилнинг ўтиш даврида изотермик вагонларда совутилмасдан ва иситилмасдан ёки иситилиб ташилади.

Ўтиш даврида (апрель, ноябрь) совуқ тушганда юклар:

юк ортиш пунктида ташқаридаги ҳарорат 0 °С даражадан паст бўлмаганда ва юк ташиш муддати 4 суткадан ортиқ бўлмаганда, люклари ёпилган ёпиқ вагонларда қўшимча равишда иситилмасдан;

юк ортиш пунктида ташқаридаги ҳарорат минус 7 °С даражадан паст

бўлмаганда ва юк ташиш муддати 7 суткадан ортиқ бўлмаганда, изотермик вагонларда иситилмасдан ташилади.

Юк жўнатувчи юк ортишдан олдин тўкиш (сифон) қувурларини сомон, қиринди ёки қоғоз билан иситиши ҳамда сифон палласини ишчи (ёпиқ) ҳолатга ўрнатиши лозим.

334. Тез бузилувчан юклар иситилган ёпиқ вагонларда ташилиши мумкин.

Юкни ташиш учун вагоннинг жиҳозланиши темир йўл транспорти (ташувчи) билан келишилган ҳолда юк жўнатувчи томонидан амалга оширилади.

Юкларни вагонга жойлаштиришда илиқ ҳавонинг эркин айланиши ҳисобга олиниб, эшик орасидаги жой тиргаклар билан ишонч ҳосил қиладиган тарзда тўсилади.

Юк ва иситиш печи ўртасидаги масофа 1 м дан кам бўлмаслиги, юк тахнининг юқори қавати ва вагон шифти ўртасидаги масофа эса 50 см дан кам бўлмаслиги лозим.

Иситиш печи мавжуд бўлган ёпиқ вагонларга йўл давомида юк жўнатувчининг кузатувчилари томонидан хизмат кўрсатилади.

335. Юк келгани ҳақидаги хабарномани олгандан сўнг юкни олувчи муайян сабабларга кўра манзилига келган тез бузиладиган юкни ўрнатилган муддатларда қабул қилолмаса ва бу ҳолат 24 соатдан ортиқ вақт давом этиш эҳтимоли бўлса, юкни олувчи келган вагонларни навбатма-навбат қўйиб бериш тўғрисида темир йўл станциясига буюртма беради.

336. Юкни олувчи талабига кўра темир йўл транспорти (ташувчи) рефрижераторли вагонлар учун белгиланган ҳароратлар журнали билан уни ташиштириши шарт.

Темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан топшириладиган юклар юкни олувчи омборида текширилмасдан сифат бўйича давлат инспектори, эксперт ёки озиқ-овқат товарларини қабул қилиш ваколати берилган тегишли шахс фикрига кўра қабул қилинган ҳолларда, ҳароратлар журналидан кўчирма талаб этилади, кўрсатилган шахслар бу ҳақда темир йўл станцияси бошлиғига юкни олувчи орқали ёзма равишда хабар беради.

Темир йўл станцияси бошлиғи юкни олувчига темир йўл станцияси штемпели билан тасдиқланган ҳароратлар журналидан кўчирмани тақдим этиши шарт. Бу ҳолда ҳароратлар журналидан кўчирма юкни олувчида сақланиши лозим. Бунда, ҳароратлар журналидан кўчирма темир йўл станциясидан рефрижераторли поездлар ва секциялар жўнатилишидан олдин талаб қилиши мумкин.

337. Тез бузилувчан юкларни термос-вагонларда ташиш учун термик жиҳатдан тайёрлаш юк жўнатувчи томонидан йил мавсумидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Умумий фойдаланишдаги жойларда термос-вагонларга ортиш учун тез бузилувчан юкларни олиб киришга техник ва тижорат жиҳатидан яроқли бўлган вагонлар қўйиб берилиши лозим.

Бунда, тез бузилувчан юкларни етказиб бериш қуйидагича амалга оширилиши керак:

ёз мавсумида — ташқаридаги ҳаво ҳарорати мусбат бўлганда йилнинг ўтиш даврида (апрель, ноябрь) музлатилган ва совутилган юклар етказиш йўли давомида ва термос-вагонларга ортиш жараёнида совутиш қурилмалари ёқилган авторефрижераторларда ташилади;

йилнинг ўтиш даврида (апрель, ноябрь) ва қиш мавсумида — ташқаридаги ҳаво ҳарорати манфий бўлганда музлаши мумкин бўлмаган юклар етказиб бериш йўли давомида иситиш қурилмалари ёқилган авторефрижераторларда ташилади.

338. Тез бузилувчан юкларни ортишда юк жўнатувчи томонидан юкларга ёғингарчилик таъсир этишини ҳамда музлатилган ва яхлатилган юк юзасига конденсат тушишини истисно этиш чоралари кўрилади. Ушбу юкларни ташқаридаги ҳавонинг мусбат ҳароратида ортиш вақтида уларга қуёш нурларининг тўғридан-тўғри тушишини олдини олиш лозим.

Юкларни термос-вагонларига ортиш имкон қадар қисқа муддатларда бевосита автотранспорт воситасидан амалга оширилиши зарур.

339. Термос-вагонга юк ортишда вагоннинг сифими ва юк кўтариш қобилиятидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида юк зич тахланади, бундан вагон сифимидан ёки юк кўтариш қобилиятидан тўлиқ фойдаланиш имкони бўлмаган ҳолатларда ортиладиган ҳамда ортиш баландлиги бўйича чекловларга эга бўлган юклар мустасно.

Гофрировка қилинган картондан ясалган қутилар, «Тетра Пак», «Тетра Брик Асептик», «Комбиблок» каби асептик қадоқлар ва бошқа асептик қадоқлардаги майонезлар, қайлалар, шарбатлар ва сут 1,6 т дан ортиқ бўлмаган баландликда юкланади, блоклар кўринишида шакллантирилган, полиэтилен бутилкалардаги пиво, минерал ва алкогольсиз ичимликлар 1,8 т дан ортиқ бўлмаган баландликда, гофрировка қилинган картондан ясалган қутиларга тахланган шиша банка ва бутилкалардаги консерва маҳсулотлари, блоклар кўринишида шакллантирилган темир банкаларидаги алкогольсиз ва кучсиз алкоголь ичимликлари 2 т дан ортиқ бўлмаган баландликда тахланади.

340. Гўшт ва гўшт маҳсулотларини ташиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 январдаги 36-сон қарори билан тасдиқланган Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **2-§. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини ташиш шартлари**

341. Музлатилган балиқ ҳарорати ортиш вақтида қуйидагилардан юқори бўлмаслиги лозим:

минус 8 °С даражада — қуруқ сунъий ва нам ҳолда музлатишда;  
минус 6 °С даража — табиий музлатишда.

342. Музлатилган балиқ филеси минус 10 °С даражадан юқори бўлмаган ҳарорат билан ташиш учун тақдим этилиши лозим.

343. Музлатилган балиқ қадоқланган ҳолда ташилиши мумкин. Йилнинг 1 майдан 30 сентябригача бўлган даврда хўжалик матосидан тайёрланган

қоплар ва ип газлама қопларга қадоқланган музлаган балиқни изотермик вагонларга юклашга йўл қўйилмайди.

344. Совутилган балиқ ёғочдан ясалган қутиларда ёки қурук тара бочкаларда ташилади.

Тара тубига ва балиқнинг ҳар бир қатори орасига майдаланган тоза муз қатлами сепилган бўлиши лозим. Бочка ва қутиларда эриган муз сувининг оқиб кетиши учун тешиклар бўлиши керак.

Совутилган балиқнинг умуртқаолди гўшти қатламидаги ҳарорат минус 1 дан плюс 5 °С даражагача атрофида бўлиши лозим.

345. Тузланган балиқ ва сельдь ёғочдан ясалган суюқлик қўйиладиган ва қурук тара бочкаларга ҳамда ёғочдан ясалган қутиларга жойланади.

Балиқ ва сельдь таркибидаги туз миқдори қўйидагича бўлиши керак:

нимтатир тузланган балиқ учун — 6% дан (сельдь учун 7% дан) 10% гача;

ўртача тузланган балиқ учун — 11% дан 14% гача;

кўп тузланган балиқ учун — 14% дан ортик.

Юкхатининг «Юк жўнатувчининг аризаси ва белгилари» графасида ҳамда мувофиқлик сертификатида (ушбу маҳсулот мажбурий сертификатланиши лозим бўлган ҳолларда) туз миқдори кўрсатилган бўлиши керак.

346. Совуқ ҳолда дудланган, иссиқ ҳолда дудланган музлатилган балиқ, қуритилган балиқ ва балиқ маҳсулотлари фақат тарада ташилади.

Совуқ ҳолда дудланган балиқ (иваси селдидан ташқари) ортиш вақтида 0 °С даражадан юқори бўлмаган ҳароратда бўлиши ва изотермик вагонларда ташилиши лозим.

Иссиқ усулда дудланган музлатилган балиқ фақат рефрижераторли вагонларда ташилиб, ортиш пайтидаги ҳарорати минус 18 °С даражадан юқори бўлмаслиги лозим. Иссиқ усулда дудланган балиқни музлатилмаган ҳолатда ташишга рухсат берилмайди.

Совуқ усулда дудланган балиқ 30 kg гача сиғимга эга тахта ва картондан ясалган қутиларга, иссиқ усулда дудланган балиқ — 20 kg гача сиғимга эга қутиларга, балиқ маҳсулотлари эса 25 kg гача сиғимга эга қутиларга жойланади.

### **3-§. Янги узилган мева ва сабзавотларни ташиш шартлари**

347. Мева-сабзавотлар янги узилган, тоза, механик шикастларсиз, зараркунанда ва касалликлар таъсирида зарар етказилмаган кўринишда, ортиқча ташқи намликсиз, шунингдек вагонларга ортиладиган ҳар бир партиянинг етилганлик даражаси бир хил бўлиши шarti билан ташиш учун тақдим этилиши лозим.

Мева-сабзавотлар таркибидаги захарли элементлар, пестицидлар ва нитратлар озик-овқат хом ашёси ва маҳсулотлари сифати бўйича тиббий-биологик талаблар ва санитария меъёрларида белгиланган кўрсаткичлардан ортиб кетмаслиги лозим.

Мева-сабзавотлар ҳар бир мева ва сабзавот турига мос келадиган қўйидаги тараларга қадоқланган бўлиши керак:

кечпишар картошка — қутилар, қутили поддонлар, матодан тайёрланган

ва сетка қопларга, эртапишар картошка — қаттиқ тарага жойлаштирилади, узоқ муддат сақлаш учун мўлжалланган ва узоқ муддат сақланган картошка фақатгина тарада ташилади;

лавлаги ва сабзи — қутилар, матодан тайёрланган қоплар ва қутили поддонларга;

пиёз — тахта қутилар, матодан тайёрланган ва сетка қопларга;

саримсоқ пиёз — қутиларга;

бодринг, бақлажон, кабачки, гулкарам — тахта қутиларга;

эртапишар карам — тахта қутиларга, ўртапишар, ўртакечпишар ва кечпишар карам эса — тахта қутилар ва қутили поддонларга;

майда қовун — тахтали қутилар, юмалоқ қовун ва қовоқ — махсус контейнер ва катакларга;

тарвуз — қутили поддонларга;

помидорлар — тахта қутилар ва қути-лотокларга. Етилганлик даражаси яшил рангда бўлган помидорлар ташишга қабул қилинмайди;

булғор қалампири — тахта қутиларга;

олма, нок, беҳи — тахта қутилар, кечпишар олмалар — гофрировка қилинган картондан тайёрланган қутиларга;

янги узилган анор ва хурмо — тахта қутиларга;

узум, ўрик, шафтоли, тоғолча, олхўри, олча ва гилос — тахта қутилар ва қути-лотокларга;

қорағат ва крижовник — қути-лотокларга;

ертут — қути-лотоклар ва катакли кузовларга;

цитрус мевалар (апельсин, мандарин, лимон, грейпфрут) — тахта ва картондан тайёрланган қутиларда.

Мева-сабзавотлар ёпик тара ичига урилмайдиган, ишқаланмайдиган ва эзилмайдиган қилиб тара четларигача тўлдирилган ҳолда зич тахланади.

Ҳар бир қутига битта ботаник гуруҳга тегишли бўлган, бир хил ўлчам ва турдаги мевалар жойланади. Мева-сабзавотлар рефрижераторли вагонларда фақатгина тарада ташилади.

348. Тарасиз ташишда мева-сабзавотлар ва картошка тўкилган ҳолда ташилади ва вагонларга ортиш баландлигининг меъёрлари мазкур Қоидаларнинг 35-иловасига\* мувофиқ белгиланади.

349. Мева-сабзавотлар ва картошка тарасиз ташилганда, темир йўл транспорти (ташувчи) талабига кўра юк жўнатувчи томонидан вагон эшикларини тўсиш учун эшик тўсиқлари ўрнатилади.

350. Сутли ва сутли-думбул етилган жўхори сўталари фақат 4, 5 ва 10 та вагонли таркибда рефрижераторли секцияларда ташилади.

Жўхори сўталари 15 см дан кичик бўлмаган (қанд жўхори учун 12 см дан кам бўлмаган) узунликда, сўлиш аломатларисиз, янги оч яшил барглар билан қопланган, уруғчи графачаси жигарранг, майин қобиқли буришмаган ва бир-бирига зич жойлашган донларга эга бўлган, шунингдек турли касалликлар ва қишлоқ хўжалиги зарарқундалари таъсирига учрамаган ҳолатда ташишга тақдим этилиши лозим.

\* 35-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Сўтанинг юқори қисмида 3 см гача бўлган узунликда донлари етилмаган жўхори сўталари партиядо мавжуд бўлишига йўл қўйилади.

Жўхори сўталари лотокларга ёки 12 kg гача сифимга эга панжарали қутиларга жойланиб, темир йўл станциясига олдиндан тайёрланган вагон мавжуд бўлганда келтирилади.

Жўхори вертикал ёки кесишган усулда ортилади. Олдиндан совутилмаган жўхори сўталарини ортиш баландлиги 120 см дан ортмаслиги зарур.

Олдиндан совутилган жўхори сўталарининг баландлиги 160 см гача ортади.

Плюс 3 °С даражадан ортиқ бўлмаган ҳароратгача олдиндан совутилган жўхори сўталарини ташиш муддати 6 суткадан, совутилмаганини эса 4 суткадан ортиқ бўлмаган муддат ичида ташилиши мумкин.

Сўталарни узиб олишдан ортишгача бўлган вақт совутилмаган сўталар учун 12 соат, олдиндан совутилган сўталар учун эса 30 соатдан ошмаслиги керак.

351. Тирик ўсимликлар ва уруғли экин материаллари учун ташиш усулини юк жўнатувчи юкхатида кўрсатади.

Ўсимликлар ва тирик гуллар юк жўнатувчи кузатувчилари ҳамроҳлигида ташилади.

Бошоқли ўсимликлар панжарали қутилар ёки саватларга қадоқланган бўлиши лозим.

Олдиндан қуритилмаган ёки шамоллатилмаган нам бўлган, шунингдек 0,5 см дан узун куртакларга эга бошоқли ўсимликлар ташишга тақдим этилишига йўл қўйилмайди.

Бошоқли ўсимликлар вертикал усулда ҳар бир қават орасига ингичка тахталар (рейкалар) қўйиш шarti билан ортилади. Ёпиқ вагонларга ортишда саватлар ёки қутиларнинг пастки қавати тагликлар ёки бир қават қуруқ шох-шаббалар устига жойлаштирилади.

Юк ортиш пунктида ташқаридаги ҳаво ҳарорати минус 15 °С даражадан паст бўлганда, бошоқли ўсимликлар ёпиқ вагонларда ташиш учунга тақдим этилмаслиги лозим.

#### **4-§. Сут ва сут маҳсулотлари, консерва ва бошқа тез бузилувчан юкларни ташиш шартлари**

352. Сут ва сут маҳсулотлари рефрижератор (изотермик) вагонларда ташилади.

Енгил музлатилган ва музлатилган сут изотермик вагонларда юк жўнатувчи томонидан юкхатининг «Юк жўнатувчининг аризаси ва белгилари» графасида бу ҳақда тегишли ёзув қайд этилиши шarti билан ташишга қабул қилинади.

Сут маҳсулотлари билан биргаликда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ташилган тақдирда, сут маҳсулотлари изотермик вагонларда алоҳида жойлаштирилиши лозим.

353. Товуқ тухумлари (совутилмаган ва совутилган) юк вагонларда (ёпиқ

вагонлар ва изотермик) қаторлар орасига қириндилар, босма қилинган ёки гофрировка қилинган картон солиниб қутиларга жойланган ҳолда ташилади.

Музлатилган тухум маҳсулотлари (тухум меланжи, сариғи ва оқи) юк вагонларда (ёпиқ вагонлар ва изотермик) герметик пайвандланган оқ тунука металл банкаларда зич қутиларга жойланган ҳолда ташилади.

Тухум маҳсулотлари юк вагонларига ортиш вақтида минус 6 °C даражадан юқори бўлмаган ҳароратда бўлиши лозим.

354. Нон маҳсулотлари учун мўлжалланган прессланган хамиртурушлар (бундан буён матнда хамиртуруш деб юритилади) вагонларга ортишда плюс 4 °C даражадан юқори бўлмаган ҳароратда бўлиши лозим.

Вагонларга ҳар хил ишлаб чиқариш саналарига эга хамиртуруш парти-ялари ортилганда, бутун вагон учун ташиш муддати энг олдин ишлаб чиқарилган партия санаси бўйича ҳисобланади.

Ташишга тақдим этиладиган хамиртуруш камида 48 соат ичида ўзгармаслиги керак.

Хамиртуруш жойлаштирилган қутилар рефрижераторли ва изотермик вагонларга вертикал усулда тахланади.

Хамиртуруш жойлаштирилган қутиларни рефрижераторли вагонларда ташишда уларни тахлаш баландлиги 200 — 220 см, изотермик вагонларда эса 180 см бўлиши керак.

355. Музқаймоқ фақат рефрижераторли 4 ва 5 талик вагон секцияларида, ёзда ҳар бир вагонга юк жўнатувчи воситалари билан қўшимча 1,5 — 2 тоннадан муз ортилган ҳолда металл, полимер, қоғоз ва картон, керамик банкаларда, майда қадокларга ўралганда эса қутилар, полимер ва аралаш материалли контейнерларда ташилади. Ортиш вақтида музқаймоқ ҳарорати минус 20 °C даражадан юқори бўлмаслиги лозим.

356. Ёғ-мой маҳсулотларини (майонезни) изотермик вагонларда ташишда металл ва полимер бочкалар, шиша, пластик ёки фаянс тараларда қутиларга қадокланган ҳолда қабул қилинади.

Ортиш вақтида майонез ҳарорати плюс 4 °C даражадан юқори бўлмаслиги лозим.

357. Консерва маҳсулотларини изотермик вагонларда, металл (тунука), шиша тарада, қутиларга жойлаштирилган ҳолда ташилади.

358. Алкогол маҳсулотлар (спиртли ичимликлар, вино маҳсулотлари, дистиллятлар, пиво маҳсулотлари) ёпиқ ва изотермик вагонларда металл, полимер, қоғоз (картон), ёғоч, шиша, аралаш турдаги материал, енгил саноат материал, керамик турдаги тараларга қадокланган ҳолда ташилади.

Алкогол маҳсулотларини ташишда тара (қадоклар) юкни бутлигини таъминлаши керак.

Этил спирти ва коньяк дистиллятини ёпиқ вагонларда ва изотермик вагонларда ташиш Темир йўл транспортида хавфли юкларни ташиш қоидалари талабларига биноан амалга оширилади.

Қиш мавсумида вино маҳсулотлари бочкаларда иситиш мосламалари билан жиҳозланган ҳолда ёки иситилмасдан ёпиқ вагонларда ташилади.

Иситилмайдиган ёпиқ вагонларда вино маҳсулотларини бочкаларда та-

шишда музлаш оқибатида бочкалар ёрилмаслиги учун уларнинг сифими 10 — 15 фоизга тўлдирилмайди, бу ҳақда юк жўнатувчи юкхатининг «Юк жўнатувчининг аризаси ва белгилари» графасида қайд этиши шарт.

Вино маҳсулотлари юк жўнатувчи, юкни олувчига тегишли бўлган ёки улар ижарага олган цистерна-термосларда ва ихтисослаштирилган изотермик вагон-цистерналарда, юк жўнатувчи ёки юкни олувчининг кузатувчилари ҳамроҳлигида қўйилган ҳолда ташилиши мумкин.

359. Десерт учун мўлжалланган ва газланган ичимликлар, шарбатлар, минерал сув, бутилкаларда темир йўл ёпиқ вагонларида қутиларга қадоқланган ҳолда ташилади. Мевали морс ва шарбат маҳсулотлари бочкаларда ҳам ташилиши мумкин.

360. Ёпиқ ва изотермик вагонларда бутилкалардаги минерал сувлар тарафларда қўйидаги шартларда ташилади:

йилнинг ёз даврида — совутилмайдиган ва шамоллатилмайдиган вагонларда;

йилнинг ўтиш (апрель, ноябрь) даврида — шамоллатилмайдиган вагонларда;

қиш вақтида — фақат иситиладиган изотермик вагонларда.

361. Ташиш учун тақдим этиладиган алкоголь маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, хамиртуруш, музқаймоқ, идишларга қадоқланган ичимлик суви, десерт ва газли ичимликлар, шарбатлар, товуқ тухуми, консерва ва майонез маҳсулотлари уларнинг хавфсизлиги ҳамда қадоқланишига доир қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

### **5-§. Рефрижераторли вагонлар, рефрижераторли ва универсал контейнерлар, ёпиқ вагонлардан фойдаланиш шартлари**

362. Тез бузилувчан юкларни маршрутларда ва йирик гуруҳлар билан совутиладиган ва иситиладиган рефрижераторли вагонларда ташиш мумкин, бундан тузланган балиқ, бочкада устидан намакоб қўйилган селдь, тарага жойлаштирилмаган мева-сабзавот ва картошка мустасно.

Рефрижераторли секцияларга фақат битта станцияда юк ортилиши ва туширилиши мумкин.

363. Рефрижераторли вагонларни юк ортиш учун қўйиб беришдан олдин ёзда совутиш ва қишда иситиш қўйидаги ҳароратларда амалга оширилиши лозим:

совутилган юкларни ортиш вақтида — мазкур Қоидаларнинг 366-бандида кўрсатилган ҳароратгача;

музлатилган юкларни ортиш вақтида 0 °С даражагача ва паст ҳароратли юкларни ортиш вақтида минус 10 °С даражагача.

Совутилмаган юклар олдиндан совутилмаган вагонларга ортилиши мумкин.

364. Юк ортиш ва тушириш вақтида поезднинг рефрижераторли вагонларни дизельэлектростанция ва вагон машина бўлинмаси вагонидан кўпи билан 6 соатга ажратилиши мумкин.

Бешта вагонли рефрижераторли секциядан ажратилган вагон 380V

кучланишга эга ўзгарувчан ток электр кучланиш тармоғига фақат хизмат кўрсатувчи бригада томонидан уланиши мумкин.

Рефрижераторли поездлар ва секцияларга юк ортиш ва тушириш ишлари хизмат кўрсатувчи бригада ходимлари иштирокида бажарилиши лозим.

365. Рефрижераторли секциялардан поездлар тузилиши мумкин.

Поезд таркибининг 50 фоизидан ошмаган вагонларга йўлда хизмат кўрсатиш режими бўйича фақат бир хил турдаги юклар ортилиши мумкин.

Бешта вагонли секциялар вагонларига йўл давомида хизмат кўрсатиш режими турли бўлган юклар ортилиши мумкин.

366. Рефрижераторли поездлар ва секцияларда тез бузилувчан юкларни ташиш вақтида ҳарорат режими ва шамоллатиш зарурати юкнинг ортиш вақтидаги ҳароратидан, мева-сабзавотлар учун эса мазкур Қоидаларнинг 36-иловасига\* мувофиқ уларнинг турларидан келиб чиқиб белгиланади.

Минус 9 °С даража ва ундан паст ҳарорат билан ортишга тақдим этилган музлатилган юклар (паст ҳароратлилардан ташқари) минус 9 °С даражадан минус 12 °С даражагача бўлган ҳароратда ташилади.

Қуйидаги юкларни қишда ташишда:

1) минус 5 °С даражадан паст ҳароратга эга бўлган музлатилган ва ўта музлатилган юклар, шунингдек мол ёғи, мойлар, маргарин, хамиртуруш, совуқ ҳолда дудланган балиқ ва иссиқ ҳолда дудланган музлатилган балиқларни ташишда уларнинг ҳарорати чекланмаган ҳолда пасайтирилиши мумкин;

2) мазкур Қоидалар 36-иловасининг 5 ва 7-бандларда қайд этилган юкларни (бундан вино, шампан виноси ва биопрепаратлар мустасно) ташишда ҳароратларнинг қуйи чегара меъёри плюс 2 °С даражагача пасайтирилиши мумкин.

367. Юк жўнатувчи томонидан ўрнатилган ташиш режимлари (совутиш, иситиш ва шамоллатиш) мазкур Қоидаларнинг 36-иловасида кўрсатилган меъёрларда белгиланади:

Паст ҳароратли юклар юклаш вақтида минус 18 °С даражадан юқори бўлмаган ҳароратга эга бўлиши ва рефрижераторли вагонларда қуйидаги ҳароратларда ташилиши лозим:

рефрижераторли поездларда — минус 9 °С дан минус 12 °С даражагача;

4 ва 5 та вагонли секцияларда — минус 15°С дан минус 18 °С даражагача.

368. Рефрижераторли поездда совутилмаган маҳсулотларни жўнатишда ташқаридаги ҳаво ҳарорати ўртача плюс 25 °С даражадан юқори бўлмаганда вагонларнинг юкхоналаридаги ҳарорат ортиш вақтидан бошлаб кўпи билан 4 сутка давомида, секцияларда ташиш чоғида ташқаридаги ҳаво ҳарорати ўртача плюс 30 °С даражадан юқори бўлмаган ҳолларда эса — 3 сутка давомида мазкур Қоидаларнинг 366 ва 367-бандларида белгиланган даражага етказилади. Вагонлар ичидаги ҳарорат бригада ходимлари томонидан назорат журналида қайд этилади.

369. Юк туширилганидан кейин рефрижераторли вагонлар юкни олувчи томонидан яхшилаб тозаланиши, вагон поли ва деворлари артилиши лозим.

\* 36-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

370. Универсал контейнерларда қуйидаги тез бузилувчан юклар ташилиши мумкин:

1) гўшт ва сут махсулотларидан тайёрланган консервалар — йил давомида, кўпи билан 12 сутка чекланган муддатда;

2) мева ва сабзавотлар ҳамда гўшт ва ўсимликлардан тайёрланган консервалар, минерал сув, узум (спирт қўшилган) ва мева винолари (шампан виносидан ташқари) — ёзда ташиш муддатлари чекланмаган ҳолда, йилнинг ўтиш даврида (апрель, ноябрь) юк жўнатувчи томонидан белгиланган чекланган ташиш муддатида;

3) бутилкаларда вино ва стерилизация қилинган пиво — йилнинг ёз ва ўтиш даврларида кўпи билан 12 сутка чекланган муддатда;

4) балиқ консервалари — йилнинг ёз ва ўтиш даврларида (апрель, ноябрь) юк жўнатувчи томонидан белгиланган чекланган ташиш муддатида.

### **23-боб. Ҳайвонлар, паррандалар ва асалариларни ташиш**

371. Ҳайвон ва паррандаларни вагонларда жўнатиш учун ортиш Ҳайвонларни ортиш учун мўлжалланган платформалар билан жиҳозланган темир йўл станцияларда амалга оширилади. Ҳайвонлар умумий фойдаланишдаги платформалар ёки майдончалардан траплар ёрдамида вақтинча ортилиши мумкин.

Вагон жўнатмаларида ташилаётган Ҳайвон ва паррандаларни тушириш юкларни қабул қилиш ва топшириш учун очиқ бўлган барча темир йўл станцияларида амалга оширилади.

372. Ҳайвон ва паррандалар махсус вагонларда, бундай вагонлар етишмаганда эса вагонлар атроф-муҳитнинг қаттиқ ва суюқ органик чиқиндилар билан ифлосланишини олдини олувчи махсус қурилмалар билан жиҳозланиши шарт билан оддий ёпиқ ёғоч полли вагонларда ташилади.

Қора мол, чўчқа ва бузоқларни ташиш чоғида оддий ёпиқ вагонларни жиҳозлаш учун Ҳайвон ва паррандаларни ташишда зарур бўлган ускуна ва мосламалар юк жўнатувчи томонидан тақдим этилади.

373. Паррандалар ёпиқ тубли катакларда ёки катакларсиз ташилади. Катаксиз ташилганда паррандалар икки қаватли усулда, юқори қават поли ёпиқ бўлиши шарт билан ортилади.

374. Ҳайвонлар, паррандалар ва асалариларни ташиш учун ювилган вагонлар, зотдор Ҳайвонларни ташиш учун эса ювилган ва дезинфекцияланган вагонлар берилиши керак.

Захарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлардан бўшаган вагонларга тегишли махсус ишлов берилмасдан Ҳайвонлар, паррандалар ва асалариларни ортишга йўл қўйилмайди.

375. Асаларилар уяларда ёки фанер пакетларда юк жўнатувчининг кузатувчилари ҳамроҳлигида фақат ёз ва ўтиш даврида (апрель, ноябрь) ташилади.

Ёпиқ вагонларда ташиш вақтида пакетлар ва уялар бир нечта қатор қилиб, шамоллатиш тешиклари тўсилмаган ҳолда, қаторлар орасида кузатувчилар ўтишига жой қолдирилиб жойлаштирилади. Маҳкам туриши учун

пакетлар ва уялар тахталар билан бир-бирига михланади, ўтиш жойидаги четки қаторлар вертикал бруслар билан маҳкамланади.

Асалариларни ташиш учун оптимал ҳарорат плюс 8 °C даражани ташкил этади.

Ўтиш даврида (апрель, ноябрь) ташқаридаги ҳаво ҳарорати плюс 10 °C даражадан юқори бўлмаган шароитда асалариларни ёпиқ вагонларда ташишга йўл қўйилади.

376. Ҳайвонларни тўрт ўқли вагонларга ортиш қўйидаги миқдорларда амалга оширилади:

1) қорамол — ёши, ўлчамлари ва оғирлигига қараб 16 дан 24 бошгача. Кўрсатилган миқдордаги ҳайвонлар вагонга жойлаштирилгандан сўнг унда яна битта ҳайвон жойлашиши учун етарли бўлган бўш жой қолиши керак;

2) қорамол бузоқлари — 24 дан 28 бошгача;

3) бузоқчалар — ёшига қараб 36 дан 50 бошгача;

4) қўй ва эчкилар — 80 дан 110 бошгача;

5) чўчқалар:

оғирлиги 80 kg гача — 50 дан 60 бошгача;

80 дан 100 kg гача — 44 дан 50 бошгача;

100 дан 150 kg гача — 28 дан 44 бошгача;

150 kg дан ортиқ — 20 дан 28 бошгача;

6) отлар — кўпи билан 14 бош, от заводлари сертификатлари бўйича ташиш вақтида — кўпи билан 12 бош;

7) туялар — кўпи билан 8 бош.

377. Отлар вагонларда вагоннинг бўйлама ўқига параллель равишда бошлари эшикларга қаратилган ҳолда жойлаштирилади. Тўрт ўқли вагоннинг ҳар бир ярмида отлар икки қатор қилиб жойлаштирилади.

Кузатувчи ўтиши учун ўрта қаторларда четдагиларга қараганда битта от кам жойлаштирилади. Отларни тақаси олиб ташланган ҳолдагина ташишга рухсат берилади.

378. Қорамол вагонда кўндаланг ёки бўйлама усулда жойлаштирилади.

Кўндаланг усулда ортишдан олдин вагоннинг бўйлама деворидаги олинмайдиган тахталарга шуруплар ёрдамида темир халқалар (ёки скобалар) 1-2 бош ҳайвонга мўлжаллаб маҳкамланади.

Вагоннинг ён деворларида вагоннинг эни бўйича олинмайдиган тахталарга вагон олди деворларига тираб ётқизиладиган ҳар бири иккита тахтадан иборат токчалар ўрнатилади.

Қорамол ортилганидан кейин вагоннинг эшиклари ўрнида панжаралар ўрнатилади. Қорамолни бўйлама жойлаштириш усулида вагонлар отларни ташишда қўллангани каби жиҳозланади, бироқ эшик тахталари ўрнига эшик ўрнига панжаралар ўрнатилади.

Қорамол махсус вагонларга фақат кўндаланг усулда ортилади.

Қўй, эчки, бузоқ, чўчқа ва ёш қорамоллар вагонга боғланмасдан ортилади.

379. Буқа ва сигирлар, қўй ва кўчқорлар, эркак ва она чўчқалар, шунингдек ҳар хил турдаги ҳайвон ва паррандаларни битта вагонда биргаликда ташишга йўл қўйилмайди.

Алоҳида ортиш имкони бўлмаган ҳолларда ҳар хил жинсдаги ва турдаги ҳайвон ва паррандаларни битта вагонда ташишга уларни тўсиқлар билан бир-бирдан ишончли равишда ажратган ҳолдагина йўл қўйилади.

Чўчқаларни қишда ташқаридаги ҳаво ҳарорати минус 25 °С даражадан паст бўлганда, оғирлиги 100 kg дан ортиқ бўлган йирик семиз чўчқаларни ёзда ташқаридаги ҳаво ҳарорати плюс 25 °С ва ундан юқори даражада бўлганда ортишга йўл қўйилмайди.

380. Майда ҳайвонлар катак ва қутиларда бир нечта қават қилиб ташилади. Юқоридаги катак билан вагон томи ва ён деворлари орасидаги оралик 0,2 m дан кам бўлмаслиги лозим.

Қутилар ва катаклар вагон бўйлама деворлари бўйлаб ҳайвонларни парваришlash ва шамоллатиш учун оралик масофа қолдирилиб ўрнатилади. Қутилар ва катаклар туби ёпиқ бўлиши ва ортилгандан сўнг ишончли маҳкамланиши лозим.

381. Мўйнали ҳайвонлар турига қараб метал катакларда ёки метал панжарали эшикка эга бўлган мустаҳкам тахта катакларда ташилади. Катакларнинг эшиклари ўз-ўзидан очилиб кетмайдиган, мустаҳкам ва қулф билан бекиладиган бўлиши лозим.

382. Юк жўнатувчилар, етказиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда ҳайвонлар, паррандалар, асалариларни бутун йўл давомида сифатли ем ҳамда тагига солиш учун тўшамалар билан таъминлаши лозим.

Қишда жўнатиш пунктида ташқаридаги ҳаво ҳарорати минус 15 °С даражадан паст бўлганда озиклантириш учун пресс, барда ва силос ишлатилишига йўл қўйилмайди.

383. Ҳайвонлар тагига солиш учун тўшамалар ва ем вагонларда ҳайвон ва паррандалар билан биргаликда ташилади ва фураж токчаларига ёки вагон эшиклари оралиғига жойлаштирилади. Донли ем-хашаклар (сули, ун, кепак ва омукта ем) қопларга жойланиши, пичан ва сомон эса боғламларга прессланиши керак.

Ем-хашак ва тўшамаларни ташиш учун юк жўнатувчи талабига биноан ва унинг прогнозини ҳисобга олган ҳолда ҳайвонлар ортилган ҳар бир 10 — 16 та вагонга алоҳида вагон тақдим этилади.

384. Ҳайвонлар, паррандалар, асалариларни вагонларда юқори тезликда ташиш темир йўл транспорти (ташувчи) билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ҳайвонлар ортилган вагонларни тепаликдан тушириш ва турткилаб манёврлар бажариш алоҳида хушёрлик билан амалга оширилади. Темир йўл станция ходимлари ҳайвон ортилган вагон кузатувчиларини тепаликдан ташлаш ёки туртиш усулидаги манёврлар бажарилиши бошланиши ҳақида огоҳлантиришлари лозим.

385. Кузатувчилар вагонларда ҳайвонлар, паррандалар, асалариларни билан биргаликда жойлашади, юк жўнатувчи ва юкни олувчилар кузатувчилари ҳамроҳлигида ушбу Қоидаларда кўзда тутилган мажбуриятларни бажариши лозим бўлади.

Кузатувчилар учун алоҳида вагонлар юк жўнатувчи прогнози ҳисобидан,

биноқ ҳайвонлар, паррандалар, асалариларни ортилган 10 — 16 та вагонга битта вагондан ортиқ бўлмаган миқдорда тақдим этилади.

Ҳайвонлар, паррандалар, асалариларни касалланганда ёки ем ва сувни қабул қилмаганда кузатувчи бу ҳақда жойлашуви энг яқин бўлган станция бошлиғига йўлда яқинроқда жойлашган чегара ва транспорт ветеринария назорати пунктини огоҳлантириши учун ёзма равишда хабар бериши шарт.

Касал бўлган ҳайвонларни, паррандаларни йўлда сўйиш тақиқланади.

386. Ёзда ҳайвонлар, паррандалар, асалариларга суткасига камида икки маротаба, қишда эса бир маротаба сув бериш керак.

Ҳайвонлар, паррандалар, асалариларни сув бериладиган темир йўл станциялари темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан белгиланади.

Темир йўл станциялари томонидан ҳайвонлар, паррандалар, асалариларга сув берилгани ёки кузатувчи томонидан уларга сув бериш рад этилгани ҳақида кузатувчининг йўл журналида қайд ёзувлари киритилиши лозим.

387. Ҳайвон ва паррандалар ортилган вагонлар мавжуд бўлган поездлар сув бериш белгиланган пунктларда водопровод колонкалари ёки ҳайвонларга сув бериш мосламалари билан жиҳозланган темир йўлларга қабул қилиниши лозим. Ҳайвонлар ортилган вагонларни бевосита сув бериш учун мўлжалланган йўлга қабул қилиш имконияти бўлмаганда, темир йўл станцияси бошлиғи ҳайвон ортилган вагонларни у ерга етказиб беришни таъминлаши шарт.

Ҳайвонлар ортилган вагонлар жўнатилгани ҳақида қўшни сув бериш темир йўл станциясига хабар берилади.

388. Йўлда вагонларни кузатувчилар томонидан тозалаш фақат темир йўл транспорти (ташувчи) белгилаган темир йўл станцияларда амалга оширилади.

Темир йўл станцияси бошлиғи поезднинг жадвал бўйича белгиланган туриш муддати ичида ҳайвонлар ортилган вагонлар тозалаш темир йўлларига қўйиб берилишини таъминлаши лозим.

Касалланган ҳайвонлар аниқланганда, шунингдек, ҳайвонларни алоҳида шарт-шароитларда ташишда вагонларни гўнган тозалаш тақиқланади.

389. Йўл давомида вагонда нобуд бўлган, касалланган ёки ҳолсизланган ҳайвон ва паррандалар аниқланган тақдирда, давлат ветеринария хизмати органлари ветеринария соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради.

Нобуд бўлган, касалланган ёки ҳолсизланган ҳайвон ва паррандаларни вагондан тушириш, уларни ушлаб туриш ҳамда карантинга ўтказиш темир йўл станцияси кучи ва воситалари билан давлат ветеринария хизмати органлари ёзма талабномасига мувофиқ юкни олувчи (юк жўнатувчи) ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳайвон ва паррандалар ушлаб турилган ва вагондан туширилган барча ҳолатлар тўғрисида умумий шаклда далолатнома тузилади ва давлат ветеринария хизмати органи ёзма талабномаси билан биргаликда ташиш ҳужжатларига илова қилинади.

Нобуд бўлган ҳайвонларни вагондан тушириш амалга ошириладиган те-



мир йўл станциялари рўйхати давлат ветеринария хизмати органи билан келишилган ҳолда темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан белгиланади.

390. Ҳайвон ва паррандалар ортилган вагонларда техник носозлик юзага келганда, темир йўл станцияси дарҳол вагонларни таъмирлаши ва имкон қадар уларни етказиб келган поезд ёки кейинги энг яқин поезд билан жўнатиш чораларини кўриши лозим. Ҳайвон ва паррандаларни бошқа вагонга ортишга носоз вагонни тез таъмирлаш имкони бўлмаган ҳоллардагина йўл қўйилади.

391. Ҳайвон ва паррандалар ортилган вагонлар юк тушириш учун келгани ҳақида етказиш манзилидаги темир йўл станцияси юкни олувчини, чегара ва транспорт ветеринария назорати пунктини хабардор қилади. Ҳайвон ва паррандалар юк тушириш учун вагон қўйиб берилган вақтдан бошлаб 12 соат ичида юкни олувчи томонидан қабул қилиниши ва темир йўл станциясидан олиб чиқиб кетилиши лозим.

392. Ҳайвон ва паррандалар туширилганидан кейин юкни олувчи гўнг ва тўшама қолдиқларини вагон эшиклари олдида (III тоифа бўйича ишлов бериладиган вагонлардан ташқари) уйиб тўплаши лозим. Гўнг уйилиб тўпланганидан кейин вагонлар дезинфекция қилиш ва ювиш станциясига ташиш ҳужжатлари расмийлаштирилиб, вагон эшикларига пломбалар ва бурамалар қўйилган ҳолда жўнатилади.

Гўнг ва тўшама қолдиқларини уйиб тўплаш учун юкни олувчилар илтимосига биноан битта жисмоний вагон учун ёзда 30 дақиқа, қишда 1 соат қўшимча вақт белгиланади.

393. Иккинчи ва учинчи тоифа бўйича ишлов берилиши лозим бўлган вагонлар учун ташиш ҳужжатларининг «Юкнинг номи» графасида ишлов бериш тоифаси ва «Дезинфекцияга» деб кўрсатилади. Вагон варағида вагонда мавжуд бўлган ускуналар ҳақида қайд ёзуви киритилади. Вагоннинг икки томонидаги эшикларга 20 x 30 см ўлчамда қоғозда ёпиштирилиб ёки бўр билан аниқ кўрсатилиб «Дезинфекцияга» деб ёзилади.

#### **24-боб. Юклар оғирлигининг табиий камайиши меъёрлари**

394. Нормал технологик жараён ва сақлаш шароитларида табиий сабаблар (юкнинг физик-кимёвий хусусиятлари, метеорологик факторлар таъсири ва номукамаллик, транспортда ташиш ёки сақлаш чоғида маҳсулот ва товарларни йўқотишлардан сақлашга доир амалдаги ҳимоя воситалари оқибати саналган йўқотишлар, унинг сифати сақланган ҳолда юк оғирлигининг камайиши) таъсирига кўра юк оғирлигининг камайиши табиий камайиш ҳисобланади.

Юклар оғирлиги табиий камайишининг буғланиш, чангиб камайиш, силтаниб тўкилиш, оқиб кетиш ва қуриб қолиш каби турлари мавжуд.

Тўкилган ва уюлган ҳолда ташиладиган юклар ҳамда зич бўлмаган тарадаги кукунсимон ва чангсимон моддалар учун хос бўлган юкларни ташиш ва ортиш-тушириш ишларида содир бўлувчи ҳолатлар чангиб камайиш ва силтаниб тўкилиш ҳисобланади. Вагон кузовидан учиб кетиш жараёни ташиш вақтида қарши шамол таъсирида содир бўлади.

Юкларни оқиб кетиши деганда қуйилган ҳолда ташиладиган суоқ юклар-

нинг идишлар, сифимлар, цистерналардаги тирқишлар ва тешиклардан, зич ёпилмаган тўкиш мосламалари орқали тахта-ёғоч тара орқали оқиб кетиши, шунингдек уюлган ҳолда ташиладиган юклар ва тўкилган ҳолда ташиладиган юкларнинг майда фракциялари вагонларнинг зич бўлмаган кузовлари орқали тўкилиши тушунилади.

Суюқ юкларнинг буғланиши (нефть маҳсулотлари, суюлтирилган газ, кимёвий юклар, спиртлар, эфирлар) ва баъзи қаттиқ жисмли юклар (нафталин, ваниль) таркибида енгил учувчи фракциялар мавжудлиги сабабли содир бўлади.

Юкнинг қуриб қолиши юк (сабзавотлар, мевалар, дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари) таркибида бўлган намликнинг тўлиқ ёки қисман буғланиши оқибатида содир бўлади.

395. Ўзининг табиий хусусиятлари туфайли ташиш пайтида оғирлиги камаядиган юкларга нисбатан темир йўл транспорти (ташувчи) юк ташилган масофадан қатъи назар, суюқ ёки нам (ҳўл) ҳолатда ташиш учун топширилган юклар оғирлигидан 2% миқдорида ва қуруқ юклар оғирлигидан 1% миқдоридаги меъёрдан ортиқ бўлган камомад қисми учунгина жавоб беради.

Уюлган, тўкилган ёки қуйилган ҳолда ташиладиган юклар учун улар йўналиш бўйича тушириб юкланадиган бўлса, белгиланган меъёрлар ҳар бир ортиш-тушириш ишлари учун 0,3% га ортади.

396. Ўзининг табиий хусусиятларига кўра ташиш чоғида оғирлиги камаймайдиган юкларга нисбатан темир йўл транспорти (ташувчи) юк ташилган масофадан қатъи назар юк оғирлигидан 0,2% дан ортиқ бўлган камомад қисми учунгина жавобгар бўлади.

397. Битта юкхати бўйича бир нечта юк жойлари ташилганда, унинг оғирлиги юкхатида алоҳида кўрсатилган ёки бошқа усул билан белгиланган бўлса, юкнинг камайиши ҳар бир жой учун ҳисобланади.

398. Юкнинг йўқотилиши ёки бир нечта юк жойининг камомади учун ундириладиган суммани ҳисоблашда йўқолган юк ёки камомад жойлари учун мазкур Қоидаларнинг 395 ва 396-бандларида белгиланган меъёрлар ҳисобланмайди.

399. Юк тўлиқ йўқотилганда ёки юкнинг алоҳида жойлари йўқотилганда, зарарни қоплаш чоғида йўқотилган жойлар оғирлигининг камайиши ҳисобга олинмайди.

## 25-боб. Юкларни сақлаш

400. Умумий фойдаланишдаги жойларда туширилган юклар уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёпиқ омборлар ёки очик платформа ва майдонларда сақланиши мумкин.

Очик платформа ёки майдонларда мазкур Қоидаларнинг 37-иловасида\* кўрсатилган юклар сақланиши мумкин.

401. Юклар юкни олувчи томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг қуйидаги муддатларда олиб умумий фойдаланишдаги жойларда (шу жумладан,

\* 37-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вагон ва контейнерларда) сақланиши мумкин, бундан ташиш ҳужжатлари бўлмаган юклар мустасно:

1) 12 соат давомида:

портловчи ва кучли таъсир этувчи моддалар;

ачитқилар;

тирик ҳайвонлар ва қушлар;

тирик балиқ увилдириғи (икраси) ва малеклар;

сут маҳсулотлари, бундан янги соғилган сут мустасно;

ғўшт маҳсулотлари (шу жумладан, турли хил парранда ғўшти), ҳайвон аъзолари (қулоқлари, оёқлари), ҳайвонлар ички аъзолари;

янги узилган сабзавотлар ва қўзиқоринлар, бундан карам, картошка ва лавлаги мустасно;

асаларилар;

қисқичбақалар, краблар, моллюскалар;

кесилган ўсимликлар;

ҳар қандай тирик, янги ушланган ва музлатилган балиқ;

янги узилган мевалар ва резаворлар;

кесилган тирик гуллар;

2) бир сутка давомида:

қора икра;

картошка, лавлаги ва карам;

ишлов берилмаган чарм, терилар ва мўйналар;

истеъмол маргарини ва мойлари;

алкоголсиз ичимликлар;

хавфли юклар, бундан портловчи ва кучли таъсир этувчи захарли моддалар мустасно;

тирик зулуклар;

асосий кимёвий саноат маҳсулотлари;

вино спирти, пиво ва портер;

турли фосфор;

пиширилган нон;

3) икки сутка давомида:

тайёрланган сабзавот ва қўзиқоринлар;

тирик ўсимликлар, бундан кесилган ўсимликлар мустасно;

балиқ ва икра, бундан сақланишига камроқ муддат белгиланган балиқ ва икра мустасно;

тайёрланган мева ва реза мевалар;

тухум;

4) уч сутка давомида:

ер ўғитлаш моддалари;

оҳак;

қамиш, ток, баст (лык), мочал, новба, сомон ва шу каби материаллари маҳсулотлари;

чиқинди қоғоз ва қоғоз қириндилари;

пичан ва сомон;

ёғоч чиплари;

торф;

латталар;

5) беш сутка давомида бошқа барча юклар, бундан уй-рўзғор буюмлари мустасно;

6) 30 сутка давомида уй-рўзғор буюмлари.

402. Ташиш хужжатлари бўлмаган юклар қуйидаги муддатлар давомида сақланади:

бир сутка — мазкур Қоидаларнинг 401-банди 1-кичик бандида белгиланган юклар учун;

икки сутка — мазкур Қоидаларнинг 401-банди 2-кичик бандида белгиланган юклар учун;

уч сутка — мазкур Қоидаларнинг 401-банди 3-кичик бандида белгиланган юклар учун;

тўрт сутка — мазкур Қоидаларнинг 401-банди 4-кичик бандида белгиланган юклар учун;

ўттиз сутка — мазкур Қоидаларнинг 401-банди 5-кичик бандида белгиланган юклар учун;

эллик сутка — мазкур Қоидаларнинг 401-банди 6-кичик бандида белгиланган юклар учун.

Бунда, чекланган сақлаш муддати темир йўл транспорти (ташувчи) ёки юкни олувчининг кучи ва техник воситалари билан юкни тушириш учун вагон қўйиб бериш вақтидан бошлаб ҳисобланади.

### **26-боб. Юкларни етказиб бериш муддатлари ва уларни ҳисоблаш**

403. Юкларни темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан етказиб бериш қуйидаги муддатлардан ошмаслиги керак:

контейнерлар учун — бошланган ҳар бир 150 километр учун бир сутка;

бошқа жўнатмалар учун — бошланган ҳар бир 200 километр учун бир сутка.

Юк жўнатувчи, юкни олувчиларнинг юкларини, шу жумладан бўш вагонларни (контейнерларни) етказиб бериш муддатлари юкларни ташиш учун тўловни ҳисоблаш масофаси, жўнатмалар турлари ва кунлик босиб ўтилган йўл меъёрлари асосида ҳисоблаб чиқилади.

Хорижий давлатлар темир йўлларининг транзит участкаларини кесиб ўтиш ва халқаро қатновларда юк ташишларини амалга оширишда юкларни етказиб бериш муддатлари СМГС асосида ҳисобланади.

404. Юкни етказиб бериш муддатини ҳисоблаш юкни ташиш шартномаси тузилган кундан кейинги куннинг 0 — 00 соатидан бошланади.

405. Мазкур Қоидаларнинг 403-бандида кўрсатилган юкларни етказиб бериш муддатлари қуйидаги ҳолатларда узайтирилади:

уч суткага — юкни жўнатиш ва етказиб келишда у билан боғлиқ бўлган операцияларга;

бир суткага — юкнинг манзилини ўзгартириш билан боғлиқ операцияларга;

бир суткага — Темир йўлларда хавфли юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ хавфли юкларни ташишда;

бир суткага — тўғридан-тўғри аралаш қатновларда ташилувчи юкларни бошқа транспорт турига топшириш ёки бошқа транспорт туридан қабул қилишда.

406. Ўзининг техник хусусиятларига кўра тезлик чекловини талаб этувчи, ногабаритли ва алоҳида локомотив билан махсус поездларда ташилувчи юклар учун етказиб бериш муддати темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан белгиланади.

407. Қуйидаги ҳолатларда юкларни етказиб бериш муддатлари кечикканлиги учун ушбу кечикишлар муддатига узайтирилади:

чегара, божхона, ветеринария, фитосанитария назорати ва бошқа назорат турларини амалга ошириш;

алоҳида шартларда ташилувчи юкларнинг маълумотлари юкхатига мос келмаслиги ёки юклар бўйича эҳтиёт чоралари қўлланилмаганлиги аниқланса;

темир йўл станцияларида ҳайвонларга сув бериш ёки вагондан олиб чиқиш ёхуд уларни ветеринария кўригидан ўтказиш;

юк жўнатувчи айби билан вагон, контейнерларнинг йўл давомида ортиқча оғирлигини тушириш, юкни ёки унинг тарасини (қадоғи) тузатиш ҳамда ортишга тузатиш киритиш, юк ортиқча ортилганини бартараф этиш;

вагон, контейнерларнинг йўл давомида темир йўл транспортига (ташувчига) боғлиқ бўлмаган ҳолларда юзага келган техник ва тижорат ҳолатини тузатиш;

юк жўнатувчи, юкни олувчи, темир йўл шохобча йўллари эгалари ва контрагентларга боғлиқ бўлган сабабларга кўра темир йўл шохобча йўлларида вагонларга ўз вақтида юк ортиш ёки туширишни таъминлаш имконияти йўқлиги оқибатида етказиш манзилидаги темир йўл станцияси томонидан улар қабул қилинмагани сабабли ҳаракатланиш йўли давомида темир йўл станцияларида вагонларнинг кечикиб қолиши;

битта ёки бир нечта юкни олувчилар манзилига битта ёки бир нечта юк жўнатувчилар томонидан йўл давомида жойлашган битта ёки бир нечта темир йўл станцияларида рефрижератор секцияларига юк ортиш ёки туширишда мос равишда юк жўнатувчи, юкни олувчи томонидан рефрижератор секциясини кечиктириш;

қатновда темир йўл транспортининг (ташувчининг) айбисиз юзага келган ва ташишни бошлаш ёки давом эттиришга вақтинча халақит бераётган узилишлар;

темир йўл транспортига (ташувчига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра содир бўлган бошқа кечикишлар.

408. Мазкур Қоидаларнинг 407-бандида кўрсатилган юкларнинг кечикиши сабаблари ва кечикиш вақти ҳақида темир йўл транспорти томонидан икки нусхада умумий шаклдаги далолатнома тузилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси ташиш ҳужжатларига бириктирилади ва етказиш манзилида-

ги темир йўл станциясига юк етиб келгандан сўнг йўл қайдномасига илова қилинади, иккинчи нусхаси далолатнома тузилган темир йўл станциясида сақланади.

Юкхати асл нусхасининг «Темир йўл транспорти (ташувчи) белгилари» графасида ва йўл қайдномасининг «Юкнинг номи» графасида темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан «Вагон (контейнер) темир йўл станциясида \_\_\_\_\_ (сабаб кўрсатилади) учун \_\_\_\_\_ (сана) \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ (сана) гача кечикди, бу тўғрисида \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сон умумий шаклдаги далолатнома тузилди» ёзуви қайд этилади. Ушбу ёзув темир йўл станциясининг ваколатли ходими имзоси ва станциянинг календарь штемпелини қўйиш билан тасдиқланади.

409. Юк қуйидаги ҳолларда ўз вақтида етказиб берилган деб ҳисобланади:

1) етказиб бериш белгиланган муддати тугашидан олдин юк мавжуд бўлган вагон, контейнер юкни олувчига тушириш учун тақдим этилганда;

2) етказиб бериш белгиланган муддати тугашидан олдин етказиш манзилидаги темир йўл станциясида темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан юк туширилганда;

3) етказиб бериш белгиланган муддати тугашидан олдин юк етказиш манзилидаги темир йўл станциясига етиб келганда ва:

темир йўл транспортига (ташувчига) тўланиши лозим бўлган тўловлар амалга оширилмаганлиги;

юк тушириш жойи банд бўлганлиги ва темир йўл транспортига (ташувчи) боғлиқ бўлмаган бошқа сабаблар туфайли вагонлар кечикиб тақдим этилганлиги сабабли юкни олувчининг ихтиёрига топшириш имконияти бўлмаганда.

Вагонлар (контейнерлар) қўйиб берилиши кечикиши сабаблари тўғрисида умумий шаклда далолатнома тузилади.

410. Божхона назорати остидаги юк етказиш манзилидаги темир йўл станциясига келгани тўғрисида божхона органларига мазкур Қоидаларнинг 130-бандида кўрсатилган тартибда хабар берилган сана юклар етказиш манзилига етиб келинган санаси ҳисобланади.

Бунда, темир йўл транспорти (ташувчи) юкнинг етказиш манзили темир йўл станциясида божхона расмийлаштируви билан боғлиқ кечикиши учун жавобгар бўлмайди.

Юк божхона органининг иш вақти ҳисобланмаган вақтда келган бўлса, етказиб бериш муддати юк етказиш манзилидаги темир йўл станциясига келган вақтдан бошлаб, божхона органи иши бошлаган вақтгача узайтирилади.

411. Етказиб бериш муддати тугагунга қадар етказиш манзилидаги темир йўл станциясига етиб келганда, юкни олувчи ихтиёрига топширилиши мумкин бўлганда ва бу ҳақда темир йўл транспорти (ташувчи) юкни олувчига хабар берганда, бўш вагон ўз муддатида етказиб берилган деб ҳисобланади.

412. Юк жўнатувчи (юкни олувчи) ва темир йўл транспорти (ташувчи) юк ташиш шартномасида мазкур Қоидаларда кўрсатилган юкни етказиб бериш муддатларидан фарқли муддатни белгилаши мумкин ҳамда бу ҳақда юк-

хатининг «Юк жўнатувчининг аризалари ва белгилари» графасида тегишли белги қайд этилади.

### **27-боб. Бошқа транспорт турлари иштирокида тўғридан-тўғри аралаш қатновда юкларни ташиш**

413. Бошқа транспорт турлари иштирокида тўғридан-тўғри аралаш қатновда юкларни ташиш Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт тўғрисида»ги Қонуни, Темир йўл устави ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **28-боб. Юкларни ташишда далолатномаларни тузиш**

414. Темир йўл транспорти (ташувчи) ва юк жўнатувчиларнинг (юкни олувчиларнинг) ташиш вақтидаги моддий жавобгарлиги учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ҳолатлар мазкур Қоидаларнинг 38-иловасига\* мувофиқ шаклдаги тижорат далолатномаси ва умумий шаклдаги далолатнома билан тасдиқланади.

Вагон ва контейнернинг техник ҳолати ҳамда шикастланиши тўғрисида мазкур Қоидаларнинг 39, 40 ва 41-иловаларида\* белгиланган шаклда далолатномалар тузилади.

415. Темир йўл транспорти (ташувчи) ва юк жўнатувчи (юкни олувчи) ўртасида электрон ҳужжат алмашинуви тўғрисида шартнома мавжуд бўлса, тижорат далолатномаси, умумий шаклдаги далолатнома ва бошқа далолатномалар электрон ҳужжат шаклида тузилиши мумкин. Бунда, тегишли далолатномани сақлаш ва юбориш тартиби электрон ҳужжат алмашинуви тўғрисидаги шартномада белгиланади.

Электрон ҳужжат шаклидаги далолатномалар заруратга кўра қоғоз кўринишида чоп этилиши мумкин. Бунда, электрон далолатноманинг асл нусхасини имзолаган шахсларнинг лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми тўғрисидаги маълумотлар тегишли графаларга киритилади.

Электрон далолатноманинг қоғоз нусхаси темир йўл станциясида темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходими имзоси ҳамда календарь штемпели билан тасдиқланади.

416. Тижорат далолатномалари темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходими томонидан темир йўл станциясида қўйдаги ҳолатларни тасдиқлаш учун тузилади:

1) юкнинг ҳақиқий номи, вазни ёки жойлари сони ташиш ҳужжатида кўрсатилган маълумотлар билан мос келмаслиги;

2) юкнинг бузилиши ёки шикастланиши;

3) юкнинг ҳужжатсиз ёки ҳужжатларнинг юксиз аниқланиши;

4) ўғирланган юкнинг темир йўл транспортига (ташувчига) қайтарилиши;

5) юкни ҳужжатлар бўйича топшириш ишлари юк идорасида (кассада) расмийлаштирилганидан сўнг темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан

\* 38 — 41-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шоҳобча темир йўлига юк 24 соат мобайнида топширилмаслиги. Бунда, тижорат далолатномаси фақат юкни олувчи талабига кўра тузилади.

417. Темир йўл транспорти (ташувчи) мазкур Қоидаларнинг 416-бандида қайд этилган ҳолатларни ўзи аниқлаган ёки юкни олувчи ёхуд юк жўнатувчи ушбу ҳолатларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси мавжудлигини кўрсатган бўлса, темир йўл транспорти (ташувчи) тижорат далолатномасини тузиши шарт.

Тижорат далолатномасида маълумотлар ташиш ҳужжатлари, далолатномалар, вагон тарозисидаги ўлчаш ва тортиш китоблари ҳамда бошқа ҳужжатлар асосида кўрсатилади.

Юк оғирлигидаги фарқ юк оғирлигининг табиий камайиши ва тарози кўрсаткичларидаги тафовут меъёридан ортиқ бўлмаган ҳолларда тижорат далолатномаси тузилмайди, юк топширилишини расмийлаштириш эса мазкур Қоидаларнинг 8-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

418. Тижорат далолатномалари қўйидаги кунларда тузилади:

1) умумий фойдаланишдаги жойларда юкни туширишда — тушириш кунда, юкни олувчига юкни топширишда — топшириш кунда;

2) умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда юкни туширишда — юкни тушириш кунда. Бунда, юкни текшириш ишлари тушириш вақтида ёки бевосита туширишдан сўнг амалга оширилиши керак.

Вагон тарасининг оғирлиги юкни тушириш кунда унинг вазнини текширган темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходимидан бошқа ходим томонидан текширилган бўлса, далолатноманинг «Д» бўлимида юкнинг вазнини ўлчашда ва вагон тарасини текширишда қатнашган темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходимлари кўрсатилади. Далолатнома вагоннинг тарасини текширишда қатнашган темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходими томонидан имзоланади.

3) юкни йўл давомида ташишда — тижорат далолатномасини расмийлаштириш лозим бўлган ҳолатлар аниқланган кунда.

419. Тижорат далолатномалари уч нусхада тузилади ҳамда электрон, қоғоз шаклда ёки сиёҳлар билан аниқ, бўяшларсиз, тўғирлашларсиз ва ҳеч қандай тузатишларсиз тўлдирилади. Ҳар бир далолатномада темир йўл станциясининг қаторли штемпели қўйилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси ўрнатилган тартибда текшириш учун юборилади, иккинчи нусхаси юкни олувчига унинг талабига кўра топширилади, учинчи нусхаси эса темир йўл станцияси йиғмажилдида сақланади.

Темир йўл станциялари томонидан тижорат далолатномаларни бошқа темир йўл станцияларига юбориш тартиби темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан белгиланади.

Тижорат далолатномаси жўнатиш темир йўл станцияси ёки йўлда жойлашган темир йўл станциясида тузилган бўлса, далолатноманинг иккинчи нусхаси юкхатига бириктирилади ва етказиш манзилидаги темир йўл станциясига юборилади. Тижорат далолатномаси тузилганлиги юзасидан мазкур Қоидаларнинг 4 ва 8-бобларида назарда тутилган тартибда юкхати ва йўл қайдномасида белги қайд этилади.

Юкларни талон-тарож қилинганлиги аломатлари аниқланганда, шу жум-



ладан юкнинг ҳаракатланиш давомида келтирилган зарар миқдорига қарамай темир йўл транспорти (ташувчи) хизмат текшируви учун белгиланган муддатдан уч кундан кечикмаган ҳолда, тижорат далолатномаси тузган станция ҳудудига қарашли транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармасининг ҳудудий бўлинмаларига тижорат далолатномаси, юкхати, вагон варағи ва бошқа ҳужжатларни тасдиқланган нусхаларини, уларнинг сўровномалари асосида тақдим этиши шарт.

420. Тижорат далолатномасида юк ҳолатининг ва носозлик аниқланишидаги вазиятларнинг аниқ ва тўлиқ тавсифи ёзилиши керак. Далолатномада юкни текшириш вақтида аниқланган, юк камомади, бузилиши ёки шикастланишининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам кўрсатилган бўлиши лозим.

Тижорат далолатномасига ташиш носозлиги сабаблари ёки юк жўнатувчи ва темир йўл транспорти (ташувчи) айбдорлиги тўғрисида ҳеч қандай тахминлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Тижорат далолатномаси бланкаси графаларига жойлаштирилган барча саволларга аниқ жавоблар берилиши керак.

Қайтарилувчи маълумотлар ўрнига чизик чизиш ҳамда қўштирноқ белгисини қўйишга йўл қўйилмайди.

Тижорат далолатномасида юк тўғри ёки нотўғри ортилганлиги, жойлаштирилганлиги ва маҳкамланганлиги ҳамда очиқ ҳаракатдаги темир йўл таркибида ташилаётган юклар учун ҳимоя маркировкаси мавжудлиги кўрсатилган бўлиши керак.

Тез бузилувчан юкларнинг бузилиши юзасидан тижорат далолатномаси тузилганда далолатноманинг биринчи нусхасига қўйидагилар бириктирилади:

вагон-термосларда ташишда назорат маълумотлари;

машина совутиш ва электр иситиш қурилмалари мавжуд бўлган рефрижераторли вагонларда ташишда ҳароратлар китобидан кўчирма. Бунда, тижорат далолатномасига йўл давомида рефрижераторли вагонлардаги ҳарорат режими тўғрисидаги маълумотлар киритилиши керак.

Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни ўз ичига олган тижорат далолатномасини ёки умумий шаклдаги далолатномани тузган ёки имзолаган шахслар зиммасига қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

421. Тижорат далолатномаси темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходимлари ҳамда текширишда иштирок этган юкни олувчи томонидан имзоланади.

422. Тижорат далолатномалари тузилган ҳолларда вагонлардан ечилган пломбалар темир йўл транспорти (ташувчи) ихтиёрида қолади.

423. Етказиш манзилидаги темир йўл станциясида текшириш вақтида йўл давомида жойлашган темир йўл станциясида тузилган далолатномадаги маълумотлар ва юкнинг аслида мавжудлиги ва етказиш манзилидаги темир йўл станциясидаги ҳолати ўртасида фарқ аниқланмаса, у ҳолда темир йўл станцияси янги далолатнома тузмасдан йўл давомида жойлашган темир йўл станциясида тузилган далолатномага «Юкни текшириш чоғида мазкур дало-

латномага қарши фарқ аниқланмади» ёзувини қайд этиши керак. Ушбу белги темир йўл станциясининг штемпели ва мазкур Қоидаларнинг 421-бандида кўрсатилган шахслар имзоси билан тасдиқланади. Ушбу далолатнома юкни олувчига унинг талабига биноан берилади.

Йўл давомида жойлашган темир йўл станциясида тузилган далолатномада мавжуд бўлган маълумотлар юкни текшириш вақтида аниқланган маълумотларга мос келмаган ҳолатларда янги тижорат далолатномаси тузилади.

424. Юкларнинг экспертизаси мазкур Қоидаларнинг 8-бобида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади. Ўтказилган экспертиза тўғрисида тижорат далолатномасининг «Е» бўлимига белги қўйилган бўлиши керак.

425. Юкни олувчининг талабига биноан темир йўл станцияси уч кун ичида ушбу жўнатма учун тузилган тижорат далолатномасини бериши шарт.

Юкни олувчиларга далолатномани бериш темир йўл станцияси йиғма-жилдларида сақланадиган далолатнома нусхасига имзо қўйиш йўли билан амалга оширилади, юкни олувчининг тижорат далолатномаларини олиш ёки юкни қабул қилиш ҳуқуқини берувчи ишончномасига эга бўлган шахс далолатнома берилишини ташкилотлар номидан талаб қилади.

Йўл давомида ёки темир йўл станцияси омборига юкни туширишда юк жўнатувчи пломбасига эга бўлган вагонда юкнинг бут сақланмаганлиги аниқланганлиги тўғрисида далолатнома тузилган бўлса, етказиш манзилидаги темир йўл станцияси юкни топшириш чоғида у томонидан тузилган далолатнома берилишидан қатъи назар юкни олувчига бундай далолатноманинг нусхасини бериши шарт.

Юк топширилган кундан эътиборан олти ой муддат давомида тузилган далолатномалар берилишини талаб қилиш мумкин.

426. Умумий шаклдаги далолатнома қўйидаги ҳолатларни тасдиқлаш учун тузилади:

1) юк жўнатувчи томонидан юкхатига илова қилинган ҳужжатларнинг йўқолиши;

2) темир йўл шохобча йўли эгаси ва юкни олувчига боғлиқ сабабларга кўра етказиш манзилидаги темир йўл станцияси, оралиқ ва қўшни темир йўл станцияларида юкни тушириш, ортиш-тушириш учун қўйиб беришини кутиш натижасида вагонларнинг туриб қолиши;

3) юкни олувчи воситалари ёрдамида юк туширилгандан сўнг вагонлар юк қолдиқлари ва ахлатдан тозаланмаганлиги;

4) цистерна ва бункерли ярим очиқ вагонларнинг ташқари томони юк қўйилган ва тўкилгандан сўнг тозаланмаганлиги. Цистерна ва бункерли ярим очиқ вагонларда тўлиқ тўкилмаган юк қолдиқлари аниқланганда Суюқ юкларни қўйилган ҳолда ташиш қоидаларида кўзда тутилган далолатнома тузилади;

5) юк жўнатувчининг розилиги бўйича тозаланмаган вагонлар унинг воситалари билан юк ортиш учун темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан қўйиб берилиши;

6) юкхатида вагонга пломба қўйилганлиги тўғрисида белги бўла туриб, вагонда пломба бўлмаганда, пломба шикастланганда ёки алмаштирилганда,

бунда тижорат далолатномасини тузиш учун асос бўладиган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, шунингдек йўл давомида ёки етказиш манзилидаги темир йўл станциясида вагонлардаги қўрғошинли пломбалар ноаниқ ёки куч ишлатиш излари бўлмаган кесилган бўлаклари аниқланса, агар ўқилувчи белгилар юкхатидаги маълумотларга мос келса ва пломбада темир йўл станцияси ва темир йўл транспорти (ташувчи) номини ўқиш мумкин бўлса;

7) вагон ёки контейнер шикастланганда;

8) юк ташувлари прогнози бажарилишини ҳисобга олиш карточкасига, юкларни қабул қилиб топширувчисининг эслатмасига, вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш қайдномасига, қўшимча йиғимлар жамғариб бориладиган карточкага ва бошқа тааллуқли ҳужжатларга имзо қўйишдан бош тортиш ёки рад этишда;

9) хусусий ёки ижарага олинган вагон ва контейнерларнинг темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан ўзбошимчалик билан банд қилинишида;

10) темир йўл транспорти (ташувчи) розилигисиз юк жўнатувчилар, юкни олувчилар, темир йўл шохобча йўли эгаси томонидан темир йўл транспортининг (ташувчининг) вагон ва контейнерларидан ўзининг ички ташишлари учун фойдаланилиши;

11) томонларнинг моддий жавобгарлиги учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқлашда, бунда тижорат далолатномаси ёки бошқа махсус шаклдаги далолатнома тузилиши талаб қилинмаса;

12) йўл давомида вагонга ўрнатилган ва юкхатида кўрсатилган пломбалар йўқлиги аниқланган ҳолларда, вагон жойида комиссия иштирокида вагондаги юкнинг ҳолати текширилади. Бунда, талон-тарож аломатлари йўқлиги ҳамда вагондаги юк бир текис ва вагоннинг сифими бўйича юкланган аниқланса, юкнинг бутлигини сақлаш мақсадида вагонга пломба ўрнатилади.

Агар вагондаги юкларнинг талон-тарож этилганлиги аломати бўлса, вагонга юкнинг бутлигини сақлаш мақсадида пломба ўрнатилади ҳамда ушбу ҳолат аниқланган станцияда вагондаги юкнинг тушириш ва ортиш учун шароити бўлса, текшириш амалга оширилади. Агар аниқланган станцияда текшириш учун шароит бўлмаган тақдирда, вагон текшириш шароити бор энг яқин ёки манзил станциясига жўнатилади.

Талон-тарож аломати аниқланган ҳолларда транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармасининг ҳудудий бўлинмаларига тезкор хабарнома жўнатилади ёки уларга тезкор равишда телефон орқали хабар берилади.

Умумий шаклдаги далолатномани тузишда иштирок этган камида икки киши томонидан далолатнома имзоланиши шарт.

427. Томонлар умумий шаклдаги далолатномага имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, далолатномага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Томонлар умумий шаклдаги далолатноманинг мазмуни юзасидан далолатномага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур далолатномага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

428. Вагоннинг (контейнернинг) техник ҳолати носозлиги оқибатида юкнинг оқиб кетиши, бузилиши ёки намланиши аниқланган ҳолларда, тижорат

далолатномасидан ташқари вагоннинг (контейнернинг) техник ҳолати тўғрисидаги далолатнома тузилади.

Вагоннинг (контейнернинг) техник ҳолати тўғрисидаги далолатнома вагоннинг (контейнернинг) носозлиги аниқланган кунда ва тижорат далолатномаси тузилган кундан кеч бўлмаган ҳолда тузилиши шарт.

Вагоннинг (контейнернинг) техник ҳолати тўғрисидаги далолатноманинг биринчи нусхаси тижорат далолатномасининг биринчи нусхасига бириктирилади ва иккинчи нусхаси станция йиғмажилдида қолади.

429. Темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходимлари тижорат далолатномасини тузишдан бош тортганда ёки далолатнома мазкур Қоидаларнинг талаблари бузилишига йўл қўйилган ҳолда расмийлаштирилганда, юкни олувчи юкни темир йўл станциясидан олиб чиқиш вақтигача, умумий фойдаланишда бўлмаган жойларда юк туширишда эса юк текширилган вақтдан эътиборан 24 соат ичида темир йўл станцияси бошлиғи орқали ёки бевосита темир йўл транспортининг (ташувчининг) ҳудудий бўлинмаси бошлиғига бу ҳақда ёзма ариза бериш ҳуқуқига эга.

Темир йўл станцияси бошлиғи орқали ариза берилганда, юкни олувчига ариза қабул қилинганлиги тўғрисида аризанинг нусхасига белги қўйилади.

Темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходимлари томонидан умумий шаклдаги далолатномани тузишдан бош тортиш ҳолатларида юк жўнатувчи ёки юкни олувчи темир йўл транспортининг (ташувчининг) ҳудудий бўлинмаси бошлиғига шикоят тақдим этади.

430. Темир йўл транспортининг (ташувчининг) ҳудудий бўлинмаси бошлиғи тижорат далолатномасини тузишдан бош тортиш ёки нотўғри расмийлаштириш тўғрисидаги шикоятга қўйидаги муддатларда жавоб бериши шарт: тез бузилувчан юклар бўйича бир сутка ичида;

бошқа юклар бўйича эса ариза қабул қилинган кундан уч сутка ичида.

Юкни олувчининг шикояти асосланган бўлса, темир йўл транспортининг (ташувчининг) ҳудудий бўлинмаси бошлиғи темир йўл транспортининг (ташувчининг) ваколатли ходимларига тижорат далолатномасини тузиш ёки нотўғри расмийлаштирилган далолатномани алмаштириш тўғрисида кўрсатма беради. Бунда, юк далолатномани тузиш муносабати билан кечиктирилган вақт давомида сақланганлиги учун юкни олувчидан тўлов ундирилмайди.

431. Халқаро йўналишлардаги ташишлар бўйича тижорат далолатномалари СМГС ва СМГСнинг хизмат йўриқномаси талабларига мувофиқ тузилади.

## **29-боб. Талабларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш**

432. Юк жўнатувчи (юкни олувчи) ёки унинг вакиллари томонидан юк йўқолгани, камомади, бузилиши ёки шикастланиши харажатларини ундириш тўғрисидаги талаблар темир йўл транспортига (ташувчига) ҳар бир юкхати бўйича алоҳида тақдим этилиши лозим.

Битта темир йўл станциясида битта юк жўнатувчи томонидан битта етказиш манзилидаги темир йўл станциясига битта юкни олувчининг манзилига юборилган бир хил турдаги юклар учун бир нечта юкхати бўйича, лекин

бештадан ортиқ бўлмаган битта талаб тақдим этилиши мумкин. Бутун маршрут ёки вагонлар гуруҳи учун битта тижорат далолатномаси тузилган юклар учун эса далолатномада кўрсатилган юкхатлари сонига мувофиқ талаблар тақдим этилади.

Тўғридан-тўғри аралаш қатновда бошқа транспорт турлари иштирокида ташилаётган юклар ҳар хил пунктлар орқали бир транспорт туридан бошқа транспорт турига ўтиб келган бўлса, бу юклар учун бир нечта юкхати бўйича битта талаб тақдим этишга йўл қўйилмайди.

Юк йўқолгани, камомади, бузилиши ёки шикастланиши харажатларини ундириш билан боғлиқ бўлмаган талаблар битта талаб аризасида тақдим этилиши мумкин.

Кўриб чиқиш учун юк ҳужжатлари ёки квитанциялар зарур бўлган талаб аризалари бундай ҳужжатлар зарур бўлмаган талабларни ўзида бирлаштирмаслиги лозим.

433. Талаб аризасида қуйидаги маълумотлар қайд этилиши лозим:

1) талабнинг мазмуни ва қисқача асосланиши;

2) талабнинг ҳар бир алоҳида тури ва ҳар бир алоҳида ҳужжат бўйича талаб суммаси;

3) талаб аризасини тақдим этувчининг (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) почта манзили тўғрисидаги маълумотлар (шаҳар, кўча, уй рақами, почта индекси);

4) аризачининг ҳисоб рақами очилган банк бўлими ва унинг банк реквизитлари;

5) талаб аризаси рақами ва тузилган санаси.

Талаб аризалари ташкилот раҳбари (унинг ўринбосари) ёки аризачи томонидан имзоланиши лозим.

434. Юк йўқолганда юк квитанциясининг аслини тақдим этишнинг имкони бўлмаса, аризачи жўнатиш темир йўл станциясининг юк жўнатишнинг тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этади.

Жўнатиш темир йўл станцияси маълумотномасида юкхатининг рақами, вагон рақами, етказиш манзилидаги темир йўл станцияси ва темир йўл транспорти (ташувчилар), юк жўнатувчининг ва юкни олувчининг номи, юк номи, миқдори ва оғирлиги, шунингдек юкни қабул қилиш ва жўнатиш санаси кўрсатилган бўлиши лозим.

Жўнатиш темир йўл станцияси маълумотномаси темир йўл станциясининг календарь штемпели билан тасдиқланади.

435. Юк камомади тўғрисидаги талаб аризасига юк оғирлиги табиий камайиши меъёрини ҳисобга олган ҳолда тузилган талаб суммасининг ҳисоб-китоби илова қилиниши лозим, агар ушбу турдаги юкка табиий камайиш меъёри белгиланган бўлса.

Талаб аризасида юк оғирлиги табиий камайиши меъёри ҳисоб-китоби кўрсатилган бўлса, талаб суммасининг ҳисоб-китоби илова қилиниши шарт эмас.

436. Жарималар бўйича ҳисоб-китоблардан келиб чиқадиган талаблар юзасидан аризаларга қуйидагилар илова қилинади:

1) ташишлар прогнози бажарилмагани ва йўналишда юк ортиш таъминланмагани учун жарима тўлаш тўғрисида — юк ташишлар прогнозини бажариш юзасидан темир йўл станцияси томонидан берилган ҳисобга олиш карточкалари;

2) тозаланмаган вагонлар қўйиб берилгани учун жарима тўлаш тўғрисида — темир йўл станцияси томонидан берилган умумий шаклдаги далолатнома;

3) вагонлар туриб қолгани учун жаримани қайтариш тўғрисида — вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш қайдномалари, темир йўл станцияси томонидан берилган умумий шаклдаги далолатномалар;

4) юк кечикиб етказиб берилгани учун жарима тўлаш тўғрисида — юкхати;

5) вагонларга техник меъёр ёки тўлиқ юк кўтариш қобилияти (сигими) доирасида юк ортилмаганлиги учун жаримани қайтариш тўғрисида — жарима нотўғри ундирилганини тасдиқловчи ҳужжатлар;

6) темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан ташкилотлар ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ёки улар томонидан ижарага олинган вагонлар (контейнерлар) ўзбошимчалик билан эгалланганлиги учун жарима тўлаш тўғрисида — ўзбошимчалик билан эгалланганлик ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлар, хусусан юкхати ёки юк квитанциялари, умумий шаклдаги далолатнома ёки бошқа далиллар, жарима миқдорининг ҳисоб-китоби;

7) вагонлар юк ортиш ва тушириш учун кечикиб қўйиб берилгани, вагонларни юк ортиш ва тушириш жойларидан олиб чиқиш ёки темир йўл шохобча йўлларида қабул қилиш кечиккани учун жарима тўлаш тўғрисида — вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш қайдномалари, шунингдек вагонлар қўйиб бериш ва олиб чиқиш учун тайёрлиги тўғрисида хабарномалар, қўйиб бериш ва олиб чиқиш муддатларини кўрсатган ҳолда шартномалардан кўчирмалар, томонлардан бири юқорида кўрсатилган икки томонлама ҳужжатларни имзолашдан бош тортган ҳолларда тузилган умумий шаклдаги далолатномалар;

8) ташкилотлар ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ёки улар томонидан ижарага олинган ҳаракатдаги таркиб (контейнерлар) темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан шикастланганлиги учун жарима тўлаш тўғрисида — темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан берилган умумий шаклдаги далолатнома, техник далолатнома, кўрсатилган ҳаракатдаги таркиб (контейнер) темир йўл томонидан шикастланганини тасдиқловчи ҳужжатлар ёхуд темир йўл транспорти (ташувчи) ушбу далолатномаларни беришдан бош тортишига нисбатан шикоят қилинганини тасдиқловчи далиллар ва етказилган шикастланиш факти ва миқдорини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳамда талаб суммасининг ҳисоб-китоби;

9) юк жўнатувчи, юкни олувчи, темир йўл шохобча йўллари эгаси томонидан темир йўл транспорти (ташувчи) парки вагонлари ва контейнерларидан темир йўл транспортининг (ташувчининг) рухсатсиз ўз ички ташишларида фойдаланилгани учун жарималарни қайтариш тўғрисида — жарима нотўғри ҳисобланганини (ундирилгани) тасдиқловчи ҳужжатлар.

Жарималарни ҳамда қўшимча иш ва хизматлар учун тўловларни қайтариш тўғрисидаги талаб аризаларига мазкур Қоидаларда кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари жарималар ҳамда қўшимча иш ва хизматлар учун тўловлар тўланганини тасдиқловчи ҳужжат (банкдан олинган тўлов талабномаси ва ушбу талабнома тўлангани ҳақида бош бухгалтер томонидан имзоланган маълумотнома, квитанция ёки темир йўл транспорти томонидан жарима ёки тўловларнинг ушбу суммаси тўловни амалга ошириш учун тақдим этилганини тасдиқловчи ҳужжат) илова қилиниши лозим.

Талаб аризаларига талаб мазмунига тааллуқли бўлмаган ҳужжатлар илова қилинмайди.

437. Юк жўнатувчи ва юкни олувчи ўртасидаги меъёрланган ва ҳақиқий намликни ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилинадиган юкнинг камомади тўғрисидаги талаб аризаларига юк қандай намликда жўнатилганини тасдиқловчи ҳужжат ва келган юкнинг намлик даражаси бўйича таҳлил маълумотлари илова қилинади, агар шундай таҳлил ўтказилган бўлса.

438. Тез бузилувчан юк бузилганлиги учун талаб аризасига темир йўл транспорти (ташувчи) иштирокида ўтказилган экспертиза далолатномаси илова қилиниши лозим.

439. Темир йўл транспортига (ташувчига) талаблар 6 ойлик муддат мобайнида, жарималарни тўлашга оид талаблар эса 45 кун мобайнида тақдим этилиши мумкин.

Кўрсатилган муддатлар қуйидагича ҳисобланади:

1) юк топширилган кундан бошлаб — юкнинг бузилиши, шикастланиши ёки камомади бўйича зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар бўйича;

2) етказиб бериш муддати тугагандан бошлаб 30 сутка ўтгач — юкнинг йўқотилганлиги бўйича зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар бўйича;

3) юкни етказиб бериш муддати ўтказиб юборганлиги тўғрисидаги талаблар бўйича юкни топширган кундан бошлаб;

4) жаримани тўлаш учун ўрнатилган 5 кунлик муддатнинг тугаши билан — юк ташиш режасини бажармаганлик учун жарима ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича;

5) талаб аризачиси томонидан жарима ҳисобланганлиги тўғрисидаги темир йўлнинг тўлов талабномаси (счетов) нухасини олган кундан бошлаб — вагонларнинг туриб қолганлиги ва контейнерлар ушланиб қолганлиги учун жаримани ва бошқа жарималарни қайтариш тўғрисидаги талаблар бўйича;

6) бошқа барча ҳолатларда — талабни тақдим этиш учун асос бўладиган ҳодиса содир бўлган кундан бошлаб.

440. Темир йўл транспортининг (ташувчининг) талабларни кўриб чиқиш топширилган бўлинмасига бевосита қўлда етказиб берилган талаблар, талабнинг иккинчи нухасида темир йўл транспортини (ташувчини) ваколатли ходимининг белгиси билан қабул қилинади.

Талаб аризаси почта орқали жўнатилганда қабул қилувчига топширилган ёки бевосита темир йўл транспортига (ташувчига) қўлда етказиб берилган кун талаб тақдим этилган кун деб ҳисобланади.

Агар талаб аризасини бериш муддати байрам куни ёки ҳафтанинг дам

олиш куни тугайдиган бўлса ва агар талаб аризаси улардан кейинги биринчи иш кунида почтага топширилган ёки бевосита темир йўл транспортига (ташувчига) қўлда етказиб берилган бўлса, талаб қўйиб бериш муддати ўтган ҳисобланмайди.

Агар юк маршрут ёки вагонлар гуруҳи билан битта юкхати бўйича келаётган бўлса ва етказиш манзилидаги темир йўл станциясида бу юк асосий юкхати бўйича ва қўшимча йўл қайдномалари бўйича топширилган бўлса, бундай юк ҳужжатлари бўйича талаб тақдим этиш муддатларининг бошланиши юк охирги қисмини қўшимча йўл қайдномаси бўйича берилган пайтдан ҳисобланади.

441. Агар талаб Темир йўл уставининг талабларини бузган ҳолда берилган бўлса, бундай талаб темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан аризачига кўриб чиқилмасдан талаб олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай қайтарилади.

Бунда, аризачи Темир йўл уставида белгиланган муддатларда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда талаб аризаси билан қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

442. Йўқотиш ва шикастланиш тўғрисидаги талаблар қондирилишида қопланиши лозим бўлган юкларнинг қиймати Темир йўл уставида белгиланган тартибда аниқланади.

443. Темир йўл транспорти (ташувчи) талаб тақдим этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатларда тақдим этилган талабни кўриб чиқиши ва уни қондирилиши ёки рад этилиши тўғрисида аризачини хабардор этиши шарт:

3 ой мобайнида — темир йўл қатновларда ташишда юзага келган талаблар бўйича;

45 кун мобайнида — жарималарни тўлаш тўғрисидаги талаблар бўйича.

Агар темир йўл транспорти (ташувчи) талабни рад этса, хабарномада шикоятни рад этиш сабаблари кўрсатилиши лозим.

Хабарномани темир йўл транспорти (ташувчи) раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган шахс имзолайди.

444. Агар талаб темир йўл транспорти (ташувчи) томонидан аризачига номаълум бўлган далолатномага асосан рад этилган бўлса, бунда темир йўл транспорти (ташувчи) аризачига хабарнома билан бирга аризачига номаълум бўлган далолатнома нусхасини ҳам юборади.

445. Талаб тўлиқ миқдорда қаноатлантирилганда, аризачи тақдим этган ҳужжатлар қайтарилмайди ва темир йўл транспорти (ташувчи) иш жилдларида қолдирилади.

446. Экспорт ва импорт юкларига даъволарни топшириш ва кўриб чиқиш СМГС ва СМГСнинг хизмат йўриқномаси талабларига мувофиқ амалга оширилади.

### **30-боб. Темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш шартлари ҳамда вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш тартиби**

#### **1-§. Умумий шартлар**

447. Темир йўл шохобча йўлларида техник хизмат кўрсатиш ва улар-



ни таъмирлаш ишлари бўйича мажбуриятлар уларнинг тегишлилигига қараб аниқланади.

Инфратузилма эгасига тегишли темир йўл шохобча йўлларидадан фойдаланувчи юк жўнатувчилар, юкни олувчилар темир йўл шохобча йўлларини чиқиндилардан, қор, юк қолдиқларидан, бегона ўтлардан тозалаб туришлари, ёгингарчилик ва оқава сувлар ўтишини, эгаллаб турган ҳудуд чегарасида темир йўл шохобча йўлларининг (юкларни ортиш ва тушириш жойлари) ёритилишини таъминлашлари, шунингдек темир йўлларда бегона буюмлар бўлишига йўл қўймасликлари лозим.

448. Темир йўл шохобча йўллари умумий фойдаланиш темир йўллари билан чегарадош бўлади.

Темир йўл шохобча йўлларининг чегараси «Темир йўл шохобча йўл чегараси» белгиси билан белгиланади. Ушбу белгининг ўрнатиш жойи инфратузилма эгаси томонидан шохобча эгаси билан келишилган ҳолда аниқланади.

Юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар темир йўл шохобча йўлларида ортиш габаритини, вагонларни тозалаш, вагонга ортилган юк оғирлигини назорат қилиш учун габарит дарвоза, кузатув минораси, тарози ва бошқа техник мосламалардан фойдаланишлари керак.

449. Темир йўл шохобча йўллари тасдиқланган лойиҳа ва техник ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак.

Темир йўл шохобча йўллари доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун очилиши мумкин.

450. Ҳар бир темир йўл шохобча йўллари учун унинг эгаси томонидан режа, темир йўлларнинг чизмаси, техник паспорти, бўйлама кесими ва сунъий иншоотлар чизмалари ишлаб чиқилиши керак. Ушбу ҳужжатлар тўплами темир йўл шохобча йўлини фойдаланишга қабул қилишда инфратузилма эгасига тақдим этилади.

Темир йўл шохобча йўлларининг техник паспортида рельслар, шпаллар, темир йўл балласти, ер қатлами, омбор бинолари, майдончалар, иншоотлар, шахсий ҳаракат таркиби, манёвр воситалари, тарози ускуналари, ортиш, тушириш, вагонларни тозалаш ва ювиш учун мўлжалланган механизмлар ва қурилмалар, вагон билан манёвр ишларини бажаришда қўлланиладиган механизм ва қурилмалар мавжудлиги, шунингдек саралаш тепалиги, тортиш йўллари, поезд ва манёвр ишларида қўлланиладиган сигналлаштириш, марказлаштириш, блоклаштириш ва алоқа қурилмалари ҳамда бошқа қурилма ва механизмлар мавжудлиги кўрсатилади.

Янги объектлар фойдаланишга топширилганда ёки улар ёпилган ҳолларда шохобча эгаси техник паспортга тегишли ўзгартиришларни ўз вақтида киритади ва техник паспортнинг бир нусхасини инфратузилма эгасига топширади, унга паспортга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда хабар беради.

Инфратузилма эгаси темир йўл шохобча йўлларига туташган темир йўл станцияси техник-маъмурий далолатномасига ўзгартириш киритилишини таъминлайди ва техник-маъмурий далолатномасига темир йўл шохобча йўллари қайдномасини илова қилади.

451. Ҳар бир темир йўл шохобча йўллари учун хизмат кўрсатиш ва темир йўл шохобча йўлларида ҳаракатни ташкил қилиш бўйича йўриқнома тузилади (бундан буён матнда йўриқнома деб юритилади). Йўриқнома шохобча эгаси ва контрагент томонидан ишлаб чиқилади ва станция бошлиғи билан келишилади ҳамда инфратузилма эгаси томонидан тасдиқланади.

Йўриқномада темир йўл шохобча йўлларининг йўллар тизими хусусияти, «Темир йўл шохобча йўл чегараси» белгиси ўрнатиладиган жой, темир йўл шохобча йўлларида ҳаракатланишга рухсат этилган поезд оғирлик меъёри ва узунлиги, рухсат этилган максимал ҳаракат тезлиги, локомотивлар тури, манёвр ҳаракатланиш тартиби, стрелкали ўтказгичлар нормал ҳолати, мавжуд сигналлар ва уларнинг жойлашиши, вагонлар маҳкамлаш меъёрлари ва поездлар ҳаракат хавфсизлиги, ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва юклар бутлигини таъминлаш билан боғлиқ бошқа қоидалар кўрсатиб ўтилади.

Йўриқнома тасдиқлангунга қадар темир йўл шохобча йўлларига вагонларни қўйиб бериш тақиқланади.

Темир йўл шохобча йўлларининг техник жиҳозланиши ва унинг ишлаш технологияси ўзгарган тақдирда йўриқнома қайта кўриб чиқилади.

Шохобча эгаси ўзгарган тақдирда, ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда янги йўриқнома тасдиқланади. Йўриқноманинг шакли, уни тузиш ва юритиш тартиби темир йўл (инфратузилма эгаси) томонидан белгиланади.

452. Инфратузилма эгасига (ташувчига) тегишли бўлмаган ҳаракатдаги темир йўл таркибининг умумий фойдаланишдаги темир йўлларига чиқиш, шунингдек ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан темир йўл шохобча йўлини техник кўриқдан ўтказиш (текшириш) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомнинг 27-иловасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **2-§. Темир йўл шохобча йўлларидан фойдаланиш, вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномалари тузиш тартиби ва шартлари**

453. Темир йўл шохобча йўллари тегишлилигига қараб инфратузилма эгаси (ташувчи) ва шохобча эгаси, контрагент ўртасида темир йўл шохобча йўлидан фойдаланиш шартномаси ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаси тузилади.

Темир йўл шохобча йўлидан фойдаланиш шартномаси ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаси инфратузилма эгаси (ташувчи), шохобча эгаси ва контрагент ўртасида электрон шаклда электрон рақамли имзо билан (ЭРИ) тасдиқлаш орқали тузилиши мумкин.

454. Темир йўл шохобча йўлларидан фойдаланиш шартномаси:

темир йўл шохобча йўлига хизмат кўрсатиш шохобча эгасига тегишли локомотив билан амалга оширилганда, инфратузилма эгаси (ташувчи) ва шохобча эгаси ўртасида;

темир йўл шохобча йўлига хизмат кўрсатиш инфратузилма эгасига (та-

шувчига) тегишли локомотив билан амалга оширилганда, инфратузилма эгаси (ташувчи) ва шохобча эгаси ўртасида;

темир йўл шохобча йўлларига хизмат кўрсатиш контрагентга тегишли локомотив билан амалга оширилганда, инфратузилма эгаси (ташувчи) ва контрагент ўртасида тузилади. Бунда, шартнома фақат шохобча эгасининг вагонларни контрагент томонидан ортиш, тушириш жойларига ўтказишга розилиги асосида тузилиши мумкин. Ушбу розилик шохобча эгасининг темир йўл шохобча йўлларидан фойдаланиш шартномасидаги имзоси ва мухри ёки ёзма розилиги билан тасдиқланади.

455. Вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаси темир йўл шохобча йўлига хизмат кўрсатиш инфратузилма эгасига (ташувчига) тегишли локомотив билан амалга оширилганда инфратузилма эгаси (ташувчи) ва контрагент ўртасида тузилади. Бунда, шартнома фақат шохобча эгасининг вагонларни контрагент томонидан ортиш, тушириш жойларига қўйиб бериш ва олиб чиқишга розилиги асосида тузилиши мумкин. Ушбу розилик шохобча эгасининг вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномасидаги имзоси ва мухри ёки ёзма розилиги билан тасдиқланади.

456. Контрагент ва шохобча эгаси орасидаги муносабатлар улар ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солинади.

Шартномада контрагентга транспорт хизматини кўрсатиш, шохобча эгасининг темир йўл шохобча йўлларидан фойдаланиш тартиби, шохобча эгасининг ёки контрагентнинг локомотиви билан қабул қилиб топшириш йўлларига (йўлларидан) вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш тартиби, вагонлар ва контейнерларнинг туриб қолганлиги, фойдаланганлиги ва уларни шикастланганлиги учун жавобгарлик ва бошқа масалалар келишиб олинади.

Инфратузилма эгасининг (ташувчининг) локомотиви билан контрагентга хизмат кўрсатилганда, инфратузилма эгаси (ташувчи) ва контрагент ўртасида вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаси тузилади ҳамда вагонлар, контейнерлар шикастланиши, улардан темир йўл шохобча йўлида фойдаланганлик ҳамда туташган темир йўл станциясида вагон ва контейнерларни қўйиб беришга қадар туриб қолиши билан боғлиқ жавобгарлик улар ўртасида тартибга солинади.

457. Темир йўл станциясига алоҳида туташган бир нечта темир йўл шохобча йўлларига эга ташкилотларга хизмат кўрсатишда темир йўл шохобча йўлларидан фойдаланиш шартномаси ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаси туташган ҳар бир темир йўл шохобча йўллари учун алоҳида тузилади.

Инфратузилма эгаси (ташувчи) ва хизмат кўрсатиладиган ташкилот ўртасидаги келишувга асосан ягона шартнома тузилиши мумкин.

458. Темир йўл шохобча йўлларидан фойдаланиш шартномаси ва вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаси вагонлар қўйиб бериш ва олиб чиқиш тартиби, қабул-қилиб топшириш операцияларини бажариш жойи ва тартиби, темир йўл шохобча йўлларига бир вақтда топшириладиган вагонлар сони, қўйиб бериш ва олиб чиқиш йиғимини ҳисоблаш учун зарур маълумотлар ва инфратузилма эгасига (ташувчига) белгиланган тўловларни

киритиш тартиби, ортиш, тушириш жойлари (фронтлар ўлчамлари) сифими, вагонлар билан ортиш-тушириш ишларини бажариш технологик меъёрлари, томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва бошқа тартибларни белгилайди.

459. Темир йўл шохобча йўлларидадан фойдаланиш шартномаси ва вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаси 5 йилгача муддатга тузилади.

Шартномаларни қайта тузиш даврида низолар ҳал қилингунга қадар барча муносабатлар, агар томонлар ўртасида аввалги шартномалар амал қилиш муддатини узайтириш бўйича тегишли келишув мавжуд бўлса, келишмовчиликлар аввал тузилган шартномалар шартлари билан тартибга солинади.

Темир йўл шохобча йўлларидадан фойдаланиш шартномалари ва вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномалари билан уларнинг амал қилиш муддатлари тугагунга қадар темир йўл станцияси ёки темир йўл шохобча йўллари техник жиҳозланиши ёки ишлаш технологияси ўзгарган тақдирда шартнома шартларига ўзгартириш киритиш ёки бу шартномаларни қайта тузиш тартиби қўзда тутилади.

Мазкур шартномаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лойиҳаси ушбу Қоидалар 464-бандида белгиланган тартиб ва муддатларда ишлаб чиқилади.

460. Агар шохобча эгаси ёки контрагент ўзгарган бўлса, янги шохобча эгаси, контрагент ёки инфратузилма эгаси (ташувчи) ўртасида темир йўл шохобча йўлларидадан фойдаланиш ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш бўйича янги шартномалар тузилади.

Бундай ўзгариш ҳақида инфратузилма эгаси (ташувчи) шохобча эгаси ёки контрагент томонидан ўзгариш содир бўлган вақтдан бошлаб 10 кун ичида хабардор қилиниши керак.

461. Инфратузилма эгаси (ташувчи) шохобча эгаси ёки контрагент билан темир йўл шохобча йўлларидадан фойдаланиш шартномаси ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш бўйича тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддати тугашидан камида икки ой аввал янги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишга киришишлари керак.

462. Темир йўл шохобча йўлларидадан фойдаланиш шартномаси ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномалари тузилишдан аввал унинг шартларини аниқлаб олиш учун инфратузилма эгаси (ташувчи) шохобча эгаси ёки контрагент билан ҳамкорликда темир йўл шохобча йўли ва унинг техник жиҳозланишини текширувдан ўтказадилар. Текшириш натижалари мазкур Қоидаларнинг 42-иловасига\* мувофиқ шаклдаги темир йўл шохобча йўллари иш шароитларини текшириш далолатномаси билан (бундан кейинги матнда текшириш далолатномаси деб юритилади) расмийлаштирилади.

463. Текшириш далолатномаси текширишда иштирок этган инфратузилма эгаси (ташувчи), шохобча эгаси ва контрагент ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланади.

Текширишда иштирок этган томонлар ёки уларнинг вакиллари текшириш далолатномасини имзолашдан бош тортганда, унда ёзма равишда ёки далолатномага бириктирилган алоҳида варақда ўзининг эътирозларини кўрсатиб ўтади.

\* 42-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Текшириш далолатномаси уч нусхада тузилади, биринчи нусхаси шохобча эгаси ёки контрагентда, иккинчи нусхаси туташган темир йўл станциясида, учинчи нусхаси инфратузилма эгасида (ташувчида) қолади.

464. Темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш шартномаси ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаси қўйидаги тартибда тузилади. Темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш шартномаси ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаси лойиҳаси инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан ишлаб чиқилади.

Инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан имзоланган шартнома лойиҳасининг икки нусхаси имзоланган учун шохобча эгаси ёки контрагентга юборилади, улар қабул қилинган шартнома лойиҳасини имзолайдилар ва уни 30 кунлик муддатда инфратузилма эгасига (ташувчига) қайтардилар. Ушбу муддат шартнома лойиҳасини тўғридан-тўғри етказиб беришда шартнома лойиҳасини қабул қилиб олгани ҳақида манзилдаги шахсининг лавозими ва фамилияси кўрсатилган ёзуви қайд этилган ва имзоси қўйилган (почта орқали жўнатилганда қабул қилувчига топширилган кундан ёки хабарнома орқали жўнатилганда — хабарномада қабул қилувчига топширилган сана кўрсатилган кундан) кундан бошлаб ҳисобланади.

Келишувга эришилмаганда низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш шартлари, инфратузилма эгасига (ташувчига) тўланиши лозим бўлган тўловлар қиймати ва тўлаш тартиби ўзгарган ҳолларда, томонлар темир йўл шохобча йўлидан фойдаланиш шартномаси ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномасига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишлари лозим.

465. Юк жўнатувчилар, юкни олувчиларга шохобча эгаси ёки контрагентга тегишли локомотивлар билан хизмат кўрсатилганда вагонларни ва юкларни топшириш операциялари инфратузилма эгаси (ташувчи) ва шохобча эгаси ёки контрагент ўртасида амалга оширилади.

Шохобча эгаси ёки контрагент ташувчига юк жўнатувчи, юкни олувчининг тегишли ишончномаларини тақдим этишлари керак.

466. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти таркибига кирувчи ташкилотлар билан темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш шартномаси ва вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаси тузилмайди.

Вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш тартиби, вагонлар, контейнерларнинг темир йўл шохобча йўлларида туриш вақтини ҳисобга олиш ва темир йўл тизимига кирувчи ташкилотлар ва алоҳида таркибий бўлинмалар (филиаллар)га хизмат кўрсатувчи шохобча темир йўлларида фойдаланиш шартлари темир йўл транспорти томонидан белгиланади.

467. Шохобча эгаси бўлмаган, шунингдек ўзига тегишли бўлмаган темир йўл шохобча йўлларида омбор ва ортиш-тушириш майдончаларига эга бўлмаган юк жўнатувчилар ва юкни олувчиларнинг иши вақтинчалик характерга эга бўлса ва томонлар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлмаса вагонларни темир йўл шохобча йўлларида қўйиб бериш ва олиб чиқиш ишлари, юк жўнатувчи ёки юкни олувчи билан шохобча эгаси ёки контрагент ва

инфратузилма эгаси (ташувчи) ўртасида тузиладиган вақтинчалик келишув асосида амалга оширилиши мумкин. Ушбу келишувда унинг амал қилиш муддати, тўловни амалга оширувчи, вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш тартиби, вагонлар, томонлар мажбуриятлари ва транспорт хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ҳолатлар кўрсатилади.

Иш узоқ муддатли характерга эга бўлганда, юк жўнатувчи (юкни олувчи) бўйича инфратузилма эгаси (ташувчи) билан шахобча эгаси ўртасида вагонлар қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномасига қўшимча киритилади.

### **3-§. Вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш**

468. Темир йўл шохобча йўлларига шохобча эгаси ёки контрагентга тегишли локомотивлар хизмат кўрсатганда, вагонлар инфратузилма эгаси (ташувчи) локомотивлари билан темир йўл шохобча йўлларидан фойдаланиш шартномаси ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномасида белгиланган вагонларни қабул қилиб топшириш йўлларига қўйиб берилади.

Вагонларни кейинги ҳаракатланиши, ортиш, тушириш жойларига тарқатиш ва қабул қилиб топшириш йўлига қайтариш шохобча эгаси ёки контрагентга тегишли локомотив билан амалга оширилади. Қабул қилиб топшириш йўллари сифатида умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва темир йўл шохобча йўллари ишлатилиши мумкин.

Темир йўл шохобча йўлларига инфратузилма эгаси (ташувчи) локомотиви билан хизмат кўрсатилса, вагонлар тўғридан-тўғри темир йўл шохобча йўлларига (темир йўл шохобча йўлларидан) ортиш, тушириш жойларига қўйиб берилади ва олиб чиқилади.

469. Темир йўл шохобча йўлларига инфратузилма эгаси (ташувчи) локомотиви билан хизмат кўрсатилганда, вагонлар, контейнерлар ва юкларни топшириш ва қабул қилиш ишлари ортиш-тушириш жойларида, шохобча эгаси ёки контрагентга тегишли локомотив билан хизмат кўрсатилса қабул қилиб топшириш йўлларида амалга оширилади.

Вагонларни темир йўл шохобча йўлига топшириш ва темир йўл шохобча йўлидан қабул қилиб олиш қабул қилувчи ва топширувчи томонлар ваколатли вакилларининг қабул қилиб топширувчи эслатмасида қўйиладиган имзолари билан тасдиқланади.

Вагонлар, контейнерлар ва юкларни қўриқлаш темир йўл шохобча йўлларида, шунингдек ташкилот ҳудуди чегарасида ва инфратузилма эгасига тегишли темир йўл шохобча йўлларининг ортиш-тушириш жойларида (фронтларида), темир йўл станцияси ёки перегонда (станциялар оралиғида) жойлашган қабул қилиб топшириш йўлида, инфратузилма эгасидан (ташувчидан) қабул қилиб олингандан кейин темир йўл шохобча йўлларидан фойдаланиш шартномаси ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаси ким билан тузилганлига қараб шохобча эгаси ёки контрагент томонидан таъминланади.

470. Вагонлар қабул қилиб топшириш йўлига топширилганда, бир вақтда қўйиб бериладиган вагонларнинг максимал сони қабул қилиб топшириш йўлининг фойдали узунлиги ёки локомотив қувватига қараб аниқланади.

Темир йўл шохобча йўлининг ортиш-тушириш жойларига инфратузилма эгаси (ташувчи) локомотиви билан хизмат кўрсатилганда, бир вақтда қўйиб бериладиган вагонлар миқдори (бир вақтда қўйиб бериладиган вагонлар максимал сони) ортиш-тушириш жойлари сифмига қараб локомотив тортиш кучини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Вагонларни қайта жойлаштириш учун манёвр воситалари мавжуд бўлса ёки юкларни ҳаракатланувчи ортиш-тушириш механизмлари билан қайта ишлаш имконияти бўлса бир вақтда қўйиб бериладиган вагонлар миқдори ортиш, тушириш жойлари сифмидан ортиқ бўлиши мумкин. Бир вақтда қўйиб бериладиган вагонлар миқдори манёвр воситалари қуввати ва ҳаракатланувчи механизмлар қайта ишлаш қобилиятини ҳисобга олиб белгиланади.

Темир йўл шохобча йўлларига бир вақтнинг ўзида қўйиб бериладиган вагонларнинг максимал сони маҳаллий йўриқнома билан белгиланади ва темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш шартномасида ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномасида кўрсатилади.

471. Темир йўл шохобча йўлларига вагонларни қўйиб бериш ва шохобча темир йўлларида уларни олиб чиқиш хабарнома асосида бажарилади.

Вагонларни қўйиб бериш вақти ҳақида хабарнома инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан шохобча эгаси ёки контрагентга (шохобча темир йўлларида фойдаланиш ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномаси ким билан тузилганлигига кўра) вагонлар қўйиб берилишидан икки соат олдин, вагонлар қўйиб берилиши хабарномада кўрсатилган вақтдан икки соатдан ортиқ кечикканда, хабарнома қайта берилиши керак.

Вагонларни қўйиб бериш вақти бўйича хабарномалар телефон ёки бошқа алоқа воситалари орқали сутка давомида бериб борилади, инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан темир йўл станциясида юритиладиган вагонларни ортиш ёки тушириш учун қўйиб бериш вақтлари ҳақидаги ёзувлар хабарнома китобида қайд қилинади.

Хабарномалар учун барча мавжуд алоқа воситалари ишлатилиши мумкин.

Хабарномалар қабул қилинишини таъминлаш учун шохобча эгаси ёки контрагент томонидан хабарномаларни қабул қилиш бўйича масъул шахслар аниқланиб, уларнинг фамилияси ва телефон (факс, телекслар) рақамлари инфратузилма эгасига (ташувчига) хабар қилинади.

Хабарнома юк жўнатувчилар, юкни олувчиларга хизмат кўрсатувчи темир йўл станциялари бўлинмаларида эълонлар жойлаштириш йўли билан амалга оширилиши мумкин ва қўйиб берилган вагонларнинг темир йўл шохобча йўлларида турган вақти хабарномада кўрсатилган пайтдан бошлаб ўз вақтида қўйиб берилган вагонлар деб ҳисобланади.

Агар темир йўл шохобча йўлларида юк туширишдан бўшаган вагонларга юк ортиш ишлари, яъни иккиламчи операция бажарилса, унда бўш вагонларни қўйиб бериш вақти ҳақида хабарнома бериш талаб этилмайди.

Вагонларни қўйиб бериш вақти ҳақида хабарнома бериш тартиби темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномасида кўрсатилади.

Вагонлар темир йўл шохобча йўлларида ёки қабул қилиб топшириш йўлларида олиб чиқишга тайёр бўлганда, шохобча эгаси ёки контрагент инфратузилма эгасига (ташувчига) юк операциялари тугаган вақти ҳақида ёзма хабарнома бериши керак.

Ушбу хабарнома телефон орқали, кейинчалик ёзма равишда тасдиқлаш орқали берилиши мумкин. Хабарномада уни бериш вақти ва берган шахнинг фамилияси кўрсатилиши керак.

Инфратузилма эгаси (ташувчи) берилган хабарномаларни рўйхатдан ўтказиш учун юк операциясини тугатиш вақти ҳақида хабарномалар китобини юритади. Юк операциялари тугаган вақти ҳақида хабарномалар бериш тартиби темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномасида кўрсатилади.

Агар юк ортиш, тушириш жойларига бир вақтда қўйиб берилаётган вагонлар партияси ортиш ва тушириш жойларининг сифмидан ортиқ бўлса ва уларни инфратузилма эгасининг (ташувчининг) локомотиви билан қайта қўйишсиз ортилиши ёки туширилиши мумкин бўлган ҳолларда, бир вақтнинг ўзида ортиш ва тушириш учун қўйиб берилган барча вагонларни олиб чиқишга тайёрлиги ҳақида хабарнома берилади. Агар инфратузилма эгасида (ташувчида) бундай имконият мавжуд бўлса, бир вақтда қўйиб берилган вагонларнинг ортилган ёки туширилган қисмини олиб чиқишга йўл қўйилади.

472. Юкли ва бўш вагонларни инфратузилма эгасининг (ташувчининг) локомотиви билан темир йўл шохобча йўлларидаги ортиш-тушириш жойларига ёки туташ темир йўл станция ҳудудидан ташқарида жойлашган қабул қилиб топшириш йўлларида қўйиб берилганлиги ҳамда вагонларни ортиш-тушириш жойларидан ёки бундай қабул қилиб топшириш йўлларида олиб чиқилганлиги учун инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан тўлов ундирилади.

Ортиш-тушириш ва қайта ортиш ишлари темир йўл станцияси ичида жойлашган умумий фойдаланиш жойларида амалга оширилган тақдирда, инфратузилма эгаси (ташувчи) юк жўнатувчи, юкни олувчидан вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш учун тўлов ундирмайди.

473. Механизациялашмаган ҳолда ортиш-тушириш ишлари бажарилганда, яъни юкни тўғридан-тўғри вагонга юкланганда ёки вагондан қўл меҳнатидан фойдаланиб туширилганда ортиш, тушириш жойлари сифми бир хил турдаги юкларни бир вақтда ортиш ёки тушириш учун фойдаланиш мумкин бўлган омборнинг, ортиш-тушириш темир йўлининг фойдали узунлиги бўйича жойлаштириладиган вагонлар сони бўйича белгиланади.

Ортиш ва тушириш жойларини бир хил турдаги юклар бўйича бўлиш, омбор майдонларининг бундай юклар учун доимий ихтисослашган тақдирда амалга оширилади. Бир хил ҳолатда (тўқилган, уюлган, қуйилган ҳолда ва бошқалар) ташиладиган, бирга сақланиши мумкин бўлган юклар бир турдаги юклар ҳисобланади.

Ёпиқ омборларда сақлаш талаб этиладиган юклар учун ортиш-тушириш жойларининг сифми, омбордаги эшиклар орасидаги масофани ҳисобга олган ҳолда эшиклар сонига тенг бўлган вагонлар сони билан белгиланади.



474. Нефть, нефть маҳсулотлари ва цистерналарда қуйилган ҳолда ташиладиган бошқа юклар бўйича ортиш-тушириш жойлари сифими қуйиш ва тўкиш қурилмаси орасидаги масофани ҳисобга олган ҳолда унинг сонига тенг миқдордаги цистерналар сони билан, рельс орасига тўкишда эса тўкиш жойидаги йўлнинг фойдали узунлигида жойлаштириладиган цистерналар сони билан белгиланади. Зарур ҳолларда, қуйиш ва тўкиш жойлари сифими юк тури бўйича (қора нефть маҳсулотлари, ёруғ нефть маҳсулотлари, мойлар ва бошқалар) ва цистерна ўқи (тўрт ўқли ва саккиз ўқли) бўйича белгиланади.

475. Қуйиладиган юклардан ташқари бошқа ҳамма юклар механизациялашган ҳолда, яъни юкни вагонга тўғридан-тўғри етказиб бериш ёки юкни вагондан олиш механизми ёрдамида бажарилганда, ортиш ва тушириш жойлари сифими ортиш-тушириш механизмлари ва қурилмалари сони ҳамда қайта ишлаш қуввати бўйича, бир вақтда ҳар бир механизм ёки қурилма ёрдамида қайта ишланиши мумкин бўлган вагонлар сони бўйича белгиланади.

Темир йўл шохобча йўлларида юкларни ортиш, тушириш механизмлари жорий этилганда, улар механизациялашмаган усулда қайта ишланадиган вагонлар билан тенг миқдордаги вагонларни шу вақтичида қайта ишлай олмас, ушбу темир йўл шохобча йўлларида ортиш-тушириш жойлари сифими механизациялашган ҳолда механизмлар сони бўйича, қолган қисмида эса механизациялашмаган ҳолда юкларни қайта ишлашга сақлаб қолинади.

476. Инфратузилма эгасининг (ташувчининг) локомотиви билан хизмат кўрсатиладиган шохобча темир йўлларида ортиш, тушириш жойлари сифими ва омборлар майдонларининг бир хил юклар бўйича ихтисослашганлиги темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш ҳақидаги шартномада ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномасида кўрсатилади.

Шартномада кўрсатилган ортиш-тушириш жойлари сифими омборлар тўлдирилганлигига боғлиқ ҳолда камайтирилиши мумкин эмас.

#### **4-§. Вагонларнинг темир йўл шохобча йўлларида турган вақтини ҳисобга олиш**

477. Инфратузилма эгасининг (ташувчининг) локомотиви билан хизмат кўрсатиладиган темир йўл шохобча йўлларида вагонларнинг юк ортиш ва тушириш учун туриш вақти қабул қилиб топширувчи эслатмасига асосан вагонлар, контейнерларни ортиш ёки тушириш жойларига ҳақиқий қўйиб берилган вақтдан бошлаб станция томонидан шохобча эгаси ёки контрагентдан юкни қўйиб бериш учун зарур ташиш ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда юк операциялари тугаганлиги ҳақидаги хабарнома олингунга қадар ҳисобланади.

Темир йўл станциясига шохобча эгаси ёки контрагентнинг юк операциялари тугаганлиги ҳақидаги хабарномаси ортиш-тушириш жойига ва вагонлар гуруҳига, ушбу Қоидаларининг 474 ёки 476-бандига мувофиқ темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш ҳақидаги шартнома ёки вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномасида белгиланган бир вақтда қўйиб бериладиган вагонлар сонига қараб берилади.

Инфратузилма эгасининг (ташувчининг) бир вақтнинг ўзида қўйиб берилган вагонлар гуруҳидан ортилган ёки туширилган қисмини олиб чиқишга розилиги ва имконияти бўлган тақдирда, ушбу вагонларнинг темир йўл шохобча йўлларида туриш вақти юк операциялари тугаганлиги ҳақидаги хабарнома китоби ва вагонларни қабул қилиб топширувчининг эслатмасига мувофиқ юк операциялари ҳақиқий тугаган вақтигача ҳисобланади.

478. Инфратузилма эгаси (ташувчи) локомотиви билан хизмат кўрсатилмайдиган темир йўл шохобча йўлларида вагонларнинг туриб қолиш вақти, вагонларни қабул қилиб топширувчининг эслатмасига асосан темир йўл станция томонидан вагонларни қабул қилиб топшириш йўлида шохобча эгаси ёки контрагентга топширган вақтдан бошлаб, вагонларни қайтариш пайтига ва қабул қилиб топшириш йўлида шохобча эгаси ёки контрагент томонидан юкни бериш учун ташиш ҳужжатлари расмийлаштирилган ҳолда темир йўл станциясига қайта топширгунга қадар ҳисобланади.

479. Темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш ҳақидаги шартнома ва вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш шартномасида қўйидаги вақтлар (вагонлар айланиш муддати) ўрнатилиши мумкин:

1) қабул қилиш-топшириш операциялари учун шохобча эгасининг локомотиви билан қўйиб берилаётган вагонлар сонига қараб ҳар бир вагонга 1 минут, лекин бир вақтнинг ўзида берилаётган вагонлар партиясига 30 минутдан кўп бўлмаган миқдорда;

2) вагонларни темир йўл шохобча йўлларида шохобча эгаси ёки контрагентнинг локомотиви билан ҳаракатланиши ва манёвр операцияларини бажариши учун ҳаракатланиш масофаси ва тезлигидан келиб чиқиб ҳисоб китоб йўли билан аниқланадиган вақт;

3) мазкур Қоидаларнинг 10-бобида белгиланган вагонларни ортиш ва тушириш вақти;

4) шохобча эгаси ёки контрагентнинг локомотиви билан темир йўл таркибини тарқатиш учун 25 дақиқадан ва темир йўл таркибини шакллантириш учун 30 дақиқадан ошмаган миқдорда.

480. Инфратузилма эгаси (ташувчи) локомотиви билан вагонлар хабарномасиз ёки муддатлари бузилган ҳолда қўйиб берилганда, вагонлар қўйиб берилган ҳисобланади ва вагонлар бекор туриш вақти:

1) хабарномасиз берилганда — вагонлар ҳақиқий қўйиб берилган пайтдан икки соат ўтгандан сўнг;

2) хабарномада кўрсатилган муддатдан олдин қўйиб берилганда — кўрсатилган муддат келгандан сўнг;

3) хабарномада кўрсатилган вақтдан кечикиб қўйиб берилганда — вагонлар ҳақиқий қўйиб берилган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Агар кечикиш икки соатдан ошиб кетса, ташувчи қайта қўйиб бериш вақти ҳақида яна хабар бериши керак.

481. Вагонларни қабул қилиб топширувчининг эслатмаси ва умумий шаклдаги далолатномалар тузилган ҳолатда вагонларнинг темир йўл шохобча йўлларида туриш вақтини ҳисобга олиш улар асосида амалга оширилади.

Вагонларни туриб қолганлиги учун жарималарни ҳисоблаш вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш қайдномалари бўйича амалга оширилади.

482. Юкларни ортиш-тушириш ва қайта ортиш инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан амалга оширилганда, юк жўнатувчи, юкни олувчидан вагонларнинг туриб қолганлиги учун жарима ундирилмайди.

483. Инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан ортиш учун инфратузилма эгасининг (ташувчининг) тозаланмаган бўш вагонлар қўйиб берилган бўлса ва тегишли ишлар юк жўнатувчи томонидан бажарилган бўлса, вагонни тозалаш вақти инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан тузилган умумий шаклдаги далолатномага асосан вагонларни бекор туриш вақтига киритилмайди ҳамда вагонларни тозалаш вақтида туриб қолганлиги учун жарима ундирилмайди.

484. Юкли ва бўш вагонларнинг жўнатиш ёки манзил темир йўл станциясида юк жўнатувчига, юкни олувчига боғлиқ сабабларга кўра (юк хужжатларини расмийлаштириш, божхона операциялари, катта гуруҳли вагонлар келиши, тушириш учун қўйиб беришни станцияда кутиб қолган маршрутлар, ортиш-тушириш жойларининг (фронтларининг) олдин қўйиб берилган вагонлар билан бандлиги ва бошқа сабаблар) кечиктирилганда, ҳар бир туриб қолиш ҳолати бўйича инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан умумий шаклдаги далолатнома расмийлаштирилади.

Умумий шаклдаги далолатномада:

вагонлар қўйиб беришда кечиктириш сабаблари;

темир йўл шохобча йўлларига қўйиб беришга тайёр бўлган, туриб қолган барча вагонлар сони, уларнинг рақами, темир йўл станцияга келган саноиси ва вақти;

вагонлар кечиктиришининг бошланиш вақти;

бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Вагонларнинг кечиктирилиши тугаши билан ушбу умумий шаклдаги далолатномага қўшимча равишда инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан кечиктиришнинг тугаш вақтини кўрсатувчи умумий шаклдаги далолатнома тузилади.

485. Темир йўл шохобча йўлларидан топширишга тайёр бўлган вагонларни инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан қабул қилиш инфратузилма эгасига (ташувчига) боғлиқ сабабларга (инфратузилма эгаси (ташувчи) вакилининг йўқлиги, локомотив йўқлиги ва бошқа сабабларга) кўра кечиктирилганда инфратузилма эгаси (ташувчи) ва шохобча эгаси ёки контрагентнинг ишончли вакиллари томонидан имзоланган умумий шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатнома асосида вагонларни қабул қилишни кечиктириш вақти вагонларнинг темир йўл шохобча йўлларида туриб қолиш вақтидан чиқариб ташланади.

486. Темир йўл устави ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар (техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив хужжатлар, техник фойдаланиш (норма ва қоидалари) талаблари, шунингдек тузилган шартнома шартлари бузилганлиги сабабли инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан шохобча эгаси ёки контрагентдан қабул қилин-

маган, темир йўл шохобча йўлларидаги вагонларнинг туриб қолган вақти, ушбу вагонларни инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан шохобча эгаси, контрагенти, юк жўнатувчи ёки юкни олувчи томонидан тегишли носозликлар бартараф этилгандан сўнг қабул қилиб олгунга қадар ҳисобланади.

Қоидабузилиш ҳолати инфратузилма эгасининг (ташувчининг) ваколатли вакили томонидан тузиладиган умумий шаклдаги далолатномада қайд этилади.

487. Вагонларнинг йўналишидаги темир йўл станцияларида ушлаб қолиш инфратузилма эгасининг (ташувчининг) ёзма фармойиши асосида амалга оширилади ҳамда унда поезд рақами, вагонлар сони, уларнинг рақамлари, санаси, вақти ва ушлаб туриш сабаби кўрсатилади. Бундай фармойиш юк жўнатувчи, юкни олувчи, шохобча эгаси ёки контрагентни хабардор қилиш учун темир йўл станциясига манзилига берилади.

Ушлаб қолишни бекор қилиш ва ушлаб қолинган вагонларни станция манзилига жўнатиш санаси ва вақти ҳақидаги буйруқ ва хабарнома ҳам шу тартибда берилади.

Йўналиши бўйича вагонларни ушлаб қолиш ҳақидаги фармойишга асосан инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан вагонлар ушлаб қолинган темир йўл станциясида вагонларнинг келган вақти, вагонларни ушлаб қолиш ҳақидаги буйруқ рақами ва уни олган вақтини, вагонлар рақамини кўрсатган ҳолда уч нусхада умумий шаклдаги далолатнома тузилади.

Вагонларни ушлаб қолиш бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруққа асосан вагонларни ушлаб қолиш ҳақидаги умумий шаклдаги далолатномага қўшимча равишда инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан вагонларни ушлаб қолиш вақти тугаши ҳақидаги маълумот киритилган умумий шаклдаги далолатнома тузилади.

Умумий шаклдаги далолатноманинг бир нусхаси вагонлар ушлаб қолинган темир йўл станциясида қолади, қолганлари эса юк ҳужжатлари билан бирга манзил темир йўл станциясига юборилади. Манзил темир йўл станциясида мазкур умумий шаклдаги далолатноманинг бир нусхаси юк ҳужжатлари билан биргаликда инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан юкни олувчига, умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл шохобча йўллари эгаси ёки контрагентга берилади.

Умумий шаклдаги ушбу далолатнома асосида инфратузилма эгаси (ташувчи) томонидан вагонларнинг йўналиши бўйича ушлаб қолинган вақти аниқланади ва тегишли йўл тўловлари ҳисобланади.

488. Темир йўл уставига мувофиқ вагонларнинг ўз вақтида ортилмаганлиги, туширилмаганлиги, юкни олувчилар томонидан юкларнинг темир йўл станцияларидан ташиб кетилмаганлиги, юк жўнатувчи, юкни олувчига боғлиқ сабабларга кўра вагонларнинг юк манзилини ўзгартириш учун туриб қолганлиги ва бунинг натижасида темир йўл станциясида технологик қийинчиликлар юзага келганлиги учун кўрсатилган шахслар томонидан вагонлар (контейнерлар) туриб қолганлиги учун жарима тўланади.

Темир йўл станцияси ишидаги технологик қийинчиликлар далили сифатида:

1) тушириш-ортиш учун қўйиб беришни кутаётган вагонлар навбатининг ҳосил бўлиши;

2) станцияда туриб қолган вагонлар туфайли қўшимча манёвр ишларининг бажарилиши;

3) вагонларни қайта саралаш заруриятининг юзага келиши;

4) қўшни темир йўл станцияларидан поездларни қабул қилишда кечикишлар юзага келиши;

5) йўналиш давомидаги темир йўл станцияларида вагонларни ушлаб туриш зарурияти;

6) узоқ муддат юк туширилиши сабабли, ортиш учун бўш вагонларни бошқа жойлардан юбориш зарурияти ва бошқа ҳолатлар ҳисобланиши мумкин.

Технологик қийинчиликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаби ва шартлари, уларнинг амал қилиш муддатини аниқлаш ташувчининг ваколатига киради.

### **31-боб. Яқуний қоидалар**

489. Мазкур Қоидаларнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

490. Юк жўнатувчилар, юкни олувчилар, темир йўл транспорти (ташувчилар), шохобча эгалари, контрагентлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар ўз ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ РАИСИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**410** Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3458*

Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июндаги ПФ–6007-сон «Ўзбекистон Республикаси ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилиш давлат тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июндаги ПҚ–4751-сон «Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 4 сентябрь,  
91-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат хавфсизлик хизмати раисининг  
2023 йил 4 сентябрдаги 91-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим  
ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини  
таъминлаш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш (бундан буён матнда баҳолаш деб юритилади) тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**киберхавфсизлик** — кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати;

**киберхавфсизлик объекти** — ахборотнинг киберҳимоя қилинишини ҳамда миллий ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлашга доир фаолиятда фойдаланиладиган ахборот тизимлари мажмуи, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари;

**киберҳимоя** — киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олишга, киберхужумларни аниқлашга ва улардан ҳимоя қилишга, киберхужумларнинг оқибатларини бартараф этишга, телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ҳамда ресурслари фаолиятининг барқарорлигини ва ишончилигини тиклашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий-иқтисодий, муҳандислик-техник чора-тадбирлар, шунингдек маълумотларни криптографик ва техник жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари мажмуи;

**киберхужум** — кибермаконда аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда қасддан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган ҳаракат;

**муҳим ахборот инфратузилмаси** — муҳим стратегик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг, ахборот тизимлари ҳамда тармоқлар ва технологик жараёнлар ресурсларининг мажмуи;

**муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари** — давлат бошқаруви ва давлат хизматлари кўрсатиш, мудофаа, давлат хавфсизлигини, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ёқилғи-энергетика мажмуи (атом энергетикаси), кимё, нефть-кимё тармоқлари, металлургия, сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш, банк-молия тизими, транспорт, ахборот-коммуникация технологиялари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, стратегик аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида, ишлаб чиқа-

риш соҳасида, шунингдек иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ва ижтимоий соҳада қўлланиладиган ахборотлаштириш тизимлари.

2. Баҳолаш киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини жорий қилиш, улардан фойдаланиш ва/ёки ривожлантириш жараёнида тизимли равишда амалга оширилади.

### **2-боб. Баҳолаш ўтказиш тартиби**

3. Баҳолаш киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади) тақдим қилган муружаатига мувофиқ ўтказилади. Бунда, муружаатга мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган талабларнинг бажарилганлигини кўрсатувчи маълумотлар илова қилинади.

Баҳолаш бевосита ваколатли давлат органи ташаббусига кўра ёки унинг ёзма топшириғи асосида ваколатли давлат органининг ишчи органи — «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (бундан буён матнда ишчи орган деб юритилади) томонидан амалга оширилиши мумкин.

Бунда, баҳолаш уч ойгача бўлган муддатда амалга оширилади, шунингдек киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини баҳолаш жараёнининг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, ушбу муддат ваколатли давлат органи ёки ишчи орган раҳбари томонидан кейинги уч ойгача узайтирилиши мумкин.

4. Баҳолаш жараёнида ваколатли давлат органи ёки ишчи органи томонидан киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигига салбий таъсир этувчи таҳдидлар мавжудлиги ўрганилади.

5. Баҳолаш жараёнида амалга ошириладиган ишлар автоматлаштирилган дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин.

### **3-боб. Баҳолаш усуллари**

6. Баҳолаш жараёнида ваколатли давлат органи ёки ишчи органи томонидан қуйидаги киберхавфсизликни амалга ошириш ҳолатлари ўрганилади:

киберҳимояни таъминлаш тизимининг самарадорлиги;

маълумот ва уни қайта ишловчи объектлардан рухсатсиз фойдаланишни олдини олиш чораларининг жорий этилганлиги;

киберҳимояни таъминлаш тизими параметрларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги, киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектининг узлуксиз фаолият юритишини таъминловчи чора-тадбирлар жорий этилганлиги;

киберхавфсизлик ҳодисаси рўй берганда киберҳимояни таъминлаш тизимининг тезкор тиклаш имконияти мавжудлиги;

киберхужумларни мониторинг, аудит ва таҳлил қилиш, аниқлаш, чора кўриш ҳамда асоратларини бартараф этиш тизимининг йўлга қўйилганлиги;

киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектини кибер-



хавфсизлигини ва унинг эксплуатациясини таъминловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

киберхавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ лавозимларга мутахассисларнинг тайинланганлиги;

конфиденциал маълумотлар ҳимоясининг таъминланганлиги.

7. Киберҳимояни таъминлаш тизимининг самарадорлиги қўйидаги ҳолатлар асосида баҳоланади:

автоматлаштирилган бошқарув тизими архитектураси ва конфигурациясининг киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги;

киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги;

ахборот тизими ва ресурсларининг киберхавфсизлик талабларига мувофиқ комплекс экспертзадан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳулосанинг мавжудлиги;

бошқариладиган (кузатиладиган) объект ёки жараённинг параметрлари (ҳолати) тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан кириш (чиқиш) маълумотлари, бошқарув ва буйруқ тусдаги маълумотлари, назорат ва ўлчов маълумотлари ҳамда бошқа муҳим (технологик) маълумотларда киберхавфсизликнинг таъминланганлиги;

маълумотларни қайта ишловчи дастурий таъминот ва аппарат воситалари, шу жумладан иш станциялари, серверлар, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, дастурлаштириладиган мантиқий текширгичлар, ишлаб чиқариш ва технологик ускуналар киберхавфсизлигининг таъминланганлиги.

8. Маълумот ва уни қайта ишловчи объектлардан рухсатсиз фойдаланишни олдини олиш чораларининг жорий этилганлиги қўйидаги ҳолатлар асосида баҳоланади:

сертификатланган тармоқлараро экран мавжудлиги ва уни тегишли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ созланганлиги;

тармоқ ҳужумларини аниқлаш ва олдини оловчи сертификатланган тизимлар мавжудлиги ва уни тегишли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ созланганлиги;

конфиденциал маълумотлар чиқиб кетишини олдини олишнинг сертификатланган тизимининг мавжудлиги ва уни тегишли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ созланганлиги;

дастурий, аппарат-дастурий ва аппарат воситаларини қўллаш натижа-сида киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг фаолиятини бузилиши ва/ёки тўхташи мумкин бўлган таҳдидларга қарши чора қўрилганлиги;

конфиденциал маълумотларнинг ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлашнинг сертификатланган тизимини татбиқ этилганлиги.

9. Киберҳимояни таъминлаш тизими параметрларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги, киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг узлуксиз фаолият юритишини таъминловчи чора-тадбирлар жорий этилганлиги қўйидаги ҳолатлар бўйича баҳоланади:

кафолатланган узлуксиз электр таъминоти ва унинг муқобил манбаларининг мавжудлиги, уларнинг созлигини ўрганиш бўйича синовлар ўтказилганлиги;

маълумотларни қайта ишлаш тизимининг узлуксиз ишлашини таъминловчи ускуна ва дастурий таъминот захираси мавжудлиги;

маълумотлар базаси ва созланма маълумотларининг захира нусхаларини ўрнатилган тартибда олиниши ва сақланишининг таъминланганлиги.

10. Киберхавфсизлик ходисаси рўй берганда киберҳимояни таъминлаш тизимининг тезкор тиклаш имконияти мавжудлиги қўйидаги ҳолатлар асосида баҳоланади:

киберҳимояни таъминлаш тизимининг ишчи ҳолатини тиклаш бўйича амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ва масъул шахсларнинг вазифаларини белгиловчи йўриқноманинг мавжудлиги ва самарадорлиги;

киберҳимояни таъминлаш тизимининг захира нусхаларини ўрнатилган тартибда олиниши ва сақланишининг таъминланганлиги;

киберҳимояни таъминлаш тизимининг тўлиқ қайта тикланиши, шу жумладан, захира нусхаси орқали таъминланганлиги.

11. Киберхужумларни мониторинг, аудит ва таҳлил қилиш, аниқлаш, чора кўриш ҳамда асоратларини бартараф этиш тизимининг йўлга қўйилганлиги қўйидаги ҳолатлар асосида баҳоланади:

ҳодисаларни қайд этиш электрон журналининг юритилганлиги (камида сўнги 3 ойлик муддат);

киберхужумларни мониторинг, аудит ва таҳлил қилувчи тизимнинг ишлашининг таъминланганлиги (тест синови орқали ўрганиш ўтказилади);

киберхужумларни аниқловчи, чора кўрувчи ва асоратларини бартараф этувчи тизимларнинг ишлашининг таъминланганлиги (тест синови орқали ўрганиш ўтказилади).

12. Киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини ва унинг эксплуатациясини таъминловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги қўйидаги ҳолатлар асосида баҳоланади:

киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объекти раҳбари томонидан объектда киберҳимоя тизимининг ишлашини таъминлаш учун масъул мутахассислар тайинланганлиги ва/ёки таркибий бўлинманинг мавжудлиги;

киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектининг ахборот хавфсизлиги сиёсати, низомлари, кўрсатмалари, талаблари ҳамда ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, киберҳимоя тизимининг ишлашини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тасдиқланганлиги ва доимий такомиллаштириб борилганлиги;

ахборот тизимларининг киберхавфсизлик ҳолати ва муҳим кўрсаткичларининг мониторингини олиб бориш, шунингдек ахборот хавфсизлигига таҳдидлар, заифликлар ва уларни амалга ошириш (ҳосил қилиш) мумкин бўлган усуллар (сценарийлар) ва моделлар таҳлил қилинганлиги ҳамда киберхавфсизлик ходисаларига чора кўрилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлиги;

киберҳимоя тизими ва тизим ости қисмларининг тажриба эксплуатацияси, қабул қилиш синовлари ҳамда киберҳимоя тизимини синовдан ўтказиш амалиётларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ходимларнинг ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича билими ва амалий тажрибасини ошириб боришини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объекти киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича тасдиқланган ишчи ёки эксплуатация ҳужжатларининг мавжудлиги;

ахборот ва киберхавфсизлик йўналишидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ҳимоя тизимининг ҳолатини режали ва режадан ташқари ўрганиш амалиётини жорий этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

барча маълумот ташувчиларни (шу жумладан объект ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш) сақлаш, узатиш ва муомаладан чиқариш жараёнини тартибга солувчи қоидаларга риоя қилинаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

йиллик режаларда белгиланган киберхавфсизликни таъминлашга оид тадбирларнинг ижро этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги.

13. Киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ лавозимларга шу соҳада касбий кўникмага эга ва малака оширилганлигини тасдиқловчи сертификатлари мавжуд бўлган ходимлар тайинланиши ўрганилади.

14. Киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг автоматлаштирилган (ахборот) тизимларида қайта ишланаётган конфиденциал маълумотлар қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ ҳимояланганлиги ўрганилади.

15. Баҳолаш жараёни яқунлангандан сўнг мазкур Низомнинг 7 — 14-бандларидаги талабларнинг бажарилиш ҳолати юзасидан ваколатли давлат органи ёки ишчи орган томонидан икки нусхада далолатнома расмийлаштирилади. Бунда, далолатноманинг бир нусхаси баҳолаш ўтказилган муҳим ахборот инфратузилмаси объектининг масъул ходимига берилади.

Далолатномада бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, бунда баҳолаш ўтказилган муҳим ахборот инфратузилмаси объектининг ходимлари (мутахассислари) томонидан дарҳол ушбу камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади, бу ҳақида тегишли маълумотнома тузилади ҳамда ваколатли давлат органи ва/ёки ишчи органга тақдим этилади.

16. Ваколатли давлат органи ва ишчи органи томонидан доимий равишда кибертахдидлар бўйича маълумотлар таҳлил қилиб борилади.

Бунда, аниқланган кибертахдидлар ва заифликлар бўйича ваколатли давлат органи ёки ишчи орган томонидан киберхавфсизлигини таъминлаш даражаси баҳоланган объектларни қайта баҳолаш тадбирлари мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган муддатларда амалга оширилиши мумкин.

**4-боб. Яқуний қоидалар**

17. Муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари, ваколатли давлат органи ва/ёки ишчи орган баҳолаш давомида олинган маълумотларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда махфийлигини таъминлаш учун жавобгардир.

18. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 16 сентябрдаги 10-мқ-сон «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2023 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921-4.**

2. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 11 сентябрдаги 73/2023-к/қ-сон ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 7 сентябрдаги 35-сон «Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2023 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1990-1.**

3. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 5 августдаги 22-сон «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида юк ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3457.**

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2023 йил 4 сентябрдаги 91-сон «Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2023 йил 22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3458.**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 26 июндаги 33Қ/Б ва 13-сон «Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши

тақиқланадиган ноқулай меҳнат шaroитлари ишлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль).

*2023 йил 20 сентябрда давлат реесридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реесридан чиқарилди.**